

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№17 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сағдуллаев Анатолий Сағдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Юнусова ХуршидаЭркиновна, Усаров Умиджон Абдимавлянович, ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	4
2.Юлдашев Бахтиёр Эргашевич, ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИ.....	11
3.Ғофуров Низомжон Октябрович, ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК.....	20
4.Исаров Умидулла Исарўғли, БРОНЗА ДАВРИДА БАҚТРИЯНИНГ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	25
5.Намозов Баҳрам Худойшукурович, ЎЗБЕКИСТОНДА ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	32
6.Норматова Фируза Амоновна, ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ВА МАРҒИЁНА ҲУДУДЛАРИ ЗАРДУШТИЙЛИК.....	38
7.Рўзикулова Мафтуна Юлдашевна, ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ КАДРЛАРИ ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР (1950-1970 йй.).....	45
8.Тўпчиев Усмон Синдорович, XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНГА КЕЛТИРИЛГАН ЯНГИ УЗУМ НАВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	52
9.Ҳасанова Нодира Ибрагимовна, СУРҲОН ВОҲАСИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ (XX асрнинг 20-30 йиллари мисолида).....	62
10.Хасанов Зухриддин Аваз ўғли, МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДИНИЙ МУРОСАСОЗЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ.....	68
11.Шакиров Ильяс Рахимзянович, СИНГАПУРНИНГ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ БОШЛАНҒИЧ ДАВРИДА ТЎҚНАШ КЕЛГАН МУАММОЛАРИ.....	75
12.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ХАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	85


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Юнусова Хуршида Эркиновна,
ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси
профессори

Усаров Умиджон Абдимавлянович,
ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси
таянч докторанти

ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВДАН Фойдаланиш ва деҳқончиликнинг ўзига хос ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation: Khurshida E. Yunusova, Umidzhon A. Usarov. Use of water in agriculture and its features of the Zarafshan oasis. 2019, vol. 17, issue 2, pp. 4-10

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-01>

АННОТАЦИЯ

Ўрта Осиё деҳқончилик маданияти юқори даражада ривожланган қадимги минтақалардан бўлиб, маҳаллий аҳоли суғориш иншоотларини барпо этишда, деҳқончиликнинг ўзига хос усулларида фойдаланишда катта тажрибага эга бўлган. Кенглиги, чуқурлиги ва оқимининг тезлиги жиҳатидан ўлкадаги катта сув манбаларига қараганда бир неча марта кичик ва бирмунча тинч оққан Зарафшон дарёси бўйларида ҳам маҳаллий аҳоли дарё сувларини жиловлаб деҳқончиликда унумли фойдаланган. Ушбу мақолада Зарафшон дарёси бўйларида маҳаллий аҳолининг деҳқончилик маданият ва сув иншоотларини қуриш борасидаги тажрибалари илмий адабиётлар ёрдамида таҳлил қиланади.

Калит сўзлар: Ариқ, канал, ирмоқ, шаҳобча, суғориш тармоқлари, чим, тўғон, оқим, қамиш, ҳашак, тош, шағал, ўзан, қозиқ, ирригация, цилиндр, усул, мўътадил иқлим, сув манбалари, тажриба.

Юнусова Хуршида Эркиновна,
профессор кафедрасы истории Узбекистана НУУ

Усаров Умиджон Абдимавлянович,
базовый докторант кафедры
истории Узбекистана НУУ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОДЫ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ЕГО ОСОБЕННОСТИ ЗАРАФШАНСКОГО ОАЗИСА

АННОТАЦИЯ

Центральная Азия - это древний регион с высоким уровнем сельскохозяйственной культуры, где местное население имеет большой опыт в строительстве ирригационных сооружений и использовании специфических методов ведения сельского хозяйства. С точки зрения ширины, глубины и скорости потока местные жители смогли использовать воду в своей сельскохозяйственной деятельности на реке Зарафшан, которая в несколько раз меньше и спокойнее, чем крупнейшие источники воды в стране. В этой статье анализируется опыт местного населения по строительству сельскохозяйственных культур и водных сооружений вдоль реки Зеравшан с использованием научной литературы.

Ключевые слова: канава, канал, приток, выход, ирригационные сети, газон, плотина, ручей, тростник, сено, камень, гравий, река, свая, ирригация, цилиндр, метод, умеренный климат, источники воды, опыт.

Khurshida E.Yunusova,
professor, department of History of Uzbekistan NUU

Umidzhon A.Usarov,
basic doctoral student
History of Uzbekistan NUU

USE OF WATER IN AGRICULTURE AND ITS FEATURES OF THE ZARAFSHAN OASIS

ANNOTATION

Central Asia is an ancient region with a high level of agricultural culture where the local population has extensive experience in the construction of irrigation facilities and the use of specific farming methods. In terms of breadth, depth and flow rates, local people have been able to use the water in their farming activities on the Zarafshan River, which is several times smaller and more quiet than the country's largest water sources. This article analyzes the experience of local people on the construction of agricultural cultures and water structures along the Zarafshan River using scientific literature.

Key words: Ditch, canal, tributary, outlet, irrigation networks, turf, dam, stream, cane, hay, rock, gravel, river, pile, irrigation, cylinder, method, moderate climate, water sources, experience.

Ўрта Осиёлик деҳқонлар қадимдан суғориш иншоотларини барпо этишда, ирригаторлар канал қазишда сув оқимини таъминлайдиган нишабликни тўғри белгилашдан тортиб, тўғон ўрнатишда сув босимини ҳамда иншоотни ағдариб ташлайдиган кучларни ҳисобга олган ҳолда мураккаб техникавий масалаларни ижодий ҳал этишган. Улар барча сув иншоотларини қуришда тупроқ, чим, тош, шох-шабба каби оддий материаллардан фойдаланиб, тош ёки пишиқ гиштдан

барпо қилинадиган муҳандислик иншоотлари учун сувга чидамли махсус гидравлик қурилиш қоришмаларини кашф этишган. Натижада, Ўзбекистонда жуда қадим замонлардан турли хилдаги сув иншоотларини қуришда тўпланган тажрибаларга бой ажойиб ирригация техникаси вужудга келган. Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларининг камсув тоғолди ҳудудларида барпо қилинган қадимги сув иншоотлари бўлган. Маҳаллий деҳқонлар тупроқ, тош, ёғоч, қамиш, шох-шабба ва бошқа материаллардан фойдаланган ҳолда тез ва арзон қуриладиган суғориш иншоотларидан унумли фойдаланганлар. Бироқ, бундай йўллар билан тўсилган сув йўлларини жиловлаш йўлини бундай материаллар билан тўсиш узоққа бормаган. Шу сабабли деҳқонлар деярли бутун йил давомида ҳашар йўли билан камида 10-20 кун суғориш тармоқларида қуриш, таъмирлаш, тозалар ишлари билан ҳам банд бўлганлар

Кўпгина суғориладиган майдонлари дарёдаги сув сатҳидан баландда жойлашганлиги боис дарёлардан бошланадиган каналлар одатда тошқин пайтларидагина ишлаб, далаларга сув олиб борган. Йилнинг бошқа вақтида каналлар қуриб қолган ёки сув камчил бўлган. Бундай пайтларда дарёдан сув чиқариб берадиган турли иншоотлардан фойдаланилган. Бундай иншоотлардан бири "чиғир" деб аталган, бўлиб, улар дарё, канал ва ҳатто, қудуқлардан сувни чиқариб суғоришда кенг қўлланилган.

Ўрта Осиёда деҳқончиликни ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган Орол денгизи ер куррасининг чўл минтақасида жойлашган энг йирик, суви шўр ва оқмайдиган кўллардан ҳисобланган. Орол денгизи сувни асосан Амударё, Сирдарёдан олган. Денгиз сатҳига ҳар йили 7 миллиард тонна шартли ёқилғи қувватига тенг қуёш нури тушган. Қуёш нурининг тахминан 40 фоизини денгиз суви ютиб, катта радиусда қишлоқ хўжалиги учун қулай илиқ иқлимни юзага келтирган. Оролга сув қуйиб турганикки дарё бўлиб, улардан бири Амударёнинг қуйи оқими ва унинг дельта қисмида Хоразм воҳаси ҳамда Қорақалпоғистоннинг чегара ерларида суғориладиган ерлар мавжуд бўлган. Иккини дарё Сирдарё ҳавзасининг юқори қисмида дарёнинг ирмоқлари - Чирчиқ, Норин, Қорадарё, Оҳангарон дарёлари бўлган. Бу дарёлар сувларининг тахминан 6-7 фоизи деҳқончиликда суғориш ишлари учун ишлатилган. Аҳоли зич жойлашган ерлардан оқиб ўтадиган Зарафшон, Қашқадарё каби дарёларнинг суви ҳам деҳқончилик учун ишлатилган[1. -Б. 14.]. Бу дарёларнинг сув заҳиралари йилнинг фасллари ва об-ҳавога қараб, айниқса, қиш-баҳор ойларида ўзгариб турган. Сувга сероб йиллар қатори сувга тақчил бўлган йиллар ҳам бўлган. Мана шундай вазиятда маҳаллий деҳқонлар ўз тажрибалари ва билимларини ишга солганлар. Деҳқонлар, мироблар табиатда, атроф - муҳитда мавжуд белгиларга қараб дарёда сув сероб ёки оз бўлишини олдиндан билганлар. Бу тажриба уларга суғориладиган экин майдонлари кўпайтириш ёки қисқартириш имконини берган. Деҳқонлар дарё ўзанини тўсиб тўғон қуриш ва ортиқча сувларни йиғиб сақлашга хизмат қиладиган катта сув омборларини қурганлар, сув заҳирларини охиригача ишлатиш йўлларини билганлар. Бу усул табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан безарар бўлган, жумладан, сув омборларининг тубига ва ён бағрига сингиб турувчи сизот сувлар кўп ҳолларда омбор қуйи томонида жойлашган ҳудудлар экологиясини ёмонлаштириши - ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиб, ботқоқликлар пайдо бўлиши, ерлар шўрланишини олдини олган.

Ўрта Осиё минтақасидаги ҳар водий, воҳа аҳолиси деҳқончилик билан

шуғулланиши учун ерларни жойлашувига қараб сувдан фойдаланишнинг йўллари билган. Масалан, кенглиги, чуқурлиги ва оқимининг тезлиги жиҳатидан Ўрта Осиёдаги катта сув манбаларига қараганда бир неча марта кичик ва бирмунча тинч оққан Зарафшон дарёси сувларини маҳаллий аҳоли бемалол боғлай олган ва деҳқончиликда унумли фойдаланган.

Ариқ ва каналларга Зарафшон дарёсидан ёки унинг ирмоқлари Оқдарё ва Қорадарёдан сув чиқариш кенг тарқалган. Асосий ариқлардан шаҳобчалар, сўнгра улардан майда суғориш тармоқлари ажралиб чиққан. Шох-шабба, чим, ҳарсанг тошлар дарёнинг секин оқадиган жойларга ташланиб, тўғон қилинган. Зарафшон ирмоқлари Оқдарё ва Қорадарё ерларнинг серҳосил бўлишига имкон берган [2.-С.107]. Зарафшон дараёси иккита Оқдараё ва Қорадарёга ажралган. Иккала дараёнинг оқим йўналиши ҳам Самарқанднинг шимолий - шарқидан тортиб, Қаттақўрғондан ҳам ўтиб кетган. Зарафшон дарёсининг биринчи ирмоғи ҳисобланган Оқдараё, Қорадараёдан шимолда жойлашган ҳамда сувнинг кўпроқ қисми шу дарёдан оққан. Иккала дарё ҳам Хатирчи беклиги, худудида бирлашган. Оқдарёнинг узунлиги 105 чақиримни, Қорадарёники эса 100 чақиримни ташкил этган [3.-С.12]. Зарафшон дарёсидан қазилган каналлар орқали қарийиб 400 минг десятина ер суғорилган. Зарафшонликлар дарё оқимини тартибга солиш, дарёдан суғориш тармоқларига ўз вақтида керакли миқдорда сув боғлаб олиш билан кўпроқ банд бўлганлар. Каналларга сув чиқариш дарёга тўғонлар ўрнатиш орқали амалга оширилган. Зарафшон водийси аҳолиси бу усулни қадим замонлардан қўллаб келган. Деҳқонлар кучи билан каналларнинг бош қисмига ўрнатилган ва маҳаллий аҳоли тили билан "варақ", "варғ" ёки "банд" деб номланган тўғонлар табиий материаллар, яъни шох-шаббалар, қамиш, ҳашак, тош, шағал, чим ва тупроқлардан қурилган. Тўғонлар ҳар бир сув йўли узунлигига қараб турлича қурилган. Масалан, дарёнинг қарама-қарши қирғоғига етказилмасдан, оқимнинг маълум қисмигача ўрнатилган оддий иншоотлар бўлган. Бундай иншоотлар Самарқанд ва Бухоро воҳаларида "нишоб", "нишбанд" ёки "нишванд" деб аталган[4. -Б. 285]. Нишбандларни ўрнатиш ва улар орқали каналларга боғлаб олинадиган сувни тартибга солиб туриш осон ва бирмунча қулай бўлган. Каналга келаётган сув миқдорини кўпайтириш керак бўлган вақтда тўғон узайтирилган. Камайтириш керак бўлган вақтда қисқартирилган. Нишбандларнинг бундай содда конструкцияси, унинг қадим замоннинг маҳсули эканидан далолат беради.

Иккинчи хил ўзанлар дарёнинг икки қирғоғига туташган ёпиқ тўғонлар бўлиб, улар "қўрбанд", яъни ёпиқ тўғон деб аталган. Бу тўғон ҳам жуда содда қурилган бўлиб, бунинг учун дарёнинг икки қирғоғига икки йўғон қозиқ қоқилиб, икки айирли дарахтнинг йўғон шохи қозиққа ҳалқа қилиб илинган, шох томони эса дарёга ташланган. Дарахтнинг дарёга туширилган қисмига шох-шабба, ҳашак ва бошқа нарсалар бостирилган. Уларнинг устига чим ёки тошлар зич қилиб терилган. Устига яна шох-шабба бостирилган. Дарёнинг чуқурлигига қараб бу жараён 3-4 маротаба, баъзан эса ундан ҳам кўп такрорланган. Бундай тўғонлар Бухоро вилоятида "халқабанд" деб юритилган ва дарёнинг нариги қирғоғигача етказилмаган[4. -Б. 286]. Дарёни боғлашдаги бундай тартиб оқим тезлигини синдириб, қурилиш ишларини бирмунча енгиллаштирибгина қолмай, балки сувнинг тўғонни ўпириб кетишидан сақлаб, унинг узоқ вақт мустаҳкам туришини ҳам таъминлаган. Маҳаллий ирригаторлар бандларни ўрнатишда, уларнинг қирғоғига туташган бурчак қисмига алоҳида эътибор берганлар. Чунки канал

томон куч билан оқиб келган сув тўғоннинг бурчак қисмига зўр бериб, ўпирилишлар содир бўлган.

Умуман, тўғонларнинг ҳар икки тури - нишбандлар ва кўрбандлар ҳам деярли бир хилда қурилишга эга бўлиб, бу иншоотларни кашф этган қадимий ирригаторлар уларни оқимга қарши жуда усталик билан ўтказиш усулини топганлар. Академик А. Муҳаммаджоновнинг ёзишича, бош тўғонларни қуришда узунлиги 6-8 метр, диаметри 1-2 метр бўлган думалоқ цилиндрлардан ҳам фойдаланганлар. Улар бу ерда "навала", "кавола" деб юритилган. Хоразмда эса "навард", ёки "вард", Фарғона водийсида "ўлук" Сирдарёда эса "Қорабур" номлари билан аталган. Бу цилиндрлар шох-шабба ва қамишдан цилиндр ҳолатига келтирилган бўлиб ораси тош, чим ва шағаллар билан тўлдирилган ва кўндалангига уч ёки тўрт еридан қамиш билан боғлаб, маҳкам чиқилган ҳолатда бўлган [4. -Б. 286]. Улар катта ҳолатда бўлишига қарамай маҳаллий аҳоли бу цилиндрларни бирор асбобсиз ясаган ва уларни дарёларга ташлашни ҳам моҳирона эплэй олганлар [5. -С. 50]. Катта цилиндрларни дарё бўйига думалатиб келиб, биринкетин дарёга ташлаганлар. Цилиндрларнинг биринчи қатори сувга ташланиб, тўсиқ ҳолини олиши билан қолганлари кетма-кет ташланган. Гоҳида дарёнинг икки томонидан барабар ташланиб, дарёнинг ўртаси билан барабар тўсилмагунча давом этаверган. Маҳаллий аҳоли цилиндрларнинг яхшироқ жойлашишига алоҳида эътибор берганлар. Бу иншоотлар ўз даври учун жуда қулай ва арзон ҳисобланган.

Зарафшон дарёси бўйларида деҳқончилик қилган аҳоли сув танқислиги ёки сув сероблигига қарамай оғир ва машаққатли меҳнат қилганлар. Ҳатто камсув ерларда деҳқончилик қилиш борасида ҳам жуда бой тажрибага эга бўлганлар. Масалан, деҳқонларнинг "қоқлама" деган усули бўлиб, у Бухоро амирлигининг Конимех, Зандана, Ромитан, Ҳайрообод, Қорақўл туманларида кенг қўлланилган. "Қоқлама" ерларни шудгор қилиш деган маънони бериб, ерни "қоқлама"га тайёрлаш эрта баҳор хали ердан намлик кетмаган даврдан бошланган. Ери шўрроқ туманларда эса иш ҳатто қишда бошланган, аввало ернинг шўрини ювиш аввало агар имконият бўлса "яхоб" суви берилган [6]. Баҳор кириши билан шудгор қилишга киришилган. Ерлар бирин -кетин ҳайдалиб, у икки навбатга бўлинган. Биринчи навбат, ерни ҳайдаш то июнь ойининг охиригача давом этган. Ёзги чилланинг кириши билан ерни ҳайдаш вақтинчалик тўхтатилиб, шудгор қилинган майдон қирқ кун давомида ташлаб қўйилган. Буни маҳаллий деҳқонлар "лолабби шудгор" деб аташган. Бу даврда кўёшнинг ўткир нурлари ва ёзнинг жазирама ҳарорати билан шудгор қилинган майдон тупроғидаги зараркунанда ҳашоратлар, бегона ўсимлик илдиз ва тухумлари деярли қуриб битган. Август ойиб кириши билан иккинчи навбат ер ҳайдаш бошланиб, у сентябрь ойигача давом этган. Ҳар иккала навбатда ҳам ер майдони 6-7 марта ҳайдалган [4. -Б. 172].

Сентябрь ойдан шудгор қилинган ерларда мола босиш бошланган. Мола босиш ҳам ўз навбатида уч навбатга бўлинган. Аввал махсус тишли мола билан шудгорга 8-10 маротаба узунасига ҳамда кўндалангига мола босилган. Бухоролик деҳқонлар буни "чипирост" усулидаги "дондона мола" деб атаганлар. Дондона мола шудгор кесакларини майдалаш учун ишлатилган. Кўп маротаба ҳайдалган ва қайта - қайта дондона қилинган ер майдони натижада майда тупроққа яъни "ҳокка" айланган. Шу билан бирга ерни "қоқлама"га тайёрлаш учун олиб борилган асосий ишлаш жараёни тугаган. "Қоқлама"га тайёрланган ернинг тобига келганини аниқлаш учун одатда деҳқонлар кесакни юқорига отиб, шудгорга ташлаб кўрганлар.

Шудгорга тушган кесак агар тупроққа ботиб, кўмилиб кетса у вақтда ер майдони етилган деб ҳисобланган. Бундай шудгорга қадам қўйилса, киши оёғи тиззасигача тупроққа ботиб кетган. Экишдан аввал тупроққа иккинчи мола босилиб, унинг сони 6-8 мартагача етказилган. Уруғ сепилгандан сўнг тишли мола билан 2-3 маротаба мола босилган. Шу билан қарийиб олти ой мобайнида давом этган машаққатли агротахник тадбир тугаган.

Экин майдонларининг шу қадар синчиклаб ишланиши, қишки ва баҳорги ёгингарчилик ҳисобига намлик билан таъминлаб турилишига имкон берган. Чунки қайта - қайта ҳайдалиш натижасида майда заррачаларга айланган тупроқ моланинг оғир зарби билан зичланиб, ернинг ортиқча парланишига йўл бермаган ва намликни узоқ вақт сақлаб турган. Натижада "қоқлама"га экилган башоқли экин кузнинг ўзидаёқ униб чиқиб, баҳорда нормал ўсиб, ёзнинг иссиқ ҳарорати бошланмасдан, бошоқ қотиб, дон қотгунга қадар намликни ердан олиб суғоришга мухтож бўлмаган ва у кам ҳосил бермаган. Бундай майдонларга асосан буғдой ва арпа экилган. Шу сабабли "қоқлама"га экилган ерни маҳаллий деҳқонлар "солий" ёки "йиллик" деб аташган. "Қоқлама" усули кўпроқ Қоракўлда кенг қўлланилган[4. -Б. 172-175].

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ўрта Осиё хусусан, Зарафшон водийсида яшаган аҳоли машғулотларига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга водий аҳолисининг катта қисми ўтроқ тарзда яшаган ва деҳқончилик билан чорвачиликни қўшиб олиб борган бўлиб, бундай хўжаликларда ер, сув етакчи аҳамиятга эга бўлган. Улар пахта, ғалла, дуккакли экинлар, полиз ва савзавот экинлари ва беда экишган. Иккинчи гуруҳга эса, водийнинг чўл ва дашт қисм қисмларида яшаган аҳоли бўлиб, уларнинг турмушида чорвачилик етакчи ўринда турган. Умуман, водий аҳолиси турмушида деҳқончилик чорвачилик билан уйғунлашиб боран, чунки ер ҳайдаш ва унга турли ишлов беришда, суғориладиган ерларга сув тортиб чиқаришда, ғаллани янчишда ҳамда ҳосилни ташишда ҳайвонлар кучидан кенг фойдаланилган. Шунингдек, улардан ерни маҳаллий ўғит билан бойитиш имконини берган[7, -Б. 4.].

Умуман олганда, Ўзбекистон худудида деҳқончилик қадимдан ривож топган. ўзининг бир қатор жиҳатлари, чунончи, Ўлканинг иқлимий мўътадиллиги, сув манбаларининг сероблиги, деҳқончилик учун қулай табиий шароитнинг мавжудлиги билан Ўрта Осиёда салоҳиятли мавқега эга бўлган. Шунингдек, аҳоли деҳқончилик маданиятининг ривожланишида ўзига хос тарихий анъаналарга эга бўлган. Шубҳасиз, бу борада бир неча минг йиллар мобайнида тўпланган тажриба ва нозик фенологик кузатишлар асосида, ўзбекларда ҳам деҳқончилик билан боғлиқ ўзига хос маданият шаклланиган. Айнан, мазкур маданият асосида деҳқонлар табиий ресурслар, хусусан, ер ва сувдан унумли фойдаланиш, сермашаққат меҳнат эвазига ҳосил етиштириш борасидаги этномиллий анъаналари ва технологиялари мужассасалашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қодиров А. Ўзбекистон ирригацияси тарихидан лавҳалар (XIX аср ўрталаридан 1920 йилларгача) - Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1998. -Б.14 (Kadyrov A. Scenes from the history of irrigation of Uzbekistan (from the middle of 19th to 1920) - Tashkent. Abdulla Kadiri Public Heritage Publishing House,

1998. -P.14).

2. Бухара // Военно -статистический сборник. Вып.III. - СПб., 1868. // Турк.сб., 1869. Т.30. - С.107 (Bukhara // Military Statistical Collection. Issue III. - SPb., 1868. / / Turk.sb., 1869.V.30. - P. 107).

3. Соболев Л.Н. Средняя Зерафшанская долина // Турк.сб.-СПб., 1882. - Т. 281. - С.12 (Sobolev L.N. Middle Zerafshan Valley // Turk.sb.-SPb., 1882. - Т. 281. - P.12).

4. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). -Тошкент: Фан, 1972. -Б. 286 (Muhammadjonov A.R. Irrigation history of the Lower Zarafshan Valley (From ancient times to the early 20th century). -Tashkent: Science, 1972. - P. 286).

5. Гелман Х.В. Особенности работ в строительных материалов Туркестанского края. - С.50 (Gelman H.V. Features of work in construction materials of the Turkestan Territory. - P.50).

6. "Ях-об" форсча - тожикча сўз бўлиб, "совуқсув" маъносини берган. Ҳайдалган ерга сув тўлдирилган (Yah-ob, for Persian, is a Tajik word meaning "cold." The plow is filled with water).


7. Тошев Х. XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Зарафон ўзбекларининг ҳўжалиги ва ижтимоий турмуши. -Тошкент: Фан, 1987. -Б.4 (Toshev H. Economic and social life of the Uzbeks of Zarafshan in the late 19th and early 20th centuries. -Tashkent: Science, 1987. -P.4).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Юлдашев Бахтиёр Эргашевич,
Тошкент темир йўл муҳандислари
институтининг доценти, тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИ

For citation: Baxtiyor E.Yuldashev. Formation, development stages and prospects of Uzbekistan railways. 2019, vol. 17, issue 2, pp. 11-19

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-02>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада архив хужжатлари ҳамда амалдаги манбалар асосида Ўзбекистон темир йўл йўлларининг тарихи бугуни ва истиқболи таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё темир йўли, сиёсат, иқтисодиёт, ҳарбий-стратегия, темир йўл тизимидаги муаммолар, Ўзбекистон темир йўллари, истиқбол.

Юлдашев Бахтиёр Эргашевич,
кандидат исторических наук, доцент
Ташкентского института инженеров
железнодорожных транспортов

ФОРМИРОВАНИЕ, ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье на основе архивных и текущих материалов раскрывается история развития железных дорог Узбекистана, анализируется проделанная работа в годы независимости и перспективы.

Ключевые слова: железные дороги Узбекистана, политика, экономика, военная стратегия, проблемы в системе железнодорожного транспорта, перспектива.

Baxtiyor E.Yuldashev,
Doctor of philosophy PHD
Tashkent Railway Engineers Institute

FORMATION, DEVELOPMENT STAGES AND PROSPECTS OF UZBEKISTAN RAILWAYS

ANNATOTION

This article analyzes the history and prospects of Uzbekistan Railways based on documents and available sources.

Key words: Central Asian Railway, policy, economy, military strategy, problems in the railway system, Uzbekistan railways, prospects.

Асрлар мобайнида халқаро савдо ва алоқа йўллари чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон замини халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан қулай транспорт - коммуникация ва транзит салоҳиятига эга. Халқаро ҳамжамиятнинг эътироф этишича, Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўли айнан юртимиз ҳудудлари орқали ўтган, бу ҳудудларда турли цивилизация ва маданиятлараро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари мунтазам амалга оширилиши учун қулай имконият яратилган.

Бугунги кунда транспорт - коммуникация тизимида темир йўл транспорти алоҳида ўринга эгадир. Ушбу тармоқ мамлакатимизда энг йирик табиий монополия бўлиб, унинг бозор шароитида самарали ишлаши юртимизда амалга оширилаётган барча иқтисодий ислоҳатларнинг боришига сезиларли таъсир кўрсатади десак хато қилмаймиз. "Ҳозирги вақтда, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, - мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали манзилларга етказилаётгани инobatга оладиган бўлсак, ушбу соҳа иқтисодиётимиз ривожига қандай муҳим ва катта мавқени эгаллаб турганини чуқурроқ ҳис қиламиз" [1]. Ўтган даврда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли ва самарали боғлайдиган, халқаро транспорт тармоқларига чиқишни таъминлайдиган, мустақил ва яхлит темир йўл транспорти коммуникациялари тизими барпо этилгани, ҳеч шубҳасиз, шу йўналишда эришган энг катта тарихий ютуғимиз бўлди. Булар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Буни чуқурроқ ҳис этиш учун мамлакат иқтисодий ҳаётида темир йўл транспортининг аҳамиятини тўғри баҳолаб, тегишли хулосалар чиқаришда унинг қурилиш тарихи, жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрнини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон темир йўллари тарихи XIX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Ўзбек хонликлари чор Россияси томонидан босиб олиниб, Туркистон генерал-губернаторлиги (1867 й.) ташкил этилгандан сўнг ўлка бойликларини Россия манфаатларига мослаштириш жараёни бошланди. Лекин Туркистон ўлкасини Россиянинг марказий ҳудудлари билан боғлаб турувчи қулай ва арзон транспорт алоқаларининг йўқлигикўзланган сиёсатни амалга оширишга тўсқинлик қилар эди. Шунинг учун ҳам янги савдо бозорлари ва хом ашё манбаларига, айниқса пахтага, эҳтиёж сезаётган Россия савдо-саноат доиралари империянинг марказий ҳудудларини Ўрта Осиё билан боғловчи транспорт алоқаларини ривожлантиришни

кенг тарғиб эта бошладилар. Туркистон ўлкасини Россиянинг марказий ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласи 25 йилдан ортиқроқ муҳокама қилиниб, 1854 йилдан 1880 йилгача бўлган даврда 40 дан ортиқ лойиҳалар Россия ҳукуматига тақдим этилди [2]. Россия ҳукуматининг қарори билан 1877 ва 1878 йилларда таклиф қилинган лойиҳаларнинг энг маъқул йўналишни танлаш ва уни ўрганиш мақсадида бир неча бор илмий экспедициялар уюштирилди. Илмий экспедиция Оренбург-Тошкент йўналиши "...бошқа йўналишларга қараганда ҳар томонлама қулай, афзалликларга эга, аҳамияти жиҳатидан эътиборга молик" ва айнан шу йўналишда темир йўл қуриш мақсадга мувофиқ деган хулосага келди [3]. Бироқ Россия ҳукумати рус-афғон чегараларида вужудга келган сиёсий вазиятни* ҳисобга олган ҳолда Каспий денгизининг Михайловск қўлтиғида "...зудлик билан ҳарбий база қурилишига киришиш, унга туя, от ва дековил кўчирма темир йўл ёрдами билан керакли заҳиралар ташиб келтириш" ва Каспийорти ҳарбий темир йўлини қуриш ҳақида қарор қабул қилди [4].

1881-1888 йилларда Россия билан Туркистонни боғлаб турувчи Каспийорти ҳарбий темир йўли қурилиб ишга туширилди. Мазкур йўл 1899 йил 1 январда Самарқанд-Андижон (Тошкент шаҳобчаси билан) ҳамда Марв-Кушка йўналишлари билан бирлаштирилиб, Ўрта Осиё темир йўли номини олди [5]. Лекин, Ўрта Осиё ва Россия темир йўллариининг бевосита боғланмаганлиги, Туркистон ўлкаси билан Россия ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқ алоқаларининг ривожига маълум даражада тўсқинлик қилаётган эди. Шунинг учун ҳам Каспийорти темир йўл қурилишининг якунланиши арафасида Туркистонни Россиянинг марказий ҳудудлари билан энг қисқа ҳамда узлуксиз Оренбург-Тошкент темир йўли билан боғлаш масаласи муҳокама қилина бошланди. 1900 йил 4 апрелда Россия императори томонидан Оренбург-Тошкент темир йўлини қуриш мақуullanгандан сўнг 1901 йилнинг баҳорида Оренбург-Тошкент темир йўлининг Оренбург-Казалинск, 1901 йилнинг 9 октябридан Тошкент-Казалинск темир йўли қурилиш ишларига киришилди. 1736 верст (1 верст - 1,0668 км.га тенг ўлчов бирлиги) узунликда бўлган Тошкент-Оренбург темир йўли 1906 йилнинг 1 январиди тўлиқ фойдаланишга топширилди [6].

1909-1914 йилларда Россия саноатининг юксалиши, айниқса тўқимачилик саноатининг пахта хомашёсига бўлган талабнинг тобора ошиб бориши Фарғона темир йўлини қуриш масаласига амалий жиҳатдан киришишга туртки берди. 1908 йил 14 июлда Россия Давлат Кенгашининг иккинчи департаменти томонидан Қўқон-Наманган темир йўл акциядорлик жамиятининг низоми тасдиқланди. Акционерлик жамияти томонидан давлат банкига талаб қилинган гаров бадали тўлангандан сўнг 1911 йил 9 май куни Қўқон-Наманган темир йўли қурилиши ишларига киришилди ва белгиланган муддатдан бир йил илгари, яъни 1912 йил 7 июлда фойдаланишга топширилди. 1912-1916 йилларда 60 чақиримлик (1 чақирим-0,9 км.га тенг ўлчов бирлиги) Учқўрғон-Ҳаққулбод, 99 чақиримлик Наманган-Жалолобод йўналишларида қурилиш ишлари ҳам ўз якунига етди [7].

XX аср бошларида иқтисодий, сиёсий ва айниқса ҳарбий-стратегик вазият Бухоро амирлигининг жанубий ва жанубий-шарқий қисмида темир йўл қурилишини амалга ошириш ҳамда Ўрта Осиё темир йўлини амирликнинг энг шарқий қисми, чегара ҳудудларида жойлашган Термиз билан боғлашни тақоза эта бошлади. 1913 йил 13 июлда Бухоро темир йўл акциядорлик жамиятининг низоми Россия императори томонидан тасдиқлангандан сўнг, 1914 йилнинг

апрель ойида Когондан Термизгача бўлган худудларда темир йўл қурилишига киришилди [8]. 1916 йил 9 февралда Когон станциясидан Термиз шахригача бўлган масофада темир йўл рельсларини ётқизиш ишлари якунланди ва шу куни Янги Бухородан Термиз шахрига биринчи ҳарбий поезд кириб келди [9].

Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши, бир томондан, Туркистон ўлкасида саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, савдо муносабатларининг такомиллашишига, ички ва ташқи савдонинг интенсивлашувига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, чор Россиянинг Туркистон ўлкасида ҳарбий-стратегик ҳолатини барқарорлаштиради, рус сармоядорларига ўлкадаги табиий бойликларини ўзлаштириш учун катта имкониялар яратди.

Совет ҳокимияти йилларида республикада янги фойдали қазилма конларининг топилиши, ўша ерларда янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши, Мирзачўл ва Қарши даштларида қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши, Марказий Осиёдан Россиянинг марказий худудларига иккинчи "транспорт йўлаги"ни очиш, Волга бўйи ва Кавказ регионларига чиқиш имкониятини яратиш, нораціонал узоқ ва айланма йўллари бартараф этиш учун янги темир йўллари қуриш заруриятини келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам 1947-1955 йилларда узунлиги 627 километр бўлган Чоржўй-Қўнғирот [10]. 1959-1962 йилларда Тинчлик, Кармана, Конимех, Қорақата, Қизил қудуқ ва Учқудуқ аҳоли пунктларини ўз ичига олган, 289,2 километрлик Навоий-Учқудуқ [11], 1957 йили узунлиги 110 километр бўлган Сирдарё-Жиззах [12], 1966-1970 йилларда узунлиги 154 километр бўлган Самарқанд-Қарши [13], 1972 йили 406 километр бўлган Қўнғирот-Бейнов [14] темир йўл линиялари қуриб ишга туширилди. Мазкур темир йўл линияларининг очилиши Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларига Волга бўйи ва Кавказ регионларига чиқиш имконини берди, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Тошҳовуз вилоятларини Марказий Осиё республикаларининг маъмурий ва саноат марказлари билан боғлади, Ўзбекистон рангли металлургияси ривожига ижобий таъсир кўрсатди, юк ва йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжни қондиришда муҳим рол ўйнади, Мирзачўл, Қарши ва Шеробод даштларидаги қўриқ ерларни ўзлаштиришга ижобий таъсир кўрсатди, шу билан бир қаторда бу худудлардаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига тўртки берди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг темир йўл тизимида унинг барқарор ишлашига тўсқинлик қиладиган, ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд эканлиги яққол кўзга ташланиб қолди. Хусусан, биринчидан, СССР парчаланиб кетганидан сўнг республикамиз юклари денгиз бандаргоҳларига чиқиш учун бир неча мамлакатларнинг худуди орқали ўтишга тўғри келмоқда. "Бугунги кунда, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, - денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган минтақа давлатларининг транспорт-транзит ҳаражатлари сезиларли даражада катта бўлиб, улар экспорт қилинаётган маҳсулот қийматининг 70-89 фоизигача етмоқда" [15]. Бу ҳол давлатимизнинг иқтисодий алоқаларини ривожлантириш имкониятларини чегаралаб, юklarимиз транзит тарзида ўтадиган мамлакатларга қарам қилиб қўяди, иккинчидан, собиқ иттифоқ республикалари ўртасидаги "божхона тартиб-таомилларнинг мукамал эмаслиги оқибатида юк ташувчилар товарларни етказиб беришга кетадиган вақтнинг 40 фоизигача бўлган қисмини беҳуда йўқотмоқда... Буларнинг барчаси бутун минтақа транспорт сектори рақобатбардошлигининг пасайишига олиб

келмоқда" [16], учинчидан, Ўзбекистоннинг ҳудуд ва минтақаларини қамраб оладиган яхлит миллий темир йўл транспорти тизимининг барпо этилмагани сабабли Фарғона водийси Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига олиб борадиган темир йўллар қўшни Тожикистон ва Туркменистон ҳудудлари орқали ўтишга мажбур эди, тўртинчидан, темир йўл транспортидаги ҳаракатланадиган таркибнинг (локомотив ва вагонлар) "жисмонан" ишдан чиққанлиги, "маънан эскирганлиги", замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган техника ва технологиялар билан жиҳозланмаганлиги муаммолар сирасига кирарди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб темир йўл тармоқлари тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Халқ хўжалиги ва аҳолининг темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда темир йўлнинг барқорор ва хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 ноябрдаги фармони билан собиқ Ўрта Осиё темир йўлининг республика ҳудудида жойлашган участкалари асосида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди. Темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, темир йўл транспорти хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 2 мартдаги "Темир йўл транспорти монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори темир йўл соҳасидаги ислоҳатларга туртки берди [17].

Мустақиллик йилларида темир йўл транспорти коммуникациялари ва инфратузилмани ривожлантириш учун 8 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, шундан 2,6 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди [18]. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармон ҳамда махсус қарорлари [19] асосида 2001 йилнинг охирида 633 километрлик "Навоий-Учкудук-Султон Увайстоғ-Нукус", 2007 йил август ойида 223 километрлик "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон", 2016 йил июнь ойида эса 123 километрлик электрлаштирилган "Ангрен-Поп" янги темир йўлларнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа хомашёга бой конларни комплекс ўзлаштириш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, минг-минглаб юртдошларимизни иш билан таъминлаш имконини берди. Бу йўллар мамлакатимизда ягона ва яхлит миллий темир йўл коммуникация тизимининг барпо этилиши йўлида энг муҳим қадамлардан бири бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида темир йўлларни электрлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр ичида "Тошкент- Хўжакент", "Тўқимачи-Ангрен", "Тошкент-Самарқанд", Мароқанд- Қарши" линиялари электрлаштирилди. 325 километрлик "Қарши - Термиз" темир йўл участкаси электрлаштириш, икки томонлама қатновга эга бўлган "Жиззах - Янгиер" электрлаштирилган темир йўл

тармоғи қурилишининг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида 1800 километрдан ортиқ темир йўллар электрлаштирилди [20]. Электропоездларнинг қатнови натижасида поездлардан фойдаланиш ҳаражатларини 20 фоизга камайтириш, йўловчи ва юк ташиш тезлигини 1,3 баробар ошириш имкони яратилди. Испаниянинг "Talго" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" электропоезди қатнови 2011 йил Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида йўлга қўйилган бўлса, 2015 йил август ойида ана шундай тезюар поезд Тошкент-Қарши, 2016 йил 25 август куни Тошкент-Бухоро йўналишига қўйилди. 215 йўловчини ташиш имконига эга бўлган мазкур поезд Тошкент-Самарқанд йўналишини 2 соатда, Тошкент -Қарши йўналишини 2,5 соатда, Тошкент-Бухоро йўналишини эса 3 соат 25 дақиқада босиб ўтмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан транспорт соҳасидаги хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида ҳаракатланадиган таркибини энг замонавий, юқори самарали локомотивлар ва қулай вагонлар билан таъминлаш ва модернизация қилиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнги йилларда 49 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташийдиган тепловоз сотиб олингани, 120 та локомотив модернизация қилингани бу борадаги ишлар қўлами тобора ортиб бораётганини кўрсатади [21]. Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи, Қуюв-механика заводи, "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхоналари локомотив ва йўловчи вагонларни таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида вагонсозлик саноатимизга асос солинди. Бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди [22].

Айни вақтда Ўзбекистон темир йўлчилари олдида "юк ва йўловчи ташиш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, бой минерал-хом ашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, тармоқ корхоналари учун мутахассислар тайёрлаш, иқтисод тармоқлари ва аҳолининг кўмир маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган талабини қондиришга йўналтирилган инвестициявий лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш"[23], мамлакатимиз "транзит салоҳиятини янада ривожлантириш ва миллий иқтисодиётлар таркибида транспорт соҳаси улушини ошириш...транспорт инфратузилмасига замонавий технологиялар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш"[24], "Шарқ-Ғарб" лойиҳаси доирасида Хитойдан бошланадиган, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтадиган, кейинчалик янги барпо этилган Боку-Тбилиси-Карс темир йўл магистрали орқали Жанубий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Ўрта ер денгизи портларига олиб чиқадиган янги транспорт йўлакларини шакллантириш вазифалари турибди"[25].

Хулоса қилиб айтганда Ўрта Осиёда темир йўллари ўз замонасининг илғор техника ва транспорт воситаси сифатида Туркистонда иқтисодий ривожланиш омилларидан бири бўлиб хизмат қилди, темир йўл қурилиши натижасида рўй берган барча ўзгаришлар метрополиянинг мустамаккачилик манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилди. Мустақиллик йилларида транспорт тизимини ривожлантириш мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини ва унинг хавфсизлигини мустаҳкамлади, транспорт коммуникация тизимининг чуқур ислоҳ қилиниши

республикаларимиз иқтисодини ривожлантириш, йирик табиий бойликларни ўзлаштириш учун қулай имкониятларни очиб берди, юртимизда транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши нафақат мамлакат ичида юк ташишга бўлган талабни қондиради, шу билан бир қаторда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўсишига ҳам таъсир кўрсатди.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти жамоасига табриги // "Халқ сўзи", 2018 йил, 4 август. (Greetings from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to the team of Uzbekistan Railways)

2. Туркестанские ведомости. Туркестанская железная дорога. 1882, 9 февраль. (Turkestan statements. Turkestan Railway)

3. ЎзМА, И-1 жамғарма, 11-рўйхат, 1308-йиғма жилд, 5-орқа варақ. О проведении железной дороги от Оренбурга до Ташкента через Чимкент и до Великой Сибирской железной дороги. (On the railway from Orenburg to Tashkent through Chimkent and to the Great Siberian Railway)

* 1878-1880 йилларда иккинчи инглиз-афғон уруши давом этмоқда эди. Муаллиф изоҳи.

4. Туркестанские ведомости. Памяти Закаспийских железнодорожных батальонов. 1910, 27 июнь. (Turkestan statements. In memory of the Trans-Caspian railway battalions)

5. Тоғоева А. Тошкент-Оренбург темир йўли қандай мақсадларда қурилган? "Жамият ва бошқарув", 2006, 84-бет. (What is the purpose of the Tashkent-Orenburg railway?)

6. Суворов В. А. Историко-экономический очерк развития Туркестана (по материалам железнодорожного строительства в 1880-1917 гг.). Т., Госмздат УзССР, 1962, 31-бет. (Historical and economic outline of the development of Turkestan (based on materials of railway construction in 1880-1917).)

7. Ахмеджанова З.К. К истории строительства желеных дорог в Средней Азии (1880-1917 гг.). -Ташкент: Наука, 1965. -Б.49-56. (On the history of the construction of yellow roads in Central Asia (1880-1917))

8. Ковалев П.А., Рахматов М. Страницы строительства Бухарской железной дороги в 1914-1916 годах. Труды Среднеазиатского Государственного Университета им. В.И.Ленина. Материалы к вопросу прогрессивного значения присоединения Средней Азии к России. Новая серия, выпуск 142. Исторические науки, книга 30, Т., Издательство САГУ, 1958, 96-97-бетлар. (Pages on the construction of the Bukhara railway in 1914-1916. Proceedings of the Central Asian State University. V.I. Lenin. Materials on the issue of the progressive significance of the accession of Central Asia to Russia)

9. Ўш жойда, 107-бет.

10. Ахмедов Х., Туманов Г.А., Снежка Г.Т. Формирование и развитие транспортной системы Туркменистана..Ашхабад, "Туркменистан", 1989, 108-109 бетлар. (Formation and development of the transport system of Turkmenistan)

11. Линии Навои-Учкудук - первую категорию. // "Темирйўлчи", 2001, 12 январь. (Navoi-Uchkuduk lines - first category)

12. Рустамов Б., Садовников В. Стальных путе связующая нить. Т. , "Меҳнат", 1988, 123-бет (Steel Path Binder Thread)

13. Абдурахмонов Э., Тўйчиев А. Жанубий сарҳадларда (Ўзбекистон жанубий вилоятлари темир йўл тарихи). Т., "Ўзбекистон", 1999, 92-94 бетлар. (On the southern frontier (railroad history of the southern regions of Uzbekistan).)

14. Рустамов Б., Садовников В. Стальных путе связующая нить. -Тошкент: Меҳнат, 1988. -Б.143.(Steel Path Binder Thread)

15. "Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар" халқаро конференция иштирокчиларига. (Ўзбекистон Республикаси Президенти қутлови) // "Халқсўзи", 2018 йил 21 сентябрь. (To the participants of the international conference "Central Asia on the international transport corridor system: strategic perspectives and untapped opportunities". (Greetings from the President of the Republic of Uzbekistan))

16. Ўша жойда.

17. ""Ўзбекистон темир йўллари" Давлат-Акционерлик темир йўл компаниясини тузиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 ноябрдаги фармони. // "Темирйўлчи", 1994, 12 ноябрь, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 2 мартдаги "Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат-Акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" // "Темирйўлчи", 2001, 16 март. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Establishment of the State Joint-Stock Railway Company" Uzbekiston Temir Yollari "of November 7, 1994. resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. About improvement of management of the state joint-stock company "Uzbekiston temir yullari")

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти жамоасига табриги // "Халқсўзи", 2018 йил, 4 август. (Greetings from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to the team of Uzbekistan Railways).

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 6 августдаги "Навоий-Учқудуқ-Султонудог-Нукус темир йўлини қайта қуриш ва унинг янги линиясини қуриш масалалари тўғрисида"ги қарори // www Lex. Uz. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 августдаги "Ғузур-Бойсун-Қумқўрғон (Қизил октябрь) янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари тўғрисида"ги қарори // "Темир йўлчи", 1995, 26 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 январдаги "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори // "Темир йўлчи", 2003 йил, 31 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл қурилишини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори // "Темир йўлчи", 2004 йил 28 октябрь. (Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated August 6, 1993 "Navoi-Uchkuduk-Sultonuzdag-Nukus Railway Rebuilding and Construction of the Owing Line" // www Lex. Dist. The resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "About projecting of the railway line Guzor-Baysun-Kumkurgan (Red October) on August 17, 1995" About repair and construction

of the railway line // "Temirully", 1995, August 26. The resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "About modernization of the railway line Toshguzar-Baysun-Kumkurgan on January 24, 2003" / "Temir ulul", January 31, 2003. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated 21 October 2004 "On additional measures to refurbish the construction of the Toshguzar-Baysun-Qusqurgan burned railroad" // "Temir uluchi", October 28, 2004.)

20. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти жамоасига табриги // "Халқсўзи", 2018 йил, 4 август. (Congratulations to the team of Uzbekistan Railways)

21. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти жамоасига // Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -Б.431. (To the Uzbekiston temir yollari team // Shavkat Mirziyoev. The consent of our people is the highest value given to our work. Volume 2)

22. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик жамияти жамоасига // "Темир йўлчи", 2014 йил 13 ноябрь. (To the team of Uzbekistan Railways)

23. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти жамоасига табриги // "Халқсўзи", 2018 йил, 4 август. (Congratulations to the team of Uzbekistan Railways)

24. "Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклар тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар" халқаро конференция иштирокчиларига. (Ўзбекистон Республикаси Президенти қутлови) // "Халқсўзи", 2018 йил 21 сентябрь. (To the participants of the international conference "Central Asia on the international transport corridor system: strategic perspectives and untapped opportunities". (Greetings from the President of the Republic of Uzbekistan))


25. Ўша жойда.(there)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гофуров Низомжон Октябрович,
Наманган давлат университети
Ўзбекистонда демократик жамият
қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси муdiri,
тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК

*For citation: Nizomjon O. Gofurov. Investment cooperation between
Uzbekistan and China. 2019, vol. 17, issue 2, pp. 20-24*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-03>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, киритилган инвестициялар ва уларнинг самаралари масалалари кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ҳамкорлик, инвестицион битимлар, инвестиция, товар кредитлар.

Гафуров Низомжон Октябрович,
заведующий кафедрой Теория и практика
построения демократического общества в Узбекистане
Наманганского государственного университета
кандидат исторических наук

УЗБЕКИСТАН - КИТАЙ: ИНВЕСТИЦИОННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы правовых основ инвестиционного сотрудничества, основные направления, вложенные инвестиции и их результаты.

Ключевые слова: экономическое сотрудничество, инвестиционные договоры, товарные кредиты.

Nizomjon O.Gofurov,
Head of the department of theory and
practice of building a democratic society
in Uzbekistan of Namangan state university

INVESTMENT COOPERATION BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA

ANNOTATION

This article describes in detail the legal framework for investment cooperation between the Republic of Uzbekistan and the People's Republic of China, the main areas of cooperation, the investments made and their effectiveness.

Key words: economic cooperation, investment agreements, commodity loans, investment.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юргизиш-давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан бири эди. Тоталитар тузум шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий институтларига, мустақил дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди. Натижада Мустақил Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини шакллантиришда ўзи учун мутлақо янги ва ҳали синалмаган фаолият йўлларида ўтишга тўғри келди. Шундай бўлсада, ёш Ўзбекистон давлати тарихан қисқа вақт ичида ўзининг халқаро обрўсини мустақамлаб, халқаро муносабатларнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Мустақиллик йилларида давлатлараро ҳамкорликнинг янги механизмлари ва шакллари қарор топди.

Давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Ушбу халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб тан олдилар. Бу билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатини мустақил равишда юритиш, жаҳонҳамжамиятига киришнинг ўз йўлларида ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатларнинг йўналишларини ва устиворлигини белгилаш, шу билан бирга, уни ҳаётга тадбиқ этган ҳолда ишлаб чиқиш имконига эга бўлди.

Икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларидан саналади.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Осиёнинг тараққий топган мамлакатлари, хусусан Осиё-Тинч океани минтақасидаги Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишга катта аҳамият бермоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Осиё мамлакатлари, хусусан Хитой билан дўстона алоқаларни ўрнатиб келмоқда.

Ҳозирги даврда Хитой Халқ Республикаси билан кенг миқёсда алоқаларини амалга ошириш Мустақил Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатидаги устивор йўналишлардан биридир.

Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг асосий

йўналишлари- хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, ташқи савдо ва банк алоқалари, савдо-иқтисодий кўрғазмаларни ташкил қилиш ва ҳоказолардан иборатдир. 1992 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ХХР ҳукумати ўртасида "Ўзаро капитал маблағлар киритишни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида"ги битим имзоланди.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига ва бошқа соҳаларга капитал маблағ киритишнинг турли шаклларида фойдаланмоқда. 1992 ва 1994 йилларда Ўзбекистонга икки мартаба озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича умумий қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг бўлган товар кредитлари тақдим этилди[1].

1995, 1997, 1999 ва 2000 йилларда ХХР ҳукумати томонидан республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" фондига дори-дармон, тиббий ускуна ва жиҳозлар харид қилиш учун 12 миллион юань қийматга тенг қайтариб берилмайдиган беғараз грантлар ажратилди.

1999 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикасига 10 йил муддатга ва йилига 4 фоизлик фойда билан 100 миллион юань кредит ажратиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланди. Бунда 3 йил имтиёзли қилиб белгиланган. Ушбу кредитлар қуввати 30 от кучига тенг бўлган минитракторларни йиғиш бўйича тузилган лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилган. Минитракторларни бутлаш лойиҳаси ХХРнинг Эксим банки томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига уч босқичда амалга оширилди ва Ўзбекистоннинг Пахта банки томонидан қайта молиялаштирилди. Биринчи босқичи 2001 йилнинг ноябрь ойида 3,25 миллион АҚШ доллари миқдорида молиялаштирилди. Мазкур маблағлар ҳисобидан 650 та комплект минитракторлар етказиб берилди. 1999 йилнинг ўзидаёқ Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган "Темир йўлларни реконструкция қилиш" лойиҳаси доирасида бир қатор тендерлар ўтказилиб, уларнинг натижалари ўлароқ, Хитойнинг "Чайна Машинерн Импорт-экспорт Корпорейшн" компанияси билан умумий қиймати 9,775 миллион АҚШ доллари ва "Ванбао" компанияси билан 292,4 миллион АҚШ доллари бўлган битимлар имзоланди. 1999 йил сентябрида Европа реконструкция ва тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган "Тошкент" аэропортини модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида ўтказилган тендер натижаларига кўра "Тошкент" аэропортига "СВНЕС" Хитой миллий инжиниринг корпорацияси ўртасида умумий суммаси 9,3 миллион АҚШ доллари бўлган шартнома имзоланди[2].

Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорликларининг муҳим йўналишларидан бири қўшма корхоналар ҳамда хорижий сармояларни жалб қилиш эвазига корхоналар ташкил этишдан иборатдир. Мазкур корхоналар ҳам республикамизнинг иқтисодий ўсишида, ишлаб чиқариш кучларининг юксалишида, импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, халқ фаровонлигини оширишда, аҳолининг бандлиги ҳамда ишсизлик муаммоларини бартараф этишда катта аҳамиятгаэга.

2000 йил охирига келиб хитойлик инвесторлар иштирокидаги 49 корхона ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси сифатида фаолият кўрсатди. Бу кўрсаткич 2001 йилда 67, 2002 йилда 70, 2003 йилда 79, 2004 йилда 96, 2005 йилда 107 тани ташкил этди[3]. Қўшма корхоналар асосан чакана ва улгуржи савдо, воситачилик хизмати, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, радио электрон техника ва жиҳозлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, маиший хизматлар кўрсатиш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар.

Булардан ташқари Хитой Халқ Республикасига тегишли йирик фирма ва компанияларнинг 9 ваколатхоналари очилди. Хунан провинциал экспорт-импорт корпорацияси, чой импорт ива экспорти бўйича Анхой корпорацияси, Шинжон Ташқи иқтисодий ва савдо компанияси, донли экинлар, ёғлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари импорт ива экспорти бўйича Хитой компанияси, "Тексуна Интернейшнл Лимитед" компанияси, "Хуавей Технолоджис компани, ЛТД" компанияси, "Чайнатекс" компанияси, Хитой геоинженерия корпорацияси шулар жумласидандир.

Хитой сармоялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудий тақсимланишини кўриб чиқадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг яққол устунлигини кўришимиз мумкин. Бугунга қадар, Тошкент шаҳрида 100 дан ортиқ, Тошкент вилоятида 17 та, Андижон вилоятида 10 та, Фарғона вилоятида 8 та, Наманган вилоятида 7 корхона ташкил этилган. Вилоятларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирларининг сустиги шундай натижага олиб келмоқда[4].

Бугунги кунда Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 7,8 миллиард доллар миқдорда инвестиция киритган.

Икки мамлакат етакчиларининг стратегик раҳбарликлари натижасида 2018 йилда савдо-иқтисодий муносабатларда сезиларли натижаларга эришилди. Ўзаро савдо айланмаси 6.4 млрд. долларни, шундан экспорт 2.8 млрд. доллар, импорт 3.5 млрд. долларни ташкил этди. Ўзбекистон Хитойга 70 млн. Долларлик пахта, 69 млн. Долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 131 млн долларлик кимё саноати маҳсулотлари, 157 млн долларлик қора ва рангли металл етказиб берди[5].

Юқорида қайд этилган далил ва рақамларга асосланган ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари янада кенгайиши учун қулай имкониятлар мавжуд. Бу эса ўз навбатида икки давлат ўртасида нафақат иқтисодий, шу билан бирга сиёсий, илмий, маданий ҳамкорликнинг янада ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1.ЎЗР ТИАИСВ ЖА - Ўзбекистоннинг ХХР билан савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисида ахборот. 4-варақ (UzRERIMC SA(foreign economic relations of the Republic of Uzbekistan investments and the Ministry of commerce. Information on trade relations of Uzbekistan with The people's Republic of China.Page 4).

2.ЎЗР ТИАИСВ ЖА - Ўзбекистоннинг ХХР билан савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисида ахборот. 5-варақ (UzRERIMC SA- information on trade relations of Uzbekistan with The people's Republic of China. Page 5).

3.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси сармоялари иштирокидаги корхоналар тўғрисида маълумот. 2 б. (State committee of the republic of Uzbekistan on statistics. Information on attendance enterprises of Uzbekistan Republic and The people's Republic of China. Chapter 2).

4. <https://kommersant.uz/uzbekistan-i-kitaj-podpisali-solidnyj-paket-dokumentov/>


5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси сармоялари иштирокидаги корхоналар тўғрисида маълумот. 2 б. (State committee of The Republic of Uzbekistan on statistics. Information on attendance of Republic Uzbekistan and The people's Republic China. Chapter 2).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Исаров Умидулла Исарўғли,
Термиз давлат университети
Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик
кафедраси ўқитувчиси

БРОНЗА ДАВРИДА БАҚТРИЯНИНГ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Umidulla I. Isarov. Reviews of bactrian irrigation system In the bronze age. 2019, vol. 17, issue 2, pp. 25-31

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-04>

АННОТАЦИЯ

Мақолада бронза даврида Бақтрия ҳудудида суғорма деҳқончиликнинг вужудга келиши ва суғориш иншоотларининг ўрганилиши Уланбулоқсой, Бўстонсой ва Бандихонсой дельталари мисолида таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу ҳудудда жойлашган бронза даври ёдгорликларида суғориш тизимлари ривожланганлигини акс эттирувчи археологик манбалар тўғрисида фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: суғориш тизимлари, Уланбулоқсой, Бўстонсой, Бандихонсой, оазис, канал, ариқ, мотиға, омоч, дон сақланадиган хумдонлар.

Исаров Умидулла Исар угли,
Преподаватель кафедры истории
Узбекистана и источниковедения
Термезского государственного университета

ОБЗОРЫ ИРРИГАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ БАКТРИИ В БРОНЗОВОМ ВЕКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется возникновение орошаемого земледелия в Бактрии и исследование ирригационных сооружений в бронзовом веке на примере дельт Уланбулакская, Бустанская и Бандиханская. Также, отражаются археологические

источники, отражающие развитие ирригационных систем в памятниках бронзового века, расположенных в этой территории.

Ключевые слова: ирригационные системы, Уланбулаксай, Бостансай, Бандихансай, оазис, каналы, рвы, плуги, зернохранилища.

Umidulla I. Isarov,
Teacher in the Department of History
of Uzbekistan and Source Studies
of Termez State University.

REVIEWS OF BACTRIAN IRRIGATION SYSTEM IN THE BRONZE AGE

ANNOTATION

This article analyzes the occurrence of irrigated agriculture in Bactria and the study of irrigation systems in the Bronze Age on the deltas of Ulanbulaksay, Bustansay and Bandikhansay. There are also reviews about archeological sources, which reflecting the development of irrigation systems in the Bronze Age monuments in this area.

Key words: irrigation systems, Ulanbulaksay, Bostansay, Bandikhansay, oasis, canals, ditches, plows, granaries.

Сув - инсоният ҳаётида, унинг иқтисодий, моддий маданиятининг шаклланиш жараёнларида ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Маълумки, Қадимги Шарқдасуғориш тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиши жамиятда иқтисод ва ҳўжалик юритишнинг ўзига хос шакл ва воситалари пайдо бўлишига сабаб бўлди[1]. Бунга параллел равишда жамият ҳаётида ижтимоий синфий дифференциялашув, урбанизацион жараёнлар ва бошқарув шакллари ҳамвужудга келди. Ушбу масалаларнинг илмий-назарий ўрганилиши ўтган аср ўрталарида бошқарув тизимининг пайдо бўлишида ирригацион назарияга асос солинишига олиб келди[2].

Кўпгина тарихчи олимлар энг қадимги суғориш тизимлари вужудга келган ҳудуд сифатида Нил воҳаси, Икки дарё оралиғи, Ҳинд водийсини келтириб ўтишади. Сўнгги йилларда Ўрта Осиё ҳудудида амалга оширилган кенг кўламли археологик тадқиқотлар Ўрта Осиё ҳудуди ҳам энг қадимги суғориш тизимлари ўчоғи бўлганлигини намоён этмоқда. Ўрта Осиёда дастлабки ишлаб чиқарувчи ҳўжаликка ўтилиши Жайтун маданиятида кузатилган бўлиб, Яқин Шарқдаги Иерихон[3], Ироқдаги Жармо[4] ва Хассун[5], Эрондаги Сиалк[6] маданиятлари билан бир хил ривожланиш даражасида бўлган[7].

Таниқли археолог олим В.М.Массон томонидан Жойтун ёдгорлигида аниқланган деҳқончиликка оид турли хил моддий ашёлар, пахсадан барпо этилган бир хонали қадимги уй-жойларнинг қолдиқлари лой сувоғида аниқланган арпа ва буғдой донлари деҳқончилик ривожланганлигини исботламоқда[7].

В.И.Сарианиди бошчилигидаги археологик экспедиция томонидан Тежен дарёси irmoқларида мил.ав. IV мингйилликка оид бўлган Геоксюр суғорилиш райони ўрганилиб, ўртача узунлиги 3 км бўлган каналлар тизимини очиб ўрганилган[8, Б.9-17; 9]. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида мазкур деҳқончилик воҳасининг

қадимги суғориш майдонлари 50-75 гектарни ташкил этганлиги ва 8 та қадимги манзилгоҳдан иборат бўлганлиги аниқланган [10]. Мазкур тадқиқот Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудида энеолит давридаёқ ирригация тизимининг шаклланганлигини кўрсатмоқда.


Бронза даврида Марғиёна-Бақтрия ҳудуди Қадимги Шарқнинг муҳим маданий марказларидан бирига айланиб, Қадимги Шарқнинг бешинчи цивилизацияси - Окс цивилизацияси сифатида эътироф этилмоқда [11]. Мазкур ҳудуддан топилган бой моддий ашёлар Окс цивилизациясининг барча босқичларида хўжалик юритишнинг асоси суғорма деҳқончилик бўлганлигини кўрсатмоқда. Бу ердан топилган меҳнат қуроллари ва бошқа ашёлар ўтроқ деҳқончилик характериға эгаллиги билан ажралиб турибди.

Хусусан, Бақтрия ҳудуди ҳамўзининг табиий-географик жойлашуви ва субтропик иқлим шароити туфайли деҳқончилик қулай ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ҳудудда дастлаб деҳқончилик асосан кичик дарё ўзанлари ва сой бўйларида амалга оширилган. Юқори Амударё ирмоқларини ҳосил қилган кичик ирмоқлар ва сойлар атрофидаги пасттекисликларнинг унумдор тупроғи деҳқончилик ривожланиши учун қулай имконият ҳосил қилган. Тоғ сойлари этакларида тошқин сувлардан ҳосил бўлган лойқа ва уларнинг чеккаларидаги қайрларда ҳамда тошқинларни атроф ерларға секин-аста тарашлаш билан майда суғориш тармоқларининг вужудға келиши юз берган.

Шимолий Бақтрия таснифига кирувчи Шеробод деҳқончилик воҳаси Бойсунтоғ ва Қўҳитанг тоғ тизмасидан бошланувчи Шерободдарё дельтасида жойлашган. Мазкур ҳудуднинг тоғолди районларида ерости сувлари пастда жойлашганлиги, сувдаги минерал тузлар миқдори пастлиги суғорма деҳқончилик учун жуда қулай шароит яратган. Жанубда Амударёға туташ текисликларда эса ерости сувлари юқорилиги ва захлик даражасининг баландлиги бу ерда деҳқончилик қилишда катта меҳнат ва тажриба талаб қилган.

Географик маълумотларға кўра, Ўзбекистоннинг жанубий тоғолди ва дашт зоналарида ўртача ҳарорат 15-18 градусни ташкил этиб, йиллик 50 ммдан 300 ммгача ёғин кузатилади [12]. Шунинг учун ҳам Сополли маданиятида етиштирилган маданийлашган донли ўсимликлар кам ёғинли қуруқ иқлимли ҳудудларда шубҳасиз, фақатгина ирригация тизимларини барпо этиш орқали етиштириш мумкин эди.

Шеробод воҳасининг дастлабки ўзлаштирилиши ривожланган бронза даврига тўғри келади [13]. А.Асқаров томонидан бу ердаги қадимги ирмоқлар ва сойлар бўйида жойлашган ёдгорликлар икки гуруҳға - Уланбулоқсой ва Бўстонсойға бўлиб ўрганилган. (1-расм)



1-расм. Бақтриянинг бронза даври суғориш тизимлари ва ёдгорликлари харитаси.

Уланбулоқсой Кўҳитангтоғ тизмасининг жануби-шарқий қисмидан бошланиб, сой делтаси унумдорлиги сабабли ҳозирги кунда экин майдонига айлантирилган ва соининг қадимги ўзани аниқлаш анчайин мураккаб. Шунга қарамай, Сополлитепа ёдгорлиги атрофларида кенлиги 5-6 м ва чуқурлиги 1-1.5 м бўлган деҳқончилик майдонлар аниқланиб тадқиқ этилган [13]. Музрабод туманининг топографик хариталари бўйича мулоҳаза қиладиган бўлсак, бу ҳудудда Уланбулоқсойнинг илгари бир неча километрга чўзилган қадимги ўзани бўлган ва Амударёга қуйилган. Бу ҳудудда амалга оширилган топографик ишлар натижасида қадимги ўзан бўйлаб жойлашган бронза ва илк темир даврига оид Кучуктепа,



2-расм. Жарўтон ёдгорлиги тепаликлари артофидаги Бўстонсойнинг қадимги ўзани.

Пшактепа, Сополлитепа, Култепа, Кичиктепа каби ёдгорликлар топиб ўрганилган [14,15,16]. Шунингдек бу ёдгорликлар сарасига ўрта асрларга оид Музработ-ота ва Мунчоқтепа ёдгорликларини ҳам киритиш мумкин [13].

Уланбулоқсой делтасида суғорма деҳқончилик соҳаси ривожланганлиги археологик ашёларда ҳам акс этган. Уланбулоқсой делтасида асосан бошоқли ўсимликлар етиштирилган. Археологик қазилма ишлари натижасида Сополлитепа ёдгорлигидан сопол синиқларидан пол қилинган маҳсус дон сақланадиган хоналар очиб ўрганилган. Хонадан топилган кўплаб донсақланадиган хумдонлар ва кўзалардан маданийлашган ўсимлик донларитопилиб, ботаник олимларнинг таҳлилига кўра, буғдойнинг маданийлашган *Triticum aestivum* L, арпанинг *Hordeum vulgare* L, узумнинг *Vitis vinifera* L навлари эканлиги аниқланди [13].

Шунингдек, А.Асқаров ўз тадқиқотларида Сополлитепа ёдгорлиги қурилишида ўртача 40x10x20 см ўлчамдаги 577 500 донга хом гишт ишлатилганлиги, барча гишталар асосан буғдой ва арпа сомони қўшиб тайёрланганлигини келтириб ўтади [13]. Хар бир гиштга тахминан 10 гр сомон қўшиган бўлса, 57 750 кг сомон ишлатилган. Бундан Сополлитепа атрофида етиштирилган экинларнинг майдони нақадар кенлигинива суғориш тизимлари интенсив ривожланганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шунингдек, ёдгорликда дон маҳсулотларини сақлаш алоҳида сақлаш иншоотининг мавжудлиги, кўплаб кремний типидagi тошдан ишланган дон қирғичлар, дон сақланадиган хумдонлар, кўп сонли теша ва ўроқларнинг топилиши ҳам бунгаасос бўлади.

Уланбулоқсой асосан баҳорда серсув тўлиб оққан, ёзда сув камайган. Бу эса экин майдонлари кенгайтирилишига тўсқинлик қиларди. Натижада Уланбулоқсой делтасида кўпайиб бораётган аҳоли бошқа серсув сой бўйларига кўчишига мажбур бўлганлиги сабабли ҳаёт даражаси сўниб борган.

Уланбулоқсой яқинида жойлашган Бўстонсой Шерободдарёнинг ғарбий

делтасидаги ўзани бўлиб, бу ердан Жарқўтон, Молали, Кўзали ва Бўстон босқичи ёдгорликлари топиб ўрганилган. Делта тупроғи унумдорлиги сабабли ҳозирги кунда бу ёдгорликлар атрофлари пахта даласига айлантирилган. Шу сабабли бу ерда ҳам сойнинг қадимги ирмоғини аниқлаш мураккаб. Фақатгина сойнинг ўрта қисмида баланд тепаликкача тахминан 1 кмгача чўзилган қирғоқлари А.Асқаров томонидан аниқланган[17].Олиб борилган археологик тадқиқотларни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Бўстонсойнинг қадимги ирмоқлари ёдгорлик тепаликлари бўйлаб ўтган.(2-расм)

Шунингдек, Шеробод воҳасининг шимоли-шарқий томонида жойлашган Бандихонсой атрофидаги текисликлар сўнгги бронза даврига келиб ўзлаштирилган ва деҳқончилик воҳасига айланган. Бандихонсой Бойсунтоғнинг жануби-шарқий қисмидан бошланиб, текисликка туташ ҳудудда икки йўналишга ажралган. Биринчи йўналиш Бандихон номи билан аталиб, Сурхондарё дарёси томон чўзилган. Иккинчи йўналиш эса Ургулсой номи билан жануби-ғарб томонга ҳаракатланган.

Э.В.Ртвеладзе 1973 йилгиархеологик тадқиқотлари давомида Бандихон қишлоғи атрофидан 3 та даврга оид: сўнгги бронза, архаик ва антик даврга мансуб ёдгорликларни аниқлади. [18]. Бандихонсой ирмоқлари атрофидан турли даврларга оид ёдгорликлар мажмуининг табиий географик жойлашуви, топилган моддий ашёлари таҳлили Бандихонсой ҳавзаси ўтроқ деҳқончилик маданияти ривожтопган микровоҳа бўлганлигини намоён этмоқда. Илк ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларга келиб, воҳа ёдгорликларида ҳаётининг фаолиятнинг пастлиги тадқиқотчилар томонидан Бандихонсойда сув ҳажмининг пасайганлиги билан баҳоланмоқда.

Бандихон воҳасида экин майдонларининг катталиги магистрал каналлар қазилари тақозо этган. Шундай каналлардан бири Бандихон I ёдгорлиги ёнидан топилган бўлиб, кенлиги 8-10 м., чуқурлиги 1 м., 3.5 км узунликдаги канал қолдиқлари аниқланган.Канал Улгурсойдан бошланиб 1 км.дан кейин 3 ариққа бўлиниб кетган. Биринчи ариқ нисбатан узунроқ ва кенроқ бўлиб, Бандихон I манзилгоҳига томон ҳаракатланган. Қолган 2-3 ариқлар эса Бандихон II,III манзилгоҳлари атрофидаги 50-60 га майдонни суғорган. Катта каналларнинг қазилиши ерларни ўзлаштириш фаоллашганини кўрсатади. Шунингдек, манзилгоҳлар хўжалигида суғорма деҳқончилик етакчилиги қилганлигини тошдан ишланган мотигалар, суякдан ишланган мотигасимон ерқазгичлар топилиши ҳам исботлайди.[16].

Олимлар томонидан Ўрта Осиё ҳудудида топилган деҳқонларнинг дастлабки қазилар қуроллари асосан тош ва бронзадан ишланганлиги эътороф этилсада, кўпчиликтадқиқотчилардастлаб ерни қазилар ва юмшатиш қуроллари ёғочдан ишланган таёқ-қазгич бўлган деган фикрни билдиришмоқда [20,21,22,23].

Этнографик маълумотларга кўра, жаҳон халқлари тараққиётида дастлабки деҳқончилик қуроли ёғоч, ҳайвон шохлари ёки суягидан ишланган қозилар бўлганлиги, кейинчалик эса тош ва металлга ўтилганлигига гувоҳ бўламиз [24,25]. Эҳтимол, ёғоч ва суякдан ишланган қуролларнинг яхши сақланиб қолмаслиги сабабли бу қуроллар Сополли маданияти ёдгорликларида учратилмаган бўлиши мумкин.

Бронза давридаги ижтимоий, иқтисодий ва хўжалик соҳасидаги қатор ўзгаришлар ва Қадимги Шарқ халқлари ўртасида ижтимоий-маданий алоқалар фаоллашиши натижасида суғорилиш ишлари таржибасининг ривожланиши илк

темир даврига келиб тўғонлар воситаси билан таъминланувчи кўп шаҳобчали суғориш системаларининг ҳамда каналларнинг барпо этилишига олиб келган.

Амалга оширилган археологик тадқиқотлар бронза даврида Қадимги Шарқ маданиятлари таъсирида Уланбулоқсой, Бўстонсой ва Бандихонсой дельталарида деҳқончилик маданияти суғориш тизимлари асосида шаклланганлиги, каналлар тизимлари орқали янги ерларга сув чиқарилганлиги, ерни ишлашда омовдан ва ҳайвон кучидан фойдаланилганлиги, суғориш тизимларини барпо этишда тўпланган бой тажрибалар илк темир даврига келиб янги босқичга кўтарилганлигини исботламоқда[26,27].

Хулоса қилиш мумкинки, Қадимги Шарқда ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлган суғориш тизимларининг археологик жиҳатдан ўрганилиши жамият тараққиётидаги иқтисодий омилларга тўлақонли баҳо бериш имкониятини беради. Иқтисодий омилларни ўрганиш ижтимоий синфлашиш жараёни, шаҳарсозлик ва давлатчилик тараққиёти каби масалаларда асосий ечим бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Jacobsen. -Т.: 1960. The Waters Of Ur, Iraq, XXII.-P.174-85.
2. Wittfogel K. Oriental despotism: a comparative study of total power. London: Yale university Press,1957.
3. Kenyon K. Earliest Jericho. - Antiquity, 1959. No. 129.
4. Braidwood R.J., Howe B. Prehistoric Investigations in Iracy Kurdistan. - SAOC. No. 3.-Chicago, 1960.
5. Lloyd, Safar F. Tell Hassuna.- JNES, vol. IV, 1945,No. 4.
6. Majidzadeh Y. Correction of the Internal chronology for the Sialk III period on the Basis of the Pottery sequence at Tepe Ghabristan.-Iran, vol. 16, 1978. - pp. 93-101.
7. Masson V.M. Poselenie Djeytun. (problema stanovleniya proizvodyashey ekonomiki). Leningrad. Nauka, 1971.
8. Sarianidi V.I. Pamyatniki pozdnego eneolita Yugo-Vostochnoy Turkmenii. -Moskva, 1965. str. 9-17.
9. Masson V.M., Sarianidi V., Lisitsina G., Xlopin I. Itogi arxeologicheskogo i paleogeograficheskogo izucheniya Geoksyurskogo oazisa. Sov. Arxelogiya,1965.
10. Lisitsina G. The Earliest Irrigation in Turkmenia. ANTIQUITY, XLIII, 1969. -P. 279-289.
11. Boqiev A., Shaydullaev A., Yuldosheva Z. Oks sivilizatsiyasi. -Toshkent, 2015.
12. Ergeshov SH. Landshafti Surxandarinskoy oblasti. -Tashkent, 1974. str. 17.
13. Askarov A. Drevnezemledelcheskaya kultura epoxi bronzi yuga Uzbekistana. - Tashkent, 1977. str.116-120.
14. Askarov A.A., Albaum L.I. Poselenie Kuchuktepa. -Tashkent: Fan, 1979.
15. Askarov A.A.Pshaktepa.IMKU.Vip, 17.-Tashkent, 1982.
16. Askarov A.A. Sapallitepa. -Tashkent, 1973. tabl. 29,18.
17. Askarov A.A., Abdullaev B.N. Djarkutan. -Tashkent: Fan, 1983.
18. Rtveladze E. V. Razvedki v predgoryax Baysuntau - "Arxeologicheskie otkritiya 1973 goda".-M.: 1974, str. 489-490.
19. Lisitsina G. N. Oroshaemoe zemledelie epoxi eneolita na yuge Turkmenii. - MIA, 1965, str. 25.


20. Berdiev O. K. Yujnaya Turkmeniya v epoxu neolita. Avtoreferat kand. diss., Ashxabad, 1965, str. 16.
21. Korobkova G. F. Orudiya truda i xozyaystvo neoliticheskix plemen Sredney Azii. Avtoreferat kand. diss, L, 1966, str. 9.
22. Gulyamov Ya., Islamov U., Askarov A. Pervobitnaya kultura v nizovyax Zarafshana. -Tashkent, 1966, str. 173.
23. Narodi Ameriki, t. II, 1959, str. 281.
24. Narodi Avstralii i Okeanii, 1956, str. 396-397.
25. Shaydullaev Sh. O'zbekiston hududida davlatchilikning paydo bo'lishi va rivojlanish bosqichlari (baqtriya misolida). t.f.d. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. Samarqand - 2009.
26. Shirinov T. Rannyaya gorodskaya kultura epoxi bronzi yuga Uzbekistana. -Samarkand, 1993.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Намозов Баҳрам Худойшукурович,
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчи

ЎЗБЕКИСТОНДА ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

For citation: Bahram H. Namozov. History of development portrait genre in Uzbekistan. 2019, vol. 17, issue 2, pp. 32-37

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-06>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда портрет жанрининг ривожланиш тарихи ва мазкур жанрда ижод қилган мўйқалам усталари томонидан яратилган санъат асарлари илмий таҳлил қилинган. Хусусан, портрет жанрида инсоннинг ташқи кўриниши, мураккаб ички дунёси, характери, руҳияти ҳамда ҳиссиёти акс эттирилиши ёритилган.

Калит сўзлар: санъат, маданият, портрет, жанр, графика, ижод, маҳорат, тасвир, рассом, дастгоҳ.

Намозов Баҳрам Худойшукурович,
Преподаватель Национального института искусств
и дизайна имени Камолиддина Бехзода

ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ ПОРТРЕТНЫЙ ЖАНР В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещена о развитии жанра портрета в изобразительном искусстве и анализе шедевра, за исключением индивидуального характера человека в жанре портрета, его окружения и рода занятий. Все виды и жанры изобразительного искусства так или иначе рассказывают историю человеческой жизни. В искусстве люди всегда находятся на переднем крае, и это говорит об их внешности, их сложном внутреннем мире, их характере, их духе, их эмоциях, а

также их различных аспектах.

Ключевые слова: искусство, культура, портрет, жанр, живопись, творчество, умение, изображение, художник, станковый.

Bahram H. Namozov,
Teacher National Institute
of Arts and Design named after Kamoliddin Behzod

HISTORY OF DEVELOPMENT PORTRAIT GENRE IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article is about developing of portrait genre in fine art and analysis of the masterpiece and except for the individual character of the person in portrait genre, its surrounding and occupation. All the type and genre of fine art tell about person's life. The person always is an important role in art. It is told the story of its appearance, its complex interior, its character, its spirit and its various aspects.

Key words: art, culture, portrait, genre, painting, creation, skill, picture, artist, easel.

Мустақиллик йилларидан бошлаб санъатга берилаётган эътибор туфайли тасвирий санъатнинг турли жанрларида катта одимлар сезиларли бўлди, шу жумладан, портрет жанрида ҳам. Мустақилликкача бўлган йиллардан фарқи шундаки, эндиликда эркин мустақил фикрловчи шахс тимсоли ифодалана бошланди.

Портрет (фр. портрет, эски французчадан portreire - "чизик ёки чегарани акс эттирмақ", эскирган. parsuna- лот. персона - "шахс; киши") - инсон образини тасвирий санъатда акс эттиришнинг энг мураккаб жанр ҳисобланади. Тарихдан бизга маълумки тасвирий санъатнинг портрет жанри инсоннинг маънавий қиёфасини ўзида ифодалаш билан санъатнинг бошқа турларидан бирмунча фарқ қилади. Портрет орқали инсон образини моҳирона кўрсата олган буюк ўзбек рассомлар қаторига Камолiddин Бехзод, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров, Малик Набиев каби бир қанча рассомларни киритиш мумкин. Тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрлари қайсидир маънода инсон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Санъатда ҳар доим инсон асосий ўринда бўлиб, унинг ташқи кўриниши, мураккаб ички дунёси, характери, руҳияти, ҳиссиёти ва шунингдек, ҳар хил томонлари ҳақида ҳикоя қилинади [1, С.23].

Шунингдек, турли тарихий даврларда нишон, танга, медаллар юзасига (медал ясаш санъати) ишланган, гемма (глиптика), медальонларда миниатюра портрети кенг тарқалган. Портрет жанридаги бир асарда кўпинча бир неча жанрлар қўшилиши мумкин. Портретда тасвирланувчи соф ҳолда (заминсиз, яъни атроф-муҳитни акс эттирмасдан), тинч ҳолатда ёки бирор фаолияти билан маълум муҳитда ишланиши мумкин.

Портрет жанридаги зерикарли, доимий сокин ҳолатдаги тасвирланиш, бадиий ечимнинг янгича қирралари кашф этилиши билан ўз аҳамиятини йўқотди. Портретчи-рассом олдида инсон характерли ва мураккаб руҳий ҳолатини очиб

бериш вазифаси туради. Тасвирланаётган кишилар сонига кўра, якка, қўшалок ва гуруҳли портретларга бўлинади. Портрет жанрида инсоннинг ташқи кўриниши тасвирланиши билан бирга, унинг ҳис-туйғуси, руҳий ҳолати, касби, вақти, муҳити ҳақида маълумот беради. Портретчи rassom одамларга хос турли ҳаракатларни ҳис қила билиши, айниқса, одамнинг қиёфасидаги самимийлик ёки сохта жиҳатларни тасвирлай олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Шунинг учун rassom жуда кузатувчан бўлиши керак. Ҳар бир инсонни бошқаларга ўхшамаган томонларини, унинг юзида ўзига хос тузилишларини илғаб олиши ва акс эттирилади шахснинг жинси, ёши, касби ва миллати каби жиҳатларига ҳам асосий эътибор қаратилади[2,С.24]. В.Серов бирон-бир инсоннинг портретини яхшилаб ўрганмасдан, унинг ўзига хос ўтириши ва ҳаракатини топмасдан иш бошламаган. У портретни ишламоқчи бўлган кишини у ёқ бу ёкка юришини кузатган, узоқ суҳбатлашган. В.Серовнинг бу одатларида портрет ишлатмоқчи бўлган баъзи кишилар ҳафа бўлиб, жаҳли чиққан пайтлари ҳам бўлган [3,С.29].

Портрет ишлашда инсоннинг индивидуал характерли томонларидан ташқари, унинг касби ва теварак-муҳит таъсири ҳам катта аҳамиятга эгадир. Кўп rassomлар портрет яратиш устида ишлашади. Аммо баъзилар инсон характерининг бир томонини кўрсатишса, баъзилари замондошларининг умумлаштирилган сиймосини яратадилар. Портретнинг ўлчами ва ҳажми ҳам тасвирланувчининг бадий характеристикасига мос келтирилиши керак. Портрет ҳажми тасвирланувчининг гавда ҳолатига боғлиқ калитдир. Портрет ҳажми кўп ҳолларда бешбурчакли, айрим вақтлардагина квадрат ёки горизонтал бўлиши мумкин. Формалистик оқимдаги нафис тасвирий санъат тарафдорлари портретда реал шахс эмас, балки одам ҳақидаги rassom шахсий тасаввурини муҳим деб ҳисоблайдилар ва инсон ички дунёси пала-партиш тасвирлашни оқлашга уринадилар. Улар портретда ёрқин, декоратив совуқ ранглар кўзга ташланади. Юз тасвирида қалб кўзгуси акси эмас, балки бошнинг элементи каби тасвирлайдилар. Портретда инсон руҳияти, ҳиссиёти ва фикри акс эттирилмайди.

Портретнинг асосий талабларидан бири, тасвирланаётган шахснинг ўхшашлигидир. Инсон чеҳраси, яъни ташқи кўриниши аниқ тасвирга эга бўлиши керак. Аммо, яхши портрет учун ташқи ўхшашлик камлик қилиши мумкин.

Тасвирий санъат жанри, реал ҳаётда мавжуд бўлган якка, икки ёки бир гуруҳ кишилар, rassom тасаввурида пайдо бўлган ҳаёлий қиёфаларнинг тасвири Ўзбекистон халқ rassomi, академик Малик Набиев буюк сиймолар образини ўзига хос талқин эта олган истеъдодли мўйқалам устасидир. Унинг "Амир Темур" портрети фикримиз далилидир. Рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, шунингдек, фото санъатининг муҳим жанрларидан бири. Портрет асосида аниқ шахс қиёфасини абадийлаштириш ётади. Портретнинг муҳим томони тасвирнинг тасвирланувчи (модел, аёли)га айнан ўхшашлигидир. Ижодкор портрет орқали тасвирланувчи шахснинг маънавий дунёсини, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, касби, жамиятдаги мавқеани акс эттиради ва унинг шу жиҳатлари орқали давр хусусияти, сиёсий-иқтисодий аҳволи ҳақида маълумот бера олади. Rassomнинг касбий маҳорати, портрет ишлаш учун танлаган материаллари эса унинг яратган асарларига такрорланмас ўзига хослик бахш этади.

Тасвирий санъат тарихига назар ташласак шу нарса маълум бўладики, бу тасвирларда ўхшатишга ва психологик ҳолатини беришга унчалик интилиш

бўлмаган бўлса ҳам, ранглар орқали очиб беришга ҳаракат қилинган. Леонардо да Винчининг "Жаконда" ("Мона Лиза") портретни олайлик. Биз бу асарда аёлнинг сирли бир ҳолати майин ранглар орқали очиб берилганлигини кўрамиз. Портретдаги тасвирланувчининг ўхшашлигини амалга оширишга ва ички ҳолатини бадиий сиймода очиб беришга ҳаракат қилинган. Европалик рассомлардан О.А.Кипренский, Рембрандт, Дюрер, Кранах, Ван Гог каби рассомлар яратган портретларда композиция, ҳарактер ва ранглар уйғунлигини кўриш мумкин. Инсонобразини, характерини очиб бериш дарассомлар ҳар хил услублардан фойдаланганлигини кўрамиз.

Ўзбек рассомларидан Чингиз Ахмаров, Абдулҳак Абдуллаев, Раҳим Ахмедов портрет асарларида ранглар уйғунлиги, экинлиги ва ранг-баранглигини кўрамиз. Рангларни инсон характерига ва руҳиятига мослигини сезиш қийин эмас.

Ҳақиқий портретчи-рассом эса, бир инсон қиёфаси орқали бир неча кишининг айрим хусусиятларини акс эттириб, ҳаётни атрофлича ўрганиб, ўз тасаввури билан бойитиб портрет яратади.

Портретда инсон кўли тасвири ҳам катта аҳамиятга эгадир. Кўл орқали унинг касбини, соғлигини, характер хусусиятларини англаб олиш мумкин. Рассомлик касбига хос кўл характери Карл Брюлловнинг "Автопортрети"да ажойиб ишланган. Бош ҳаракати, бурилиши ёки эгилиши, юз мимикаси одам характерини очиб бериши керак. Одам у табиий ҳолатида, ҳаракатда тасвирланиши керак. Булар ҳаммаси композиция тузилишининг асоси ҳисобланади. Портретчи-рассом учун инсон характерли ҳолатини, кайфиятини, унга хос томонларини таъкидлаш муҳим вазифадир. Гавда ҳолати, имо-ишора ва кўл ҳаракати ҳам инсон характерини очиб беришда муҳим рол ўйнайди. В.Серовнинг "Ермолова портрети"даги гавда ҳолати бунга ёрқин мисолдир.

Портрет ишлашда либос танлаш ҳам катта аҳамият касб этади. Кишининг касби, мавқеини либос орқали кўрсатиш тасаввурни янада бойитади. Портретни ифодали акс эттиришда уни ўраб турган муҳит, яъни фон ҳам муҳимдир. Юқорида айтиб ўтилган "Ермолова портрети"даги фонда театр фойесининг девори ва кўзгуси акс эттирилган. Бу билан тасвирланаётган одам театрга алоқадор эканлигини сезиш мумкин. Фондан фойдаланишда имкон даражада кам деталлардан фойдаланиш лозим. Фон томошабин диққатини бўлмаслиги ва чалғитмаслиги керак. В.Серов "Вера Мамонтова портрети" асарида унинг бетакрор юз бичимидан ташқари, бошқа ёш қизларга хос умумий томонларини ҳам кўрсатган. Рассом ёшликнинг гўзаллигини ва шоироналик, лирик эҳтирослилик хусусиятларини ўз тасаввури бўйича кўрсата олган. Шунинг учун ҳам бу портрет ҳар бир томошабин қалбида ўчмас из қолдиради. Рассом портрет ишлашда инсоннинг характер хусусиятларини аниқ ва тушунарли қилиб очиб бера оладиган композиция топиши керак:

Портретда асосий қисм - бу юз ва чехрасидир. Юз орқали инсоннинг ички дунёсини акс эттириш мумкин бўлади. Чехраси орқали унинг характерини тўла ва ёрқин акс эттиришни излаш керак. Шунинг учун ҳам юз бичими диққатни тортиши ва қолган иккинчи даражали қисмлари асосий қисмини очиб беришга ёрдам бериши керак. Профессионал рассомнинг маҳорати унинг расми енгил ва эркин чизиб, ифода эта олишидадир.

Тасвирланаётган кишининг характерини очиб беришда унинг кўзи ва лаби катта аҳамиятга эга. Булар унинг ички дунёсини акс эттиришда асосий калитдир. Кўзни тасвирлашда рус рассомларидан Левицкий, Брюллов, Репин, Серов кабилар

катта муваффақиятга эришганлар. Тематик ранг-баранглик юзага келди. Леонардо да Винчи ўзининг "Ранг тасвир ҳақида китоб" асарида қуйидагича маслаҳат берган эди: "Биз шуни аниқ биламизки, хатолар ўз асарингдан кўра бегона кишилар асарида тезроқ кўзга ташланади ва кўпинча сен ўзгаларнинг кичкинагина хатосини кўрасан-у, ўзингни катта хатоингни кўрмайсан. Ана шундай нодонликдан қочиш учун шундай қил..."

Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва графика жанрларида инсон чеҳраси-портрет тасвири асосий ўрин эгаллайди.

Портрет - инсон образини яратиш тасвирий санъатда энг мураккаб жанр ҳисобланади [4, С.12]. Ясси фонда мўғуллар одати тарзида тасвирланувчининг фақат бош қисми, белигача, бутун бўй-бастибилан олд томонидан ишланиши мумкин. Шу туфайли шартли равишда портретни портрет ва портрет-картина (жанрли портрет)га ажратилади. Тасвирланаётган кишилар сонига кўра, якка, қўшалоқ ва гуруҳли портретларга бўлинади. Портрет жанрида инсоннинг ташқи кўриниши тасвирланиши билан бирга, унинг ҳис-туйғуси, руҳий ҳолати, касби, вақти, муҳити ҳақида маълумот беради. Портрет рассом томонидан ёзилади. Биз портрет орқали тасвирланувчи ҳақида маълумотга эга бўламиз.

Маҳоратли портретчи-рассом кўзи инсон чеҳрасидаги лаб, кўз нигоҳи ҳолати, ҳаракатини, юриши, ўтириш, кийиниш ва умуман, ҳар бир шахсга хос бўлган томонларини зийраклик билан илғаб, уни усталик билан тасвирлай олади. Портрет ўзида ҳар хил маънога эга бўлган томонларни қамраб олиши мумкин. Рассом инсон чеҳрасини, унинг яхши томонларини ва ўзи яхши кўрган хусусиятларини очиб бериб тасвирлаши мумкин. Портретда инсоннинг руҳий ҳолатидан ташқари, уни қайси табақага хослиги ҳам кўрсатилади, яъни бадавлат ёки камбағаллиги, унинг касби-кори, жамиятда тутган ўрни ҳам рассом назаридан қочмаслиги муҳим.

Тасвирланаётган шахснинг индивидуаллиги композиция тизимига, портрет ўлчами ва текисликнинг форматига таъсир қилади. Портрет кўкраккача, белгача, тиззагача, бир қиёфали, кўп қиёфали ва автопортрет кўринишида бўлиши мумкин. Инсон характери ўтиришида, ҳаракатида ва бош ҳолати, шунингдек, қўл ҳаракатлари орқали кўрсатилиши мумкин. Портрет ишлаётган рассом ҳар доим тасвирланаётган шахснинг ўзига хос томонларига эътибор бериши керак. Инсон чеҳраси ва ҳаракати индивидуал бўлиб, ҳар бир шахсга хосдир. Портретда аниқ бир шахснинг чеҳраси орқали ўзига хос бўлган характер, шу давр, унинг руҳий кечинмалари, изланишлари, инсон орзуси ва бошқалар билан рассомнинг фикри, унинг шу инсонга бўлган муносабати ҳам акс эттирилади. Портрет санъатида тасвирланувчи соф ҳолда атрофдаги муҳитни кўрсатмасдан тинч ҳолатда тасвирланиши ёки унинг бирор фаолияти билан маълум муҳитда ишланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда портрет санъатида инсон характери хусусиятлари акс эттирилади. Тасвирланувчи фаолиятини билдирувчи буюмлар уларнинг сифати ва хусусияти, яшаётган муҳит, тасвирланувчи феъли ва фаолияти моҳиятини тушунишга хизмат қилади. Ҳақиқий портрет инсоннинг гичкируҳий ҳолати, дунёсини ҳам очиб бериши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Чулков Г.И. Психологические портреты / Г.И. Чулков. - М.: Искусство, 1995. - С. 23 (Chulkov G.I. Psychological portraits / G.I. Chulkov. - М.: Art, 1995. - P. 23).


2. Ключевский В.О. Исторические портреты. - М., 1990. - С. 12; Леонардо да Винчи. Книга о живописи Леонардо да Винчи, живописца и скульптора флорентинского. - М., 1935.-С.14 (Klyuchevsky V.O. Historical portraits. - М., 1990. - P.1; Leonardo da Vinci. A book about the painting of Leonardo da Vinci, painter and sculptor of the Florentine. - М., 1935. -P.14).
3. Чулков Г.И Психологические портреты/Г.И.Чулков. - М.:Искусство, 1995. - С. 29 (Chulkov G.I. Psychological portraits / G.I. Chulkov. - М.: Art, 1995 . -P. 29).
4. Ключевский В.О. Исторические портреты.- М., 1990. -С.12 (Klyuchevsky V.O. Historical portraits. - М., 1990 . -P. 12).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Норматова Фируза Амоновна,
Ислом Каримов номидаги ТДТУ Термиз филиали
тарих фани ўқитувчиси

ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ВА МАРҒИЁНА ҲУДУДЛАРИ ЗАРДУШТИЙЛИК

For citation: Firuza A. Normatova. Zoroastrism in the territory of ancient Bactria and Margiana. 2019, vol. 17, issue 2, pp. 38-44

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-07>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўрта Осиёда илк давлатларнинг пайдо бўлиш жараёнида Зардуштийлик дининг ўрни таҳлил қилинган. Шу билан биргаликда Ўрта Осиё, хусусан, Қадимги Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларида дастлабки шаҳар давлатларнинг вужудга келишида ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Илк давлатчилик, Зардуштийлик, Қадимги Бақтрия, Марғиёна, қадимги дин, "Авесто", "Гат", Гава, Тозабогёб маданияти, Кўзалиқир, Арьянам Вайжа

Норматова Фируза Амоновна
преподаватель Термезского филиала
Ташкентского государственного технического
университета имени И.А.Каримова

ЗОРОАСТРИЗМ НА ТЕРРИТОРИИ ДРЕВНЕЙ БАКТРИИ И МАРГИАНЫ

АННОТАЦИЯ

В этой статье проведен анализ роли религии Зороастризма, в процессах зарождения первых государств Средней Азии. Вместе с этим размышления зарождения первых городов и стран Средней Азии, в частности на территории Древней Бактрии и Маргианы.

Ключевые слова: Первая государственность, Зороастризм, Средней Азии, Древней Бактрия, Маргиана, древняя религия, Авесто, Гат, Гава, культура

Тозабогёба, Кузаликир, Арьянам Вайжа.

FiruzA. Normatova,

Teacher of history

Named IslomKarimov TDTU Termiz subsidiary

ZOROASTRISM IN THE TERRITORY OF ANCIENT BACTRIA AND MARGIANA

ANNOTATION

The article analyzes the role of Zaratustra in the development process of early countries in Central Asia. In addition, there given some statements on early cities to come into existence in Central Asia, especially, in Old Bactria and Margiona.

Key words: early statehood, Zoroastrianism, Old Bactria, Margiona, ancient religion, Avesto, Gat, Gava, the culture of Tozabogyob, Kuzalikir, AryanamVayja.

Зардуштийлик дини маълум тартиб-қоидалар асосида муайян бир даврда шаклланди. Диннинг пайдо бўлиши, унинг махсус тизим асосида шаклланиши жамиятда инсонларнинг ишонч-эътиқодини қозониши ва мафкуравий-сиёсий ҳокимиятни мустақамлаши учун зарур бўлади. Демокрит ва Эпикурнинг фикрича, жамиятда худо ва маъбудалар бўлмади. Инсон ўз олдида пайдо бўладиган тўсиқларни енгиб ўтиши учун ўз тафаккурини руҳий мадад билан сугоради [15. - С. 13-15]. Динда марказий ўринни эътиқод эгаллайди. Эътиқодсиз на дин, на унинг шакли бўлади [13. - С.92]. Диний эътиқоднинг маълум тизимга кириши натижасида, унинг ғоявий бошқарув шакли пайдо бўлди ва бу жараёнлар дастлаб Месопотамияда шаҳар маданиятининг таркиб топиши муносабати билан бошланди. Худди шундай ҳолат аста-секин Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари Қадимги Бақтрия ва Марғиёна ўлкаларини ҳам қамраб олди. Дин дастлаб инсон ақл-заковати етмаган табиий офатлар, абадийлик ва моддийлик ўртасида руҳий алоқа вазифасини бажарган. Бунда фақатгина эзгулик ва ёвузлик ғоялари устувор бўлиб, диний эътиқод ёвузликка қарши, қора кучлардан ҳимояланиш ролини бажарган. Эзгулик тимсоли бўлган худоларга эътиқод қилиниб, қурбонликлар қилинган. Диннинг бу кўринишида, масалан зардуштийлик дини раҳнамолари олий ҳақиқат тимсоли бўлган қуёшга илтижо қилиб, унга барча қулфатлардан халос этувчи эзгулик манбаи сифатида сажда қилганлар.

Дин жамият тараққиётида одамларни бирлаштирувчи воситага айланиши натижасида жамиятда ижтимоий омил муҳим рол ўйнаб, жамият аъзоларининг ижтимоий мавқеи муҳим ўрин тутган. Илк зардуштийлик дарҳол дин сифатида вужудга келгани йўқ, балки у ўзининг прото кўринишидан то расман дин сифатида шакллангунга қадар маълум тарихий даврни босиб ўтди. Бу даврда диннинг кўриниши жамиятнинг шаклини белгилади ва мукаммаллашиб бориб, давлат дини даражасига қадар кўтарилди. Давлат жамият ўртасидаги воситачиликни, бошқарувни таъминлаб, ўша давр бошқарувининг қонун-қоидаларини яралишига туртки берди. Ўрта Осиё, хусусан, Қадимги Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларида дастлабки шаҳар давлатларнинг вужудга келишида табиийки, зардуштийлик ғоялари муҳим ўрин тутган. Лекин, зардуштийлик динининг вужудга келиши ва унинг давлат дини даражасига кўтарилиши бир босқичда эмас, балки бир неча

босқичларда амалга ошган. Бунда диннинг вужудга келишидаги асосий омилларни, диннинг пайдо бўлиши ва халқларнинг ишонч-этиқодига айланиб давлат дини қўринишини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим ўрин тутди. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да Ўрта Осиё халқлари ва давлатлари ҳақида дастлабки маълумотлар келтирилиб, бир неча юз йилликлар давомида ўзгаришларга учраб, янгиликлар қўшилди. Энг қадимги даврларда "Авесто"нинг дастлабки насклари оғзаки тарзда баён этилиб, авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган. Чунки, зардуштийлик этиқодида ёзув ёвузлик худоси Аҳриман томонидан яратилган [10. - С. 3].

"Авесто"нинг энг қадимги қисми ҳисобланган "гат"лар бугунги кунгача қисқартирилган ҳолда етиб келган бўлиб, уни мукамал ўрганишда қийинчиликлар келтириб чиқаради. XVIII асрдан бошлаб "Авесто" алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганила бошланган бўлиб, М. Бойс [Бойс М, 1987], Е.А. Дорошенко [Дорошенко, 1982], И.М. Дьяконов, М.М. Исҳоқов [Бойназаров, 1991] ва бошқа олимлар тадқиқотларида ҳам муҳим ўрин тутди. Зардуштийлик динининг вужудга келишини олимлар Эрон ҳудудларидан қидириб, Аҳмонийларнинг давлат дини бўлганлигини алоҳида таъкидлайдилар. Шунингдек, зардуштийлик дини ва "Авесто"нинг ватани Хоразм эканлиги тўғрисидаги ғоялар ҳам мавжуд бўлиб, диннинг келиб чиқиши мил.ав. VII-VI асрлардан нарига ўтмайди, деган илмий ғоя фанда пайдо бўлди. Бир неча йиллардан буён зардуштийлик дини ва "Авесто"нинг вужудга келиш тарихига бағишланган тадқиқотлар олиб борилишига қарамасдан, бу борадаги баҳслар ҳанузгача давом этмоқда. Айниқса, "Авесто"нинг қадимги қисми ҳисобланган "гат"ларнинг келиб чиқиши масаласида баҳслар бугунга қадар ечилмаган муаммолардир. Зардуштийлик дини ва "Гат"ларнинг келиб чиқиши, "Авесто" матнларига асосланган ҳолда, турли қарашларнинг илгари сурилиши, динни пайдо бўлган макон ва замон ҳақида турли қарашларни вужудга келтирди. XX асрнинг 80-йилларидаги илмий адабиётларда "Авесто"нинг вужудга келишида ғарбий ва шарқий йўналишлар пайдо бўлади. Ғарб йўналиши тарафдорлари "Авесто"нинг Мидия ҳудудларида пайдо бўлган ва шарққа томон ёйилганлигини қайд этиб, Заратуштрани Атропотен (Озарбайжон) ёки Мидиядаги Рагдан чиққанлигини таъкидлайдилар. Бу ҳақда Берунийнинг "Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида ҳам маълумотлар учрайди [2. - Б. 89].

Шарқий йўналиш тарафдорлари Е.Э. Бертельс, С.П. Толстов, В.И. Абаев, И. Маркварт, Ю.А. Раппопорт, М. Исҳоқов, М.М. Маҳмудовлар бўлиб, улар "Авесто"нинг қадимги Хоразм ҳудудларида пайдо бўлганлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, дунё олимлари томонидан эроний тилли халқларнинг урф-одатлари, кўмиш билан боғлиқ одатлари, диний тизимини ўрганиш натижасида зардуштийлик дини Эронда пайдо бўлиши ва давлат динига айланиши тўғрисидаги ғоялар устунлик қилишига шароит яратди [6; Лелеков Л.А. Авеста в современной науке; Лелеков, 1991; История таджикского народа. Т.1; 8. - С. 422; 7; Маковельский]. Бу илмий ёндашувларда Аҳмонийлар давлатида шарқий эроний тиллар ёйилган ҳудудларда, яъни Бақтрия, Марғиёна, Сўғдиёна, Арея, Хорасмиялилар орасида бронза давридан бошлаб шакллана бошлаганлиги ҳисобга олинмаган, чунки у вақтларда бу ҳудудларда протозардуштийлик ибодатхоналари ҳали очилмаган эди. Боз устига, бу вақтда зардуштийлик дини ва "Авесто"нинг яратилиши хусусида фикр юритишда лингвистика, ёзма манбаларнинг таҳлили асосий роль ўйнаб келди. Археологик манбаларга суяниш эса иккиламчи манба

бўлиб қолди. "Авесто"нинг Видевдат китобида эзгулик худоси Ахурамазда яратган мамлакатлардан биринчиси Арьянам Вайжада кечган тарихий жараён илк темир даври билан боғланиб ўрганилди, зардуштийликнинг илдизлари "Авесто"га кўра чорвадор қабилалар жамоасидан қидирилди. Ахурамазда яратган 16 мамлакатнинг биринчиси Арьянам Вайжа Авестода Ранха ва Вахви дарёлари оралиғидаги текисликлардир, дейилади. Лингвистлар "Авесто"да номи келтирилган дарёлар Ранха-Волганинг қадимги номи деб талқин этишди. Масалан, Марквартнинг фикрига кўра, дастлаб Волга Ранха номи билан аталган. Эранвеж Окс ва Яксартнинг оралиғи бўлган. Андреаснинг фикрича, Эранвеж Хоразмдир (Xvarizm), Бенвенист ва Герцфельд ўз фикрларини давом эттириб, кейинчалик арийларнинг дастлабки ватанлари Хоразм бўлган, деб таъкидлайди. Нюрберг ўз фаразларини илгари суриб, Эранвеж Хоразмдир, яъни дастлаб Гат жамоаси вужудга келган жойдир, уларнинг Амударё бўйлаб янги ерларни ўзлаштириб бориши натижасида бу жой зардуштийларнинг муқаддас мифик мамлакатига айланди, дейилади. Эранвеж ва Турон бита мамлакат - Туркистондир. Бу ер жаннатмакон жой бўлиб, кейинчалик орийларни бошқа ерни ўзлаштиришга мажбур қилувчи, яшашга ноқулай жойга айланди, яъни орийлар юрти Эранвеж орийлар юрти бўлмаган турлар юрти Туронга айланди. Бу ўринда академик А.Асқаровнинг фикрлари ўринли бўлиб, Хоразмнинг қадимги аҳолиси, зироатчилик билан шуғулланган Амирободликлар, чорвачилик билан шуғулланган Қуйи сойликлар то милоддан аввалги VI асргача, яъни Хорасмия қабилалари келгунга қадар бирор бир монументал иншоот барпо қилмаганлар. Аҳмонийлар сиқуви остида Ҳилменд водийсида истиқомат қилган Хорасмияликларнинг Амударё қуйи ҳавзаларига бориб жойлашиши ва бу ерда ўтроқ суғорма деҳқончилик маданиятининг гуллаб яшнаши натижасида, Кўзалиқир, Қалалиқир каби мураккаб мудофаа деворлари билан ўраб олинган монументал қасрлар қад кўтарди [3. - Б.76-84]. Ҳақиқатан ҳам, XX асрнинг 50 йилларида Кўзалиқир, Қалъалиқир, Қўйқирилганқалъа ёдгорликларининг очиб ўрганилиши, воҳада "Авесто" ғоялари кучли диний эътиқод тизимига кирганлиги археологик материаллар ва ёдгорлик қурилишида яққол намоён бўлади [11. - С.102-132.].

Ваҳоланки, Хорасмияликлар бронза давридан эътиборан Қадимги Бақтрия ва Марғиёна аҳолиси билан маданий алоқада бўлиб, юксак деҳқончилик маданиятини ўзлаштирган эдилар [3. - Б.76-84]. Уларнинг Хоразм ҳудудларига жойлашиши ва зардуштийлик дини илк давлат уюшмаларининг шаклланишида муҳим ўрин тутиши Кўзалиқир ва Қалалиқир каби шаҳар-давлатларнинг шаклланишига тўртки берди. XX асрнинг 30 йилларидан бошлаб "Авесто" ғоялари археологик материаллар мисолида ўрганилишининг бошланиши, илк темир даври тарихий шароитини бронза даври тарихий шарт-шароитлари билан аралаштириб юборилишига олиб келди. Ваҳоланки, бугунги кунда мавжуд археологик далиллар зардуштийлик динининг ҳозирги Хоразм ҳудудида пайдо бўлиши милоддан аввалги VI асрдан қадимий эмаслиги аниқланди. Бу далиллар Хоразм воҳаси зардуштийлик динининг гуллаб-яшнаган вилояти сифатида милоддан аввалги VI асрдан кейин муҳим бир ҳудуд бўлганлигини кўрсатади. Эранвеж таркибига ҳозирги Орол денгизининг шимолий қисмлари ҳам кирганлигини ҳисобга олсак, бу ерда очиб ўрганилган бронза даври ёдгорликлари жумладан, Тозабогёб маданияти, Тагискен мозор-қўрғони бу масалага бирмунча аниқликлар киритди. Россия ФА олимлари олиб борган археологик тадиқотлар натижасида Урал тоғининг жанубий-шарқий

минтақасида Синташта ва Аркаим археологик комплекслари очиб ўрганилган бўлиб, улар бронза даври арийларининг ёдгорликлари эди. Академик В.М. Массон Андроново маданиятига мансуб аҳолининг дастлабки миграцияси Тозобоғёб маданиятидан ва Орол бўйларидан бошланиб, Амударё ва Сирдарё оралиғи, Жанубий Туркменистон, яъни Мурғоб воҳаси ва жанбий-шарқий Зарафшон дарёси ҳавзаларигача тарқалганлигини таъкидлайди [9,С.72.]. Ҳақиқатан ҳам, М.Бойснинг фикрига кўра, диннинг дастлабки илдизлари оташпараст чорвадорлар орасида пайдо бўлиб, бундан 3500 йиллар бурун Осиё чўл аҳолисининг диний эътиқоди сифатида шакллана бошлаган. Шунинг учун ҳам диннинг асосчиси Заратуштра узоқ ўтмишда, яъни милоддан аввалги 1500-1200 йиллар оралиғида яшаган деб тахмин қилади. Унинг издошлари Заратуштранинг қачон ва қаерда яшаганлигини ҳам унитганлар. У асос солган дин эса милоддан аввалги VI асрдан то милодий VII асргача уч буюк эрон империяларининг давлат дини бўлганлиги [6,С.3-6] ҳақидаги фикрлари асослидир. Видевдатда келтирилган мамлакатларнинг биринчиси Арйанам-Вайжа бўлиб [16,С.71-73], дастлаб зардуштий жамоалар вужудга келган ҳудуд Орол бўйлари ва унинг шимолий ҳудудларида истиқомат қиладилар. Бу ерда қишнинг узоқ давом этиши ва яйловларнинг камлиги, чорвачилик учун ноқулай бўлиб, бу жамоаларни жанубга томон юришга мажбур қилади. Улар янги ерлар қидириб Ахурамазда "яратган" Зарафшон водийсидаги Гава (Сўғдиёна) мамлакатига [6,С.72], Жанубий Туркменистондаги Моуру (Марғиёна) мамлакатига [16,С.71-72], Жанубий Ўзбекистон ҳудудларидаги Баҳди (Бақтрия) мамлакати [16,С.72] ҳудудларигача кириб борадилар. Демак, зардуштийларнинг дастлабки гат жамоаси айнан чўл халқлари бўлиб, зардуштийликнинг дастлабки тасаввурлари ҳам айнан шу жамоалар орасида пайдо бўлди ва бронза давридан бошлаб ўтроқ аҳоли орасида расмий дин кўринишини ола бошлади. Шунга кўра Аркаим ва Синташта моддий маданияти, Сополли, Даштли, Тўғолоқ, Гонур маданиятлари археологик материаллари тарихий нуқтаи-назардан фалсафий ёндашувни талаб қилади. Чунки, бу юрт ва маданият соҳибларининг майитни кўмиш билан боғлиқ одатлари, аниқроғи дастлаб қишлоқ даражасидаги оташпарастлик, кейинчалик шаҳар-давлат даражасидаги протозардуштийлик ибодатхоналарига айланиб, "Авесто"да эслатилган мамлакатларни моддийликда вужудга келишига туртки беради ҳамда уларнинг ғоявий-мафкуравий дунёқараши Заратуштра номи билан боғлиқ динда расмийлашишига имкониятлар яратади.

Қадимги Бақтрия ва Марғиёна ёдгорликлари материаллари бронза даврида инсоният тарихида муҳим ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатмоқда. Чорвачиликдан деҳқончиликнинг ажралиб чиқиши натижасида азалдан бир этно-маданий қатламга эга бўлган халқларда бўлиниш юз бериб, бронза даврида Ўрта Осиё халқларида икки маданий-хўжалик шакли вужудга келади. Зардуштийлик динининг илк илдизлари маданий-хўжалик бўлиниши юз бермасдан аввал, ибтидоий жамоалар бағрида пайдо бўла бошлаган. Жамоаларнинг ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжалигига ўта бошлаган даври Ўрта Осиё шароитида энеолит даврига тўғри келиб, хонаки чорвачилик иқтисодий ҳаётда катта роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам, "Авесто"да келтирилган ғоялар, яъни бойликнинг асосий белгиси чорва билан белгиланганлиги, дин дастлаб чорвадорлар орасида пайдо бўлди [16,С.8] деган фикрни асосли ҳисоблашга туртки бўлган. XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб Қадимги Бақтрия, Сўғдиёна,

Марғиёна ҳудудларида ўтказилган археологик изланишлар натижасида топилган монументал зардуштийлик ибодатхоналари ва "дахьюпати"ларга тегишли бўлган давлат бошқаруви маҳкамаси мавжуд тасаввурларга қатор аниқликлар киритди. Бронза даврида вужудга келган ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолисининг диний қарашлари дастлабки даврда дашт аҳолиси диний қарашлари билан кўп жиҳатдан монанд бўлсада, ўтроқ аҳолининг кейинги тарихий тараққиётида чўл аҳолисидан кескин фарқ қилган ҳолда, дин жамиятни бошқаришнинг устувор омилига айланди. Табиийки, ўтроқ деҳқонлар ҳаётида ер, сув, ҳаво, олов (қуёш) муҳим ўринга эга. Табиат унсурларига эътиқод қилиш деҳқонлар жамоасида тобора уйғунлашиб, аниқ тизимга кириб боради [3, Б.4].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абаев В.И. Миф и история в "Гатах" Зороастра // Историко-филологические исследования. - М.: Наука, 1974. - С. 320 (Abaev V.I. Myths and History in Gatax Zoroastra // Istorico-Philologic Issues. - М.: Nauka, 1974. - P. 320.).
2. Абу Райҳон Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. - Т., 1957. Т. 1. - Б. 89 (Abu Rayhon Beruni. Monuments from past nations // Selected works. - Т., 1957. Т. 1. - В. 89).
3. Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. - Т., 2004. - Б.76-84 (Askarov A. Some issues of ancient Khorezm history // Ethnology of Uzbekistan: new approaches and approaches. - Т., 2004. - P.76-84).
4. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих. - Т., 2004. - Б.4 (Askarov AA The origin of the Uzbek people: scientific and methodological approaches, ethnogenetic and ethnic history. - Т., 2004. - P.4).
5. Бойназаров Ф. Ўрта Осиёнинг антик даври. - Т.: Ўқитувчи, 1991 (Boynazarov F. The Antiquity of Central Asia. - Т.: Instructor, 1991).
6. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. - М.: Наука, 1987 (Boyse M. Zoroastrians. Beliefs and customs. - М.: Science, 1987).
7. Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране. - М.: Наука. 1982 (Doroshenko E.A. Zoroastrians in Iran. - М.: Science. 1982).
8. История древнего Востока. - М., 2002. - С. 422 (The history of the ancient East. - М., 2002. - P. 422).
9. Комплексные общества Центральной Евразии в III - I тыс. до.н.э. - Челябинск-Аркаим, 1999. - С. 72 (Integrated societies of Central Eurasia in the III - I millennium BC. - Chelyabinsk-Arkaim, 1999. - P. 72).
10. Стеблин-Каменский И.М. Авеста. Избранные гимны. - Душанбе: Ирфон. 1990 (Steblyn-Kamensky I.M. Avesta. Selected hymns. - Dushanbe: Irfon. 1990).
11. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С. 29 (Tolstov S.P. Ancient Khorezm. - М., 1948. - P. 29.)
12. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. □ - С.102-132 (Tolstov S.P. According to the ancient deltas of Oks and Yaksart. ... - P.102-132).
13. Угринович Д.М. Психология религии. - М., 1986. - С. 92 (Ugrinovich D.M. Psychology of religion. - М., 1986. - P.92).
14. Ўша муаллиф. Локальные и синкретические культы. - М.: Наука, 1991 (Local

and syncretic cults. - М.: Nauka, 1991).

15. Францев Ю.П. У истоков религии и свободомыслия. - М.-Л., 1959. - С. 13-15 (Frantsev Yu.P. At the origins of religion and free thought. - M.-L., 1959. - P. 13-15).

16. Хрестоматия по истории Древнего Востока. - М., 1980. Ч. 2. - С. 71-73 (A reader on the history of the Ancient East. - M., 1980. Part 2. - P. 71-73).

17. Marguar W.W. Eransahrnch der Geographie d Moses Xorenas't. - Berlin, 1901. - P.144;

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Рўзикулова Мафтуна Юлдашевна,
Қўқон давлат педагогика институти
Тарих ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ КАДРЛАРИ ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР (1950-1970 йй.)

For citation: Maftuna Yu. Ruzikulova. Problems in the preparation of irrigation personnels in the Ferghana valley (1950-1970). 2019, vol. 17, issue 2, pp. 45-51



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-08>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг 50-70 йилларида Фарғона водийси ирригация тизимида кадрлар тайёрланиши ва ундаги муаммолар илмий адабиётлар ва бирламчи манбалар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, совет ҳукумати, ирригация, мелиорация, мутахассис, техникум, гидромелиорация техникуми.

Рўзикулова Мафтуна Юлдашевна,
преподаватель кафедры методики преподавания истории
Кокандского государственного педагогического института

ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ ИРРИГАЦИОННЫХ ПЕРСОНАЛОВ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ (1950-1970)

АННОТАЦИЯ

В этой статье анализируется подготовка специалистов по ирригационной системе Ферганской долины и ее проблемам в 50-70-е годы XX века с помощью научной литературы и первичных источников.

Ключевые слова: Ферганская долина, советское правительство, ирригация, мелиорация, специалист, техникум, гидромелиоративное техникум.

Maftuna Yu. Ruzikulova,
Lecturer at the Department of History Teaching Methodology
Kokand State Pedagogical Institute

PROBLEMS IN THE PREPARATION OF IRRIGATION PERSONNELS IN THE FERGHANA VALLEY (1950-1970)

ANNOTATION

In this article is analyzed of preparing specialists to the irrigation system of Ferghana valley and its issues in 50-70-years XX century by the helping scientific literatures and primary resources.

Key words: Ferghana valley, Soviet government, irrigation, land reclamation, specialist, technical school, hydromeliorative school.

Маълумки, 1950-1970-йилларида Марказий Фарғонада қишлоқ хўжалиги, суғориш соҳаларига мутахассис тайёрлайдиган ўрта бўғин - қишлоқ хўжалиги техникумлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларда таҳсил олувчи талабаларни ётоқхоналар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ана шу вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун ЎзССР вазирликлари, идоралари ва ташкилотларига техникумларнинг икки йиллик гидромелиорация ва гидротехника бўлимларига қабул қилинган талабаларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олишига очиқ-ойдин рухсат бериш, Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоят ижроия қўмиталарига янги ўқув йилига қабул қилинадиган талабаларни 1951 йил 1 августига қадар Андижон, Наманган ва Бухоро қишлоқ хўжалик техникумларини - 100 ўринли ётоқхона билан таъминлаш вазифаси белгиланди [1].

1952 йил бошларида Фарғона водийсидаги сув хўжаликлари ҳамда "Ферганаводстрой" трести ишчи ва муҳандис-техник ходимларининг умумий сони 2188 кишини, 1958 йилда эса 3011 кишини ташкил этди. 1970 йилда бу кўрсаткич "Андижанводстрой" ва "Ферганаводстрой" трестларида 4899 кишига тенг бўлди, булардан 1301 киши машинист-экскаваторчи ва уларнинг ёрдамчилари, 531 киши скреперчи, 546 киши бульдозерчи, 231 киши грейдерчи, 163 киши тракторчи, 931 киши бетончилардан иборат эди. Лекин 1972 йил бошига келиб биргина "Ферганаводстрой"да 46 та экскаваторчи, 182 та скреперчи-бульдозерчи, 108 та қурилиш ишчиси ва бошқа ўзлаштирувчи мутахассислар етишмади [2].

Шу йил 24 июнда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг "ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг маҳаллий ташкилотларида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойига қўйишга доир ишларни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги буйруғида кадрлар иш фаолиятига доир галдаги фикрлар қайд этилди: "Шу пайтга қадар 75% муҳандис ходимлар, 74 нафар участка гидротехниклари касбий билимларга эга бўлмаган ҳолда фаолият юритиб келди. 41 % суғориш тизими бошқарма бошлиқлари, 74 % туман сув хўжалиги бошлиқлари, 30 % суғориш тизими бошқармаси бош муҳандислари қуйи касбий маълумотга эга бўлган ҳолда муҳандислик лавозимида фаолият кўрсатди. Вазирлик аппаратида ҳам қатор муҳандислик ўринлари номухтассис кадрлар билан банд қилинди. Вазирлик ва

унинг ҳудудий органларида маҳаллий миллат вакилларида кадрлар тайёрлаш иши ҳам яхши йўлга қўйилмади. Ҳолбуки, вазирлик аппаратида ўзбеклар умумий таркибга нисбатан 2 %ни, Андижон сув хўжалиги бошқармасида 5%, Бухоро вилояти сув хўжалигида 3 %ни, Самарқандда эса 6 %ни ташкил этди" [3].

Маълумотлардан кўриниб турибдики, совет даврида Сув хўжалиги вазирлиги таркибида маҳаллий миллатга мансуб бўлган шахслар озчиликни ташкил қилди. Шу билан бирга, юқоридаги буйруқда сув хўжалиги раҳбар кадрлари малакасини оширишдаги қатор камчиликлар ҳам таъкидлаб ўтилди: "Кадрлар бўлими, бошқарма бошлиқлари, вазирлик бўлимлари ва вилоят сув хўжалик бошқарма бошлиқлари раҳбарлик ишига номзодлар кўрсатиш учун резерв тузиш масаласи билан мунтазам равишда шуғулланмаган. Ишчи ходимларнинг амалий (ишга доир) малакасини ошириш бўйича тадбирлар ташкил қилинмаган. Шу сабабдан ҳам вазирлик аппаратида ва унинг маҳаллий органларида 329 та эгалланмаган лавозим бўлиб, ундан 32 таси раҳбар ходимлар ва 297 таси эса мутахассислардан иборатдир"[4]. Юқоридагилардан маълум бўлишича, вазирлик ва жойлардаги сув хўжалиги органларида кадрлар етишмовчилиги кучайиб борди, шу сабабли марказдан мутахассислар гуруҳи жўнатилди. Масалан, совет ҳокимияти томонидан маҳаллий сув хўжалиги идораларини кадрлар билан тўлдириш мақсадида марказдан кадрлар юбориб турилди. Жумладан, "1953-1954 йилларда Марказий Фарғона қурилишларига олий ўқув юртлари ва техникум битирувчилардан 107 киши, шу жумладан, 37 киши ТИИИМСХдан, 13 киши Москва сув хўжалиги институтидан, 9 киши Киев гидромелиорация институтидан, шунингдек, Ленинград, Саратов, Омск, Ереван, Ростов ва бошқа шаҳарлардан ёш мутахассислар келди" [5]. Таассуфки, бошқа республикалардан юборилган кадрлар табиий шарт-шароитлардан беҳабар эди. Шу боис маҳаллий аҳоли эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда талайгина муаммолар етилди.

1955 йил 31 октябрда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг "ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги тизимида кадрлар билан ишлаш тўғрисида"ги буйруғи эълон қилинди [6]. Унда вазирликнинг кадрлар тайёрлаш борасида олиб борган фаолиятига баҳо берилди. Жумладан, вазирлик кадрларни танлаш, уларни жой жойига қўйиш, тарбиялаш ишларини қайта қуришни тўла йўлга қўймаган. Сув хўжалиги идораларида ўтказилган қайта ташкил этишдан сўнг бошқарув аппаратида кўп сонли муҳандис-техник ходимлар эгаллаб турган вазифаларидан озод этилди. Бу тадбирлар айнан Марказий Фарғонанинг сув хўжалиги идораларида ҳам ўтказилди ва бу ерда бўш қолган лавозимлар юқоридан тўлдирилди.

Республика, қолаверса Фарғона водийси сув хўжалиги тармоғи учун олий маълумотли ҳамда илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида йўлга қўйилди. Шу жумладан, "ТИИИМСХда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларидан кўплаб муҳандис ва илмий кадрлар тайёрланди. Мазкур ишга 1956 йилда киришилган эди. Бу ерда Монголия, Куба, Вьетнам, Миср, Афғонистон, Гана, Мали, Сомали, Кения, Нигерия, Сурия, Уганда, Яман, Танзания ва бошқа давлат вакиллари таҳсил олди, аспирантурани битириб илмий даражага эга бўлди". Институтда 7 йил мобайнида дунёдаги 36 та мамлакат учун 289 мутахассис етказиб берилди [7].

Совет ҳукмронлиги йиллари Фарғона водийсида ирригация кадрлари тайёрлаш тизимига тегишли урғу берилди. Бироқ, бу ердаги мутахассис кадрларнинг аксарият

қисми маҳаллий миллат вакилларида иборат бўлмади. Бу маълумотларни Фарғона вилоят суғориш тизимида 1953-1959 йилларда фаолият кўрсатган олий маълумотли мутахассис кадрлар мисолида қуйидаги жадвал орқали ҳам кўриш мумкин.

1-жадвал

Фарғона вилоят суғориш тизимидаги олий маълумотли кадрлар сони (1953-1959 йй.) [8]

№	Ташкилот номи	Йил	Штат жадвали бўйича лавозимлар сони	Жами мутахас. сони	Жумладан				
					эркак	Аёл	ўзбек	Рус	бошқ.
1	Вилоят суғориш тизими бошқармаси ходимлари ва унинг карамоғидаги ташкилотлар	1953	205	6	6	-	1	5	-
		1956	485	78	70	8	15	41	22
		1958	392	68	58	10	11	45	12
		1959	402	62	55	7	11	39	12

Жадвалдан маълум бўлишича, вилоят суғориш тизими бошқармаси таркибидаги раҳбар кадрларнинг аксарияти, аввал таъкидланганидек, бошқа миллатга мансуб шахслардан иборат эди.

1960-йилларнинг иккинчи ярмида Марказий Фарғона ҳудудидаги Бўз туман суғориш ташкилотларида кадрлар етишмаслиги кузатилди. Туман сув хўжалигида мутахассис гидротехниклар, муҳандислар, мироблар етишмади. 1965 йилда биргина Бўз тумани сув хўжалигида 64 нафар ходим ишлади, бироқ уларнинг кўпчилиги бажариб турган лавозимига тўғри келмасди. Бундай ходимлар 32 кишини ташкил қилди. Шу боис туман ижроия қўмитаси вилоят раҳбар органларидан гидромелиорация ўқув юрти битирувчиларидан Бўзга юборилишига ёрдам кўрсатишларини сўради [9].

Совет идоралари 1970-йилларда ҳам Иттифоқни пахта билан мунтазам таъминлаш учун ўрта бўғин қишлоқ ва сув хўжалиги кадрлар тайёрлаш тизимида муҳим эътибор қаратди. Шу сабабли уларнинг сони тобора ортиб борди. Тўққизинчи беш йилликда (1971-1975 йй.) 6 та гидромелиорация техникумида ўрта махсус маълумотли сув хўжалиги кадрлар тайёрланди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Урганч, Сурхондарё ва Нукус гидромелиорация билим юртлари фаолият кўрсатди. Бу ўқув юртлари ихтисосликлар бўйича 8496 та гидромелиорация, гидротехник қурилиш, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш ва сув хўжалиги тизими автоматик эксплуатацияси касби бўйича мутахассис кадрлар тайёрлади. Айтиш мумкинки, улар ўсишда давом этди. Хусусан, 1971 йилда - 1349 та, 1972 йилда - 1558 та, 1973 йилда - 1981 та, 1974 йилда - 1790 та ва 1975 йилда эса 1818 нафар ўрта техник маълумотга эга ёш мутахассис кадрлар тайёрланди [10].

Келтирилган маълумотлардан аён бўляптики, марказнинг пахтачилик соҳасидаги аграр сиёсатига мувофиқ республикада ирригация соҳаси бўйича ўрта махсус ва олий маълумотга эга техник кадрлар тайёрлаш сони йилдан-йилга аста-секин ўсиб борди. Бироқ баъзи ерларда ирригация-мелиорация соҳасида кадрлар қўнимсизлиги жараёни ҳам кўзга ташланди. Таъкидлаш жоизки, дипломли мутахассислар (айниқса, ўзлаштирилган янги ерларда) қўнимсизлиги жиддий

муаммо ҳисобланарди. Ҳокимият органлари ва кўпчилик агрохўжаликлар раҳбарлари мутахассисларнинг ишда муқим қолиши учун шароит яратиш билан шуғулланмас эдилар. Олий ўқув юрглари ва техникумларни битириб қишлоқларга юборилган ёш мутахассислар уй-жой билан етарли таъмин этилмас, улар кўпинча ўз мутахассислиги бўйича ишламасди [11].

Республиканинг кўплаб ирригация бошқармаларида олий маълумотли мутахассис кадрлар айниқса етишмади. Ҳолбуки, "Ферганаводстрой" трести ташкил қилинганидан буён унга 1028 та олий маълумотли ва 1372 та ўрта махсус маълумотли мутахассис йўлланди. Трест тизимларида кадрларнинг тез келиб-кетиши кузатилди. Масалан, 1972 йилда "Ферганаводстрой"га 1896 киши ишга қабул қилинди, шулардан 966 киши бўшаб кетди ва яна шунча киши ишга қайта жойлаштирилди. Сув хўжалиги тизимида техник мослама, ускуна ва механизмлардан фойдаланиш учун механизатор ва ирригаторлар жуда зарур эди. Хусусан, 1972 йилда Фарғона водийси жамоа ва давлат хўжаликларида 187,8 минг турли касбдаги мутахассислар бўлиб, уларнинг 7930 нафарини агроном, зоотехник, ирригатор ва бошқа кадрлар ташкил этди. Шу жумладан, у ерда 1258000 махсус ўрта маълумотли мутахассислар ҳам мавжуд эди [12]. 1973 йилда сув хўжалиги идораларига кадрлар тайёрлаб берувчи Андижон гидромелиорация техникуми "Гидромелиорация", "Гидротехник қурилиш", "Гидромелиорация ишларини механизациялаш" мутахассисликлари бўйича кадрлар етиштирди. 1974 йил 15 апрелдаги тарификация ведомостига кўра техникумда 73 та ўқитувчи, шундан 57 таси асосий штатда, 16 таси ўриндошлик асосида фаолият олиб борди. Ундаги талабаларнинг сони эса қуйидаги жадвалда берилган:

2-жадвал

Андижон гидромелиорация техникумидаги талабалар сони (1973-1974 ўқув йилининг 1 сентябридаги умумий маълумот бўйича) [13].

№	Мутахассисликлар	Кундузги	Сиртқи	Кечки	Талабалар умумий сони
1	Гидромелиорация	578	230	-	808
2	Гидромелиорация ишларини механизациялаш	187	143	-	330
3	Гидротехник қурилиш	128	-	189	317
Жами		893	373	189	1455

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1973-1974 ўқув йилида Андижон гидромелиорация техникуми талабалари жами 1455 нафар бўлиб, уларнинг аксарияти гидромелиорация мутахассислиги бўйича таҳсил олди.

ЎзССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги тасдиқлаган 1976 йил штатлар жадвалига асосан Андижон вилоят суғориш тизими бошқармаси мутахассис кадрлар билан тўлдирилди. 1977 йил 1 январь ҳолатига вилоят суғориш тизимида 2460 киши фаолият кўрсатди. Жумладан, 1056 нафар муҳандис-техник, шундан 130 нафари олий маълумотли, 467 нафари эса ўрта-махсус маълумотлилар. Шу билан бирга, сув хўжалигида фаолият олиб борган ишчилардан 12 нафари олий

ўқув юртларининг сиртқи бўлимида, 28 нафари эса техникумларда таҳсил олди. 1976 йилда муҳандис-техникларнинг 14 нафари малака оширди [14].

Ўн биринчи беш йилликда республикада тайёрланган кадрларнинг умумий миқдорида механизаторлар 63,4 %ни, мелиораторлар 14,2 %ни, чорвадорлар 13,4 %ни ташкил қилди. Уларни тайёрлаш 212 та ҳунар-техника билим юртларида ташкил этилган доимий ишлайдиган курсларда амалга оширилди [15]. Биргина Андижон вилоятида 1987 йилда вилоят сув хўжалиги ишлаб-чиқариш бошқармасининг илтимосномасига биноан Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 26 нафар олий, 41 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассис кадрлар юборилди. 1988 йил 1 январь ҳолатига кўра бошқармада 3591 киши фаолият кўрсатди. Жумладан, 1018 киши муҳандис, 429 киши техник лавозимида ишлади, шундан 357 нафари олий, 858 киши эса ўрта-махсус маълумотлилардир [16].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фарғона водийсида ирригация соҳаси учун кадрлар тайёрлаш масаласи совет ҳукуматининг доимий диққат марказида бўлди. Чунки суғориш ишлари биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилганди ва водий пахта етиштириш учун қулай ҳудуд ҳисобланганди. Совет идоралари ҳар икки соҳага доир тадбирларни ишлаб чиқди ва уларни ўз ҳукмронлигининг барча даврларида амалга оширишга ҳаракат қилди. Шу мақсадни амалга ошириш учун суғориш ва пахтачилик соҳасига малакали мутахассисларни тайёрлаш иши йўлга қўйилди. Суғориш соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассис кадрлар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд қишлоқ хўжалиги ва Андижон пахтачилик институтларида, ўрта бўғин кадрлари асосан гидромелиорация техникумлари ва механизация мактабларида тайёрланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎзМА, Р.2483-жамғарма, 1-рўйхат, 708-йиғма жилд, 1-варақ орқаси (National Archives of Uzbekistan 2483-fund, 1- list, 708-case, 1- page).

2. Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1974. -Б. 69 (Gafurov A. Economic problems of irrigation and land reclamation. -Tashkent: Uzbekistan, 1974. -P. 69).

3. ФВДА, 1022-жамғарма, 2-рўйхат, 86-йиғма жилд, 16-варақ (1022- fund, 2-list, 86- case, 16-page).

4. ФВДА, 1022-жамғарма, 2-рўйхат, 86-йиғма жилд, 15-варақ (1022- fund, 2-list, 86- case, 15-page).

5. Наринский К.М. Яшнаган кўриқ (Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибалари). -Тошкент: Ўзбекистон, 1965. -Б.11 (Narinsky K.M. Existing reserve (Experience of Uzbek workers in developing a reserve and desert in central Ferghana). - Tashkent: Uzbekistan, 1965. - B.11).

6. ФВДА, 711-жамғарма, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд, 41-варақ (711- fund, 1- list, 71- case, 41-page).

7. Искандаров С.И., Раҳимбоев Ф.М. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши. -Тошкент: Ўзбекистон, 1984. -Б.27 (Iskandarov S.I., Rakhimbaev F.M. Development of irrigation and land reclamation in Uzbekistan. -Tashkent: Uzbekistan, 1984. -P.27).


8. ЎзР ПАА ФВБ, 1-жамгарма, 9-рўйхат, 264-йиғма жилд, 19-варақ (1- fund, 9- list, 264- case, 19-page).
9. ЎзР ПАА АВБ, 155-жамгарма, 2- рўйхат, 182- йиғма жилд , 68-варақ (155-fund, 2- list, 182- case, 68-page).
10. Минводхоз УзССР в девятой пятилетке. -Ташкент, 1976. -С.137 (The Ministry of Water Economy of the Uzbek SSR is nine years old. - Tashkent, 1976. -P.37).
11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Тошкент: Шарқ, 2000. -Б.553 (The modern history of Uzbekistan. Second book. Uzbekistan in the Soviet colonial era. - Tashkent: East, 2000. -P.553).
12. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1972 г. Стат. ежегод. - Ташкент: Узбекистан, 1973. -С.181-182 (The national economy of the Uzbek SSR in 1972. Stat. ejeod. - Tashkent: Uzbekistan, 1973. - p. 181-182).
13. ЎзМА, Р.2483-жамгарма, 1-рўйхат, 5809-йиғма жилд, 113-варақ (National Archives of Uzbekistan 2483-fund, 1-list, 5809-case, 113- page).
14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг идоравий архивининг 1976 йил бўйича йиллик техник ҳисоботи материалларидан. -Б.21 (From the materials of the Annual Technical Report of the Departmental Archive of the Naryn-Karadarya Basin Administration of Irrigation Systems of the Ministry of Agriculture and Water Resources of the Republic of Uzbekistan for 1976. -P.21).
15. Мирзаев Т. Кадрлар тайёрлашни яхшилайдик // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент , 1987. -№1. -Б.45 (Mirzaev T. Improving human resources // Agriculture of Uzbekistan. - Tashkent, 1987. -1. -P .45).
16. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси идоравий архивининг 1987 йил бўйича йиллик техник ҳисоботи материалларидан. -Б.6 (Materials of the annual report of the Departmental archive of the Naryn-Karadarya basin of irrigation systems for 1987 of the Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan. -P.6).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тўпчиев Усмон Синдорович,
Жиззах давлат педагогика институти
Тарих ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси

ХІХ АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНГА КЕЛТИРИЛГАН ЯНГИ УЗУМ НАВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation: Usmon S. Tupchiev. New grape varieties brought to Turkestan in the late 19th and early 20th centuries and their features. 2019, vol. 17, issue 2, pp. 52-61

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-09>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасига четдан келтирилган ва ўлка иқлим шароитига мослаштирилган янги узум навлари, уларнинг узумчилик ва виночилик саноати ривожигаги ўрни, шунингдек янги узум навларининг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар манбаа ва адабиётлар, даврий нашлар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: узум, узумчилик, Қрим, Кавказ, янги узум навлари, Ати-Верде, Франк-пино, Мерло, Саперави, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла, Каберно-Савиньон, Рислинг, Сотернь, Оporto, Модерн-Мальвази, Чуенко, Фетисов, Н.И.Иванов, Первушин, А.Пулло, вино, виночилик.

Тупчиев Усмон Синдорович,
Преподаватель кафедры методики
преподавания истории
Джизакского государственного
педагогического института

НОВЫЕ СОРТЫ ВИНОГРАДА ЗАВЕЗЕННЫЕ В ТУРКЕСТАН В КОНЦЕ XIX НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ, И ИХ ОСОБЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена к вопросам новых сортов виноградов, привезенные из других

регионов и их адаптация к условиям Туркестана в конце XIX и начале XX века, их место в развитии винодельной промышленности, а также специфические особенности новых сортов виноградов освещены на основе источников, литератур и периодических изданий.

Ключевые слова: виноград, виноградарства, Украина, Молдавия, Кавказ, новые сорту винограда, Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Саперави, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла, Каберно-Савиньон, Рислинг, Сотернь, Опорто, Модерн-Мальвази, Чуенко, Фетисов, Н.И.Иванов, Первушин, А.Пулло, вино, виноделие.

Usmon S.Tupchiev,
Jizzakh State Pedagogical institute
Teacher of the department of methods of teaching history

NEW GRAPE VARIETIES BROUGHT TO TURKESTAN IN THE LATE 19th AND EARLY 20th CENTURIES AND THEIR FEATURES

ANNOTATION

The article is devoted to the issue of new varieties of grapes brought from other regions and their adaptation to the conditions of Turkestan in the late 19th century and early 20th century, their place in the development of the wine industry, as well as the specific features of new varieties of grapes are highlighted on the basis of courses, literature and periodicals.

Key words: grapes, viticulture, Ukraine, Moldova, Caucasus, new grape varieties, Ate-Verde, Franco-pino, Merlo, Saperavi, Yakrima, Christie, Yakrima-Dolce, Isabella, Cabernet-Sauvignon, Riesling, Sothern, Oport, Modern-Malvasi, Chuenko, Fetisov, N.I.Ivanov, Pervushin, A.Pullo, wine, winemaking.

Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг икки томон ўртасида савдо-сотик алоқалари аста секин ривожлана бошлади. Натижада Россиянинг марказий бозорларида ўлкада етиштирилган қишлоқ хўжалигининг бошқа экинлари каби узум ва узум маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошди. Бу талаб ўз навбатида, ўлкада узумчилик ва узум маҳсулотларини етиштириш ҳамда вино ишлаб чиқариш саноатининг аста-секин ривожланишида муҳим омиллардан бўлди. Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган узум ва вино маҳсулотларига нафақат республикамизда, балки хорижий мамлакатлар томонидан ҳам катта қизиқиш билан эътибор берилётгани унинг тарихини янада чуқурроқ ва кенгроқ, ҳар томонлама ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, Туркистон ўлкасида узумчилик ва узум маҳсулотларини тайёрлаш ишлари азалдан давом этиб келган. Шу билан бирга, қўрилаётган даврга келиб ўлкага четдан узумнинг янги, ҳосилдор ва винобоп навлари ҳам келтирилиб, табиий иқлим шароитга мослаштирилиб, ўз навбатида виночилик ҳам йўлга қўйила бошланган.

Туркистон ўлкасига узумнинг янги, ҳосилдор ва винобоп навлари дастлаб 1867-1868 йилларда Украина (асосан Қрим), Молдова, Кавказорти ва бошқа

жойлардан келтирилиб экилган. 1869 йилдан бошлаб кейинги йилларда ўлкага Қрим, Кавказ, Украинадан ташқари, европанинг Франция, Германия, Венгрия, Болгария каби мамлакатлари ва ҳатто Америкадан ҳам узумнинг янги навлари олиб келиниб таббӣй иқлим шароитга мослаштирила бошланган. Шу билан биргаликда, ўлкага Россиядан узумчилик ва виночилик соҳалари бўйича тажрибали мутахассислар ҳам жалб этила бошланган.

Ўлкада узумчиликнинг ривожланишида Россия боғдорчилик жамияти ва унинг Туркистон бўлими ҳам муҳим рол ўйнаган. Ушбу бўлим узумчилик ва вино ишлаб чиқариш бўйича тажрибали мутахассисларни ўлкага жалб этиш, ушбу мутахассисларга ўлкада узум плантацияларни ташкил этиш ва вино заводларни ишга тушириш, шунингдек, узумнинг янги маҳаллий шароитга мос энг яхши навларини ўрганиб тавсия этиш, тегишли навларни бошқа минтақалардан олиб келиш ишларини ташкил этган. Шунингдек, мазкур бўлим ўлкада узумчилик ва виночиликни илмӣй асосда ривожлантириш, тоқларда учрайдиган (филлоксера, оидиум ва б.) касалликларга қарши курашиш ишларини олиб борган. Бундан ташқари, ушбу бўлим тоқзорларга ишлов беришнинг агротехник усулларини ишлаб чиқиш, мевали ўсимликлар ва тоқ кўчатларини етиштирадиган махсус кўчатзорларни барпо этиш каби ишларни такомиллаштиришда ҳам муҳим роль ўйнаган. Бўлим томонидан 1911 йилдан бошлаб тоқчиликни ривожлантиришда янги тоқ кўчатларини етиштириш ва уларга ишлов бериш, айниқса ушбу тадбирларни ҳосилга кирган тоқзорларда қўллаш бўйича ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган агротехник қоидалар бўйича дастурлар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этиб борилган.

Туркистон ўлкасига дастлаб янги узум навлари Тошкент уездига олиб келтирилган бўлса, кейинчалик четдан келтирилган янги узум навларини етиштириш, йирик узум плантацияларига асос солиш ва виночиликни йўлга қўйиш борасида ўлка вилоятларидан бири Самарқанд асосий марказга айланган.

Кекса боғбонлардан бири жаноб Чуенконинг таъкидлашича, европадан ўлкага дастлаб узумнинг янги навлари полковник Н.Н.Раевский ва узум етиштириш ва вино тайёрлашда етакчи мутахассислардан бўлган жаноб Фетисовлар олиб келишган. Кейинчалик, полковник Раевский тажрибали мутахассис жаноб Чуенкони ўзи билан бу соҳада ҳамкорлик қилишга таклиф этади ва унинг ёрдамида Тошкентга 3 минг донга Европа навли янги узум қаламчаларини олиб келиб, уларни экиб парваришлаган"[12, Б.94].

Манбаларда қайд этилишича, ушбу соҳа мутахассисларидан бири бўлган Н.И.Иванов дастлаб Тошкент уездида 3 десятина ерда янги навли синов-саноат узум боғини ташкил этган. Унинг боғида Қримдан келтирилган янги узум навлари билан бирга маҳаллий (асосан Чарос) навлари етиштирилиб, ундан мол-кўл ҳосил олина бошлаган. Аста секин бундай синов-саноат узум боғларининг сони ва кўлами кенгайиб борган. Жумладан, манбаларда қайд этилишича Россиядан келган ҳар бир боғ эгасининг 25-30 десятина синов-саноат узум боғи бўлиб, уларда узумнинг ҳам маҳаллий, ҳам Европа навлари парваришланган. Ўлкада Н.И.Иванов, ака-ука Первушинлар бу борада машҳур бўлиб, уларнинг синов-саноат боғлари 1873 йилда ташкил этилган. Кейинчалик, 1876 йилда бу борада етакчи мутахассис бўлган Проховский ўлкада дастлабки узумчилик ва виночилик хўжалик фирмасини ташкил этган. Ушбу мутахассисларнинг синов-саноат боғларида маҳаллий ва янги узум навларининг ўнлаб турлари ўстирилган ва улардан

мол-кўл ҳосил олишга эришилган"[13, Б. 58-60; 17, Б.74-75; 18, Б.242; 5, Б.234].

Россия империясидан келган агроном ва селекционерлар, хаваскор боғбонлар янги узум навларини ўлка таббий иқлим шароитига мослаштириш билан бирга, маҳаллий узум навлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шунингдек маҳаллий ва четдан келтирилган янги узум навларини бир-бири билан таққослаш, уларни чатиштириш орқали янги навлар яратиш борасида ҳам муҳим тадқиқотлар олиб боришган. Бундан кўзланган асосий мақсадлардан бири, Россия империяси манфаатларига хизмат қиладиган боғдорчиликнинг бошқа тармоқлари каби узумчилик базасида саноатнинг сердаромад соҳаларидан бўлган вино ва бошқа спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришнинг узлуксиз тизимини йўлга қўйишдан иборат бўлган.

Туркистон ўлкасида 1888 йилдан янги узум навларини етиштириш ишлари кенгайиб, четдан келтирилган янги узум навлари юзлаб боғбонларга тарқатилган ва сотилган. Хусусан, XX аср бошларида Самарқанд вилояти уездларида 50 десятина ер майдонида узумнинг Қора Птивердо, Франк-менс, Изабелла, Каберно-Савиньон, Оқ шампань, Рислинг, Сотернь, О-Порто, Модерн-Мальвази, Лакрима-христи, Оқ мускат каби чет элдан келтирилган янги навлар парваришланиб, боғбонларни қониқтирадиган меъёрда ҳосил олинган. Ушбу янги узум навлари маҳаллий боғбонларга ҳам тарқатила бошлаган"[2, Б.163; 16, Б.136; 5, Б.326].

Туркистон ўлкасига четдан келтирилган янги узум навларининг айримлари ўзининг совуққа чидамлилиги, узумда учрайдиган касалликларга бардошлилиги, шунингдек, ҳосилдорлиги ва вино бериш миқдори юқорилиги билан бошқа янги узум навлар, шунингдек маҳаллий узум навларидан ажралиб турган. Хусусан, ўлкага Ширвон (Озарбайжон)дан Қора Ширвон, Боку губерниясидан келтирилган Матрос номли янги узум нави касалликларга чидамли ва серҳосил бўлиб, ушбу узум нави етиштирилган боғнинг ҳар бир десятина еридан олинган ҳосилдан 600-700 челак (1 челак ўртача 12-15 литр) сифатли вино олиш мумкинлиги каби хусусиятлари билан Мерло, Гренашь, Мурвед каби янги узум навларидан ҳам устун турган. Ҳатто, Жанубий Қримдан келтирилган Пино-Фарнь, Франциядан келтирилган Каберно-Савиньон, Каберно-Франь, Карменера, Мерло, Вердо, Молебек, Пино-гри, Нино-Блань, Алигата каби узум навлари ҳосилдорликда, шунингдек виносининг таъми ва рангининг жозибадорлигида Матрос билан баҳслаша олмаган"[11, Б.177-183].

Ўлкада узумчилик соҳасида иш олиб борган етакчи мутахассислардан яна бири А.Пулло бўлган. Ушбу мутахассис узумнинг Камернь, Лафить, Каберно-Савиньон, Педро-Химменесь, Оporto, Сапперани, Александрия Мускати, Оқ, Қизил ва Қора Мускат каби европа навларини ўлка иқлим шароитига мослаштириш билан бирга, уларни маҳаллий Чарос узум нави билан таққослаб, уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи ўзига хос ва ўхшаш бўлган хусусиятларини ҳам тавсифлаган. Хусусан, ушбу мутахассиснинг таъкидлашича, маҳаллий узум навларидан бири бўлган Чарос - экилган йилининг биринчи йилидаёқ новда чиқариб, иккинчи йилданоқ ҳосил бера бошлаган. Четдан келтирилган янги узум навларининг айримлари беш йил деганда ҳосилга кирган. Шунингдек, Чароснинг новдалари бир йилда 7-8 аршин ўсса, европадан келтирилган янги навларда бу жараён секин кечган"[13, Б.58-59]. Ўлкага четдан келтирилган янги узум навлари маҳаллий узум навларига нисбатан айрим жиҳатларда устун турган бўлса, айрим жиҳатларда маҳаллий

навлар улардан устун турган.

Демак, тошкентлик боғбонлардан бўлган Н.И.Иванов ва И.И.Первушин, шунингдек, самарқандлик боғбонлар А.Л.Филатов ва Р.С.Проховский ва бошқа шу каби мутахассислар Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Саперани Мускати, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла каби 20 га яқин навлар, шунингдек узумнинг қора ва қизил навлари ҳисобланган Сотернь, Рислинг, Мадера, Гро-Рислинг кабиларни, қолаверса Оқ Мускат, сариқ тусли Александрия, Шосланинг каби ўнга яқин янги узум навларини парваришлаш ва уларни ўлка табиий иқлим шароитига мослаштиришда катта хизмат қилишган.

Ушбу мутахассислар томонидан ўлкага янги узум навлари фақат четдан келтирилиб қолмасдан, балки маҳаллий навлар билан бирга Қрим, Кавказ, Европа ва Америкадан келтирилган янги навларни, шунингдек ёввойи узум навлари билан маҳаллий ва европа навларини чатиштириш йўли билан боғлиқ селекция ишларини ҳам олиб боришган. Айниқса, 1909-1910 йилларда бу жиҳатга эътибор кучайиб, ҳатто манзарали дарахтлар билан бирга Бегнона ёввойи узум нави билан маҳаллийлаштирилган навлар чатиштирилиб, мутлақо янги узум навлари ҳам яратилган"[8, Б.187-190].

Узумнинг янги навларини ўлка иқлим шароитига мослаштиришда барча хаваскор боғбонлар ҳар доим ҳам кутилган натижаларга эриша олмаганлар. Масалан, четдан келтирилган айрим янги узум навлари маҳаллий шароитда узум доналари кичрайиб, таъми нордонлашиб борган ва ҳосилдорлиги ҳам сезиларли даражада пасайиб кетган.

Туркистон минтақасида кескин континентал иқлим шароитда ўта иссиқ, қиш фасли эса қуруқ ва совуқ келиши, ҳаво оқимида кескин ўзгаришлар юз бериб туриши каби ҳолатлар туфайли узум новдаларининг касалланиши(энг кўп тарқалган касалликлар: холера, замбуруғ, занг) ёхуд ҳосилсизлик тез-тез такрорланиб турган. Жумладан, манбаларда қайд этилишича, 1907 йил тошкентлик боғбонлар учун об-ҳаво ноқулай келиб, апрел ва май ойи бошларида қор ёғади. Бу пайтда рус боғбонлари ўз плантацияларидаги кўмилган тоқларни очишган бўлишган. Ўлка табиатини яхши билган маҳаллий боғбонлар эса бу вақтда ҳали кўмилган тоқларини очишмаган эди. Шу сабабли, рус боғбонларида шу йили маҳаллий боғбонларга нисбатан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичи паст бўлган"[3, Б.3-5; 1,Б. 65; 20, Б.61].

Ёхуд ёзда чанг, тўзон ва гармсель(ёзда эсувчи иссиқ шамол) эсиши сабабли ток баргларининг қуриб, сарғайиб қолиши, бу эса ўз навбатида ҳосилдорлик миқдори ва сифатига таъсир кўрсатиши, шунингдек узум ҳосили пишиб етилганда уни қуш ва бошқа ҳайвонлардан сақлаш каби муаммолар ҳам боғбонларни безовта қилиб турган.

Юқорида номлари тилга олинган мутахассислар узум плантацияларида йил мобайнида кетадиган умумий сарф-ҳаражатлар ҳақида ҳам ўз ҳисоботларида маълумотлар келтириб ўтишган. Масалан, Н.И.Иванов ўз узум плантацияси ривожини учун ҳар йили ўрта ҳисобда 159 рубль маблағ сарф этганлигини таъкидлайди. Шунингдек, ушбу мутахассис ўз плантациясида узумларга ишлов беришнинг агротехник қоидаларини ҳам ишлаб чиққан ва амалиётга тадбиқ этиб борган, бу қоидаларни ўз навбатида маҳаллий боғбонларга ҳам ўргатиб келган"[17, Б.76].

Н.И.Иванов ишлаб чиққан агротехник қоидаларга кўра, тоқларни йилнинг 15-мартидан - 1-апрелига қадар очиб, ноябр ойи кирмасдан тоқларни совуқдан

асраш учун кўмиш кераклигини таъкидлаган. Шунингдек, ушбу мутахассис ўзининг узум плантациясида ишлаган ишчиларга берилган меҳнат ҳақи ҳақида ҳам тўхталиб, 1 десятина ерга ишлов берган ишчиларга ўрта ҳисобда 15 рублгача маблағ сарфлашлигини ҳам қайд этиб ўтади. Бундан ташқари, Н.И.Ивановнинг илк бор узум қатор ораларига қўл меҳнати билан ишлов бериш ўрнига 1 та отга қўшилган плугдан фойдаланишни жорий этганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Чунки, бу усул тоқзорлар орасидаги ерга ишлов бериш самарадорлигини оширган. Н.И.Иванов узоқ йиллар мобайнида ушбу машғулот билан шуғулланиб, узумнинг янги навларини ўлка табиий иқлим шароитига мослаштирган, ўзи етиштирган янги узум навларини узумчилик билан шуғулланувчи бошқа боғбонларга ҳам тарқатган ва бу борада ўзаро тажрибалар алмашган"[3,Б. 3-5; 7, Б.297].

XIX асрнинг сўнги ўн йилликларида Туркистон ўлкасининг Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида узум етиштириладиган майдонлар кўлами кенгайиб, ўз навбатида узумдан олинадиган ҳосил миқдори ҳам ошиб борган. 1886-1896 йиллар оралиғидаги ўн йиллик таҳлил этилганда ҳар йили ушбу вилоятларда 14 644 десятина узум плантацияларида ўртача 5 558 344 пуд узум ҳосили олинган. Сиёб, Маҳалла, Хўжа Ахрор, Ургут, Янги Қўрғон, Ангор каби волостларида узумнинг йирик плантациялари мавжуд бўлган биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 1892 йилда 2 млн пуд миқдорида узум ҳосили олинган бўлиб, бу кўрсаткич ушбу вилоятнинг ўлкада узумчилик борасида етакчи эканлигидан далолат беради"[17, Б.79; 13, Б.58-60; 21, Б.43].

Узумчилик соҳасида катта тажрибага эга бўлган Туркистон ўлкаси боғбонлари ҳосилдорлик натижалари бўйича ҳам Россия империяси бошқа вилоятларига нисбатан юқори кўрсаткичларга эришишган. Хусусан, Россиянинг Дон вилоятида 1 туп тоқдан 2 пудгача, 1 десятина майдондан эса 150-400 пудгача, Бессарабия губернияси(Молдавия)да 105-237 пуд, Астраханда 215 пуд, Кахетия(Кавказ)да 200-400 пуд ҳосил олинган. 1893 йилда Ереванда бу борада энг юқори натижага эришилиб, 1 десятина майдондан 2000 пудгача узум ҳосили олинган. Бу борада Самарқанд вилояти боғбонлари Дон, Бессарабия ва Кавказдаги касбдошларидан ҳам юқори натижаларга эришишиб, 1 десятина узумзордан 2 251 пудгача ҳосил олиб, 29 фут майдондаги ҳар бир тоқ тупларидан 3 пуд узум олишга муваффақ бўлишган. Бир десятина ердан 2000 пуддан ортиқ ҳосилдорликка эришиш Европа, Қрим ва Кавказдан келтирилган узумнинг Сатернь, Саперави(Кауста), Рислинг, Гренаж, Птиверда, Мускат, Пино, Изабелла каби серҳосил бўлган янги навларда ҳам кузатилмаган. Самарқанд вилоятининг Самарқанд уезди боғбонлари ўзларининг машаққатли меҳнатлари ва узумларда учрайдиган (замбуруғ, оидиум, антракноз, мильдиум) касалликларга қарши муваффақиятли кураш олиб боришлари натижасида ҳар бир десятина ердан 1500-2000 пудгача узум ҳосили олишга муваффақ бўлишган[17, Б.80; 13, Б.59].

1894 йилда Самарқанд вилоятида 6 261 000 пуд узум ҳосили олинб, олинган ҳосилнинг 94,7 % хўл мева сифатида итеъмола учун сотилган бўлса, ҳосилнинг қолган 5,3 %, яъни 334 243 пудидан вино тайёрланган. Мазкур йилда бутун Туркистон ўлкаси бўйича 11 млн пуд узум ҳосили йиғиштириб олинган[13,Б.58-60]. Шунингдек, 1899-1900 йилларда Самарқанд уездида 4918 десятина, Каттақўрғон уездида 1772 десятина майдонда узумзорлар мавжуд бўлиб, тоқзорлардан олинган ҳосил 1900 йилда Самарқанд уездида 2 320 140 пуд, Каттақўрғон уездида эса 792 330 пудни ташкил этган. Ўртача ҳосилдорлик бир

десятина ердан 485 пудни ташкил этган[17,Б.81-82; 14,Б.116-117]. Келтирилган рақамлар таққосланганда Туркистон ўлкасида бир йилда узумдан олинган ҳосил миқдоригаги улуш бўйича Самарқанд вилояти 52-53 %ни ташкил этган ҳолда бошқа вилоятларга нисбатан ушбу соҳада етакчи эканлиги маълум бўлади.

Узум етиштириш ва вино тайёрлаш бўйича Сирдарё ва Фарғона вилоятлари Самарқанд вилоятидан кейинги ўринларда туриб, бунинг ўзига ҳос сабаблари мавжуд эди. Хусусан, биргина Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалигида экин экиладиган майдонларнинг катта қисмини асосан пахта майдонлари ташкил этиб, бу ўз навбатида бошқа экин турларининг етиштирилишига тўсқинлик қилган. Чунки, мустамлака ҳукумат саноати учун муҳим ҳомашё манбаи бўлган пахта бошқа экин турларига қараганда фойдали эди[1, Б.67].

Туркистон ўлкасида узумчилик соҳасининг ривожланиши, шунингдек ўлкада узумнинг янги навларининг жорий қилиниши натижасида юқори ҳосил олинди, бу ўз навбатида минтақада етиштирилган маҳсулотни Россиянинг европа қисмига, шунингдек хорижга экспорт қилишнинг кенгайишида муҳим аҳамият касб этган.

Туркистон ўлкасидан четга узум ва узум маҳсулотларини экспорт қилишда дастлаб транспорт сифатида туя, от, хачир каби уй ҳайвонларидан фойдаланилган бўлса, кейинчалик ўлкага темир йўлнинг кириб келиши билан ушбу маҳсулотларни четга ташиш ишлари енгиллашган ва юк ҳажми ҳам ортган.

Манбааларда қайд этилишича, XX асрнинг дастлабки ўн йиллигида Туркистондан Россияга ҳўл мева экспорт қилиш ҳажми ошган. Масалан, 1907 йилда 1906 йилга нисбатан ҳўл мева чиқариш 136,31 %, узум экспорт қилиш эса 241,03 % ўсган. Аксинча, ўлкадан четга қуруқ мева экспорт қилиш 22 % пасайган. Бу кўрсаткич 100% нисбатида олиб қаралса, ҳўл мевалар 34,92% дан 38,55 %га ошган ҳолда, узумнинг салмоғи 30,64 % дан 48,77 %га кўтарилганлигини кўриш мумкин[17, Б.82; 4, Б.270-276].

Юқоридаги рақамлардан кўринадик, ўлкада узум етиштиришда ҳосилдорлик янги навлар ҳисобидан доимо кўтарилиб борганлиги маълум бўлиб, ўлка ташқи савдосида узум ва майизга бўлган эҳтиёж ошиб борган. Минтақада узумнинг навлари тури ва сони янги навлар ҳисобига уч баробарга кўпайиб, уларнинг сони кўриляётган даврда 60 дан ошиб кетган.

Россия мустамлакачилиги сиёсатида Туркистонда узумчилик соҳасини тараққий эттириш орқали узумдан тайёрланадиган ва четдан сотиб олинадиган спиртли ичимликлар(вино, коньяк, ароқ)га кетадиган ҳаражатларни камайтириш, истиқболда эса сифатли, олий навли вино ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш орқали катта даромад олиш режалари ҳам бўлган.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мустамлака ҳукумат доимо ўлкада узумнинг янги навларини етиштириш ва улардан мўл ҳосил олиш, олинган ҳосилдан сифатли вино ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилиб келган. Хусусан, XIX асрнинг 80 йилларида ҳар йили рус боғбонлари шахсий хўжаликларида узумнинг Матрос, Изабелла, Сотернь, Оқ ва Қизил Мускат, О-Порто ва Рислинг каби янги навлари парваришланиб, ҳар бир десятина майдондан 15 000 челақгача ҳосил олинган. Олинган ҳосилдан тайёрланган олий навли "Рус виноси" 1893 йил Парижда, 1894 йил Антверпенда, Шампань (1896 йил) ярмаркаларида юқори баҳоланиб, олий мукофотларга сазовор бўлган. Шу билан бирга, рус тадбиркорлари аста секин узумдан ароқ ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўя бошлашган[2, Б.169-171].

Ўлкада юқори сифатли қизил вино ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилиб,

Европадан келтирилган Каберно-Савельон, Соперовки, Матрос(Қора Ширвон) ҳамда маҳаллий Қора Кишмиш, Чарос, Чиллаки, Қора Хусайни кабилардан ошхона, черков, десерт(сархил) навли уч ҳилдаги винолар тайёрланган[17, Б.82; 11, Б.177-183; 19, Б.154].

Ўлкада тайёрланган вино ичимлигини Тошкент вокзали орқали четга жўнатиш 1906 йилда 8 071 пуд(85,73%)ни, 1907 йилда 97 490 пуд(134,77%)ни ташкил этган. Икки йил давомида экспортдаги ўсиш суръати 114,96 %ни ташкил этган[17, 82; 4, 270-276]. Йилнинг 15 июлидан 15 сентябрига қадар ўлкада узум мавсуми бўлиб, ҳар бир вагонга 300 пудгача узум ортилган. 1907 йилда икки ойлик мавсум мобайнида бир суткада 2 тадан вагонга эҳтиёж бўлиб, жами 120 та вагон талаб қилинганлиги манбаларда қайд этилган[6,Б.17-18; 14,Б.349].

Туркистон ўлкасига кириб келган янги узум навларининг маҳаллий навлардан фарқли бўлган ўзига хос хусуситлари ҳам бўлган. Масалан, маҳаллий узум навлари тез касалликка чалиниб, бу касалликларнинг 11 ҳил тури мавжуд бўлган бўлса, четдан келтирилган янги узум навларида бундай касалликлар тури кам бўлиб, асосан 3-4 йилда хлороз касаллигига чалинган ва уни даволаш ҳам осон кечган. Шунингдек, узумнинг европа навларининг ҳосилдорлик даражаси маҳаллий навларга нисбатан юқори бўлиб, биринчи йили ҳосилдорлик паст бўлса, учинчи йили ўзини тиклаб олиб асл ҳолатига қайтган. Маҳаллий навларда эса бу жараён беш-олти йил давом этган. Узумнинг Опорти, Оқ, Қора ва Қизил Мускат каби янги навлари совуқ ҳаво таъсирига чидамли бўлиб, совуқ таъсир қилган ҳолда ҳам ҳосилдорлик у даражада пасаймаган. Маҳаллий навларнинг аксарияти эса совуққа чидамсиз ҳисобланган. Бундан ташқари, янги узум навларидан юқори сифатли вино ва бошқа спиртли ичимликлар олиш мумкин бўлиб, айниқса бу борада Оқ Мускат, Бордо, Сотернь навларидан олинган вино Буваки ва Чарос каби маҳаллий узум навларидан олинадиган виноларга нисбатан миқдор ва сифат жиҳатдан устун турган.

Юқорида келтирилган мавзуга оид маълумотлар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Саперани Мускати, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Қора Птивердо, Франк-менс, Изабелла, Каберно-Савиньон, Оқ шампань, Рислинг, Сотернь, Опорто, Модерн-Мальвази, Оқ мускат ва бошқа шу каби узумнинг ўттиздан ортиқ янги навлари олиб келинган ва маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган;

тажрибали мутахассислар томонидан тоқчиликни ривожлантириш ва уларга ишлов бериш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган агротехник қоидалар юзасидан дастурлар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этиб борилган;

янги узум навларининг маҳаллий навлардан фарқли ва ўзига хос хусуситларидан бири уларда учрайдиган касалликлар турининг камлиги бўлиб, бу касалликларга қарши курашиш ва уни даволаш ҳам осон кечган;

ўлкада узумчилик соҳасининг ривожланиши, узумнинг янги навларининг жорий қилиниши натижасида юқори ҳосил олинди, бу ўз навбатида минтақада етиштирилган маҳсулотни хорижга экспорт қилишнинг кенгайишида муҳим аҳамият касб этган;

ўлкада узумчиликни илмий асосда ривожлантириш, виночилик саноатини тараққий эттириш борасида олиб борилган ишлар кутилган натижаларни берган

бўлсада, лекин барча иқтисодий имкониятлар марказ манфаатларига бўйсундирилган эди;

Россия мустамлакачилиги сиёсатида Туркистонда узумчилик соҳасини тараққий эттириш орқали узум маҳсулотларидан катта фойда олишни кўзлаган;

четдан сотиб олинган спиртли ичимликларга кетадиган харажатларни камайтириш, сифатли, олий навли вино ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш орқали катта даромад олишни режалаштирган. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда мустамлака ҳукумат ўлкада узумнинг янги навларини етиштириш ва улардан мўл ҳосил олиш, шунингдек олинган ҳосилдан сифатли вино ишлаб чиқариш ишларини йўлга қўйишга ҳаракат қилиб келган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. А.Губаревич-Радобыльский. Экономический очерк Бухары и Туниса.-СПб., 1905.-С.65, 67, 69, 96, 97 (A. Gubarevich-Radobylsky. An economic sketch of Bukhara and Tunisia.-SPb., 1905.-S.65, 67, 69, 96, 97).

2. Виноделье в Туркестане// Туркестанский сборник. Том 522. -С. 163, 169, 171 (Winemaking in Turkestan // Turkestan collection. Volume 522. -С. 163, 169, 171).

3. Вербов. Несколько слов о наших виноградниках//Туркестанский сборник. Том 467. -С. 3-5 (Verbov. A few words about our vineyards // Turkestan collection. Volume 467. -С. 3-5).

4. Вывоз сушеных фруктов и виноградного вина//Туркестанский сборник. Том 536. -С. 270-276 (Export of dried fruits and grape wine // Turkestan collection. Volume 536. -P. 270-276).

5. Глушенко Е.А. Россия в Средней Азии. Завоевания и преобразования. -М., 2010. -С.234, 281, 282, 326 (Glushenko EA Russia in Central Asia. Conquest and transformation. -M., 2010. -P.234, 281, 282, 326).

6. Известия о деятельности Туркестанского общества сельского хозяйства// Туркестанский сборник. Том 500. -С.17-18 (News of the activities of the Turkestan Society of Agriculture // Turkestan digest. Volume 500. -P.17-18).

7. История народов Узбекистана. 2 том. УзССР ФА. 1947. -С.297 (The history of the peoples of Uzbekistan. 2 volume UzSSR FA., 1947. -P.297).

8. Комаров В. Краткие сведения о полезных растениях, встречающихся дико в горной стране верхнего Зеравшана// Туркестанский сборник. Том 525. -С. 187-190 (Komarov V. Brief information about useful plants found wildly in the mountainous country of Upper Zeraвшan // Turkestan collection. Volume 525. -P. 187-190).

9. Лавров М.В. Туркестан. География и история края. -М., 1916. -С.102-104 (Lavrov M.V. Turkestan. Geography and history of the region. -M., 1916. -P.102-104).

10. Мусофир. Средне-Азиатское виноградарств// Туркестанский сборник. Том 433. -С. 9-14 (Musofir. Middle-Asian viticulture // Turkestan collection. Volume 433. -С. 9-14).

11. Невеский М. Список деревьев и кустарников, произрастающих в Самаркандской области// Туркестанский сборник. Том 525. -С.177-183 (Nevesky M. List of trees and shrubs growing in the Samarkand region // Turkestan collection. Volume 525. -P.177-183).

12. О культуре винограда//Туркестанский сборник. Том 521. -С. 94 (On the culture of grapes // Turkestan collection. Volume 521. -FROM. 94).


13. Пулло А. К вопросу о виноградарства//Туркестанский сборник. Том 463. -С.58-60 (Pullo A. On the issue of viticulture // Turkestan collection. Volume 463. -С. 58-60).
14. Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге.-СПб., 1903.-С.34, 309, 322, 349 (Guide to Turkestan and the Central Asian Railway.-SPb., 1903. - S.34, 309, 322, 349).
15. Пардаев К.К. Ўрта Зарафшон(Миёнкол) воҳасининг XIX-XX аср бoшлариди ижтимоий-иқтисодий ва маданият ҳаёти.Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. -Т., 2003. -Б.116-117 (Pardaev K.K. O'rta Zarafshon (Miyonkol) vohasining XIX-XX asr boshlarida izhtimoi-itisodiy va madeaniy hayoti. Tarih fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun tadim etilgan dissertation. -Т., 2003. -Р.116-117).
16. Стекольников И. Виноградарство и виноделье в Туркестан // Туркестанский сборник. Том 454. -С.136 (Stekolnikov I. Viticulture and winemaking in Turkestan // Turkestan collection. Volume 454.-С.136).
17. Ҳайитов Ж.Ш.Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар. -Бухоро. "Дурдона", 2018. -Б.74, 75, 76, 79, 81-82, 83 (Kayitov J.Sh. Turkistansta yangi ekin navlarining tarqalishi va ulardagi zgarishlar. - Bukhoro. "Durdona", 2018.-В.74, 75, 76, 79, 81-82, 83).
18. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.-СПб., 1908. -С. 237-239, 242 (Shakhnazarov A.I. Agriculture in the Turkestan Territory. - SPb., 1908. -Р. 237-239, 242.).
19. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3178-иш, 142, 154-варақ (NA Uz.Fund I.7, list 1, case 3178, page 142, 154).
20. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 2873-иш, 61-61 а варақ (NA Uz.Fund I.7, list 1, case 2873, page 61-61a).
21. Ўз МА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 3298-иш, 43-варақ (NA Uz.Fund I.36, list 1, case 3298, page 43).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ҳасанова Нодира Ибрагимовна,
Термиз давлат университети
Денов филиали тарих фани ўқитувчиси

СУРХОН ВОҲАСИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ (XX аснинг 20-30 йиллари мисолида)

For citation: Nodira I.Khasanova. Activities of cultural and educational institutions in Surkhan oasis (in the twenties and thirties of the twentieth century). 2019, vol. 17, issue 2, pp. 62-67

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-10>

АННОТАЦИЯ

Совет ҳокимияти йилларида амалга оширилган таълим тизимидаги ислохотлар, мактабларнинг ташкил этилиши ва унинг коммунистик мафкура сиёсати таъсирга олинишининг оқибатлари ва натижалари манбалар асосида илмий таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Шеробод, зиёлилар қатлами, Коммунистик мафкура, Пошхурт, Хатак, Қишлоқ аҳолиси, аҳоли таълим даражаси, Ўзбек миллий маданияти

Ҳасанова Нодира Ибрагимовна,

преподаватель истории

Денауского филиала

Термезского государственного университета

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ УЧРЕЖДЕНИЙ КУЛЬТУРЫ И ОБРАЗОВАНИЯ В СУРХАНСКОМ ОАЗИСЕ (в двадцатых и тридцатых годах двадцатого века)

АННОТАЦИЯ

В статье анализированы реформы в образовательной системе, осуществлённые в годы Советской власти, организация школ, политика коммунистической идеологии и их последствия.

Ключевые слова: Шеробод, слой интеллигенции, коммунистическая идеология, Пошхурт, Хатак, Сельское население, уровень образования, Узбекская

национальная культура

Nodira I.Khasanova,
History teacher at the Denau branch
of Termez State University

ACTIVITIES OF CULTURAL AND EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN SURKHAN OASIS (In the twenties and thirties of the twentieth century)

ANNOTATION

Reforms in the education system implemented during the Soviet era, and the results and effects of the establishment of schools and its communist ideology policy were analyzed in terms of sources.

Key words: Sherobod, strata of the intelligentsia, communist ideology, Poshxurt, Hatak, Rural population, level of education, Uzbek national culture

Мамлакатимиз тарихи XX аср 20-30-йилларида мураккаб зиддиятли даврни бошдан кечирди. Айниқса бу даврда сиёсий тузумлар соҳасида янги бошқарув тизимини бир неча босқичлар юзага келиб, тарих фани олдига ушбу босқичлардаги тарихий воқелик ва жараёнларни илмий жиҳатдан, ҳолисона баён этиш имконияти юзага келди.

Ушбу давр тарихга хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий ҳаётига оид мустақиллик, совет ҳамда мустақилликнинг дастлабки даврида юз берган маъмурий бошқарувни илмий амалий жиҳатдан ўрганиш ҳозирги тарих фанининг долзарб масалаларидан бирига айланди. XX асрда Ўзбекистонда юз берган тарихий воқеликни илмий ҳолисона ўрганиш жараёнида Ўзбекистонда совет ҳукуматининг маданиятимиз ва маънавиятимиздаги миллий камситиш сиёсатини манбалар асосида таҳлил қилиш, иккинчи томондан совет ҳукуматининг маданий-маънавий сиёсатини туб моҳияти ва мазмунини очиб бериш. "Халқнинг маънавияти ва маданияти, - дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, - унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда хал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи ахамиятга эгадир". Дарҳақиқат, Ўзбекистонда 2016-2020 йилларидаги маънавий янгилашнишлар ўзбек халқининг тарихий хотирасини қайта тиклаш асосида юз бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатда амалга оширилаётган 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, 2017 йил 30 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" ги қарори, 2017 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ҳамда соҳага тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади. Ушбу маданий - маънавий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар кўп жиҳатдан шахс камолоти ривожини ва ўлмас қадриятларни қайта тиклаш асосида амалга оширилаётган натижаларга боғлиқдир.

Ватан тарихини барча даврларини тахлил этиш, уларни янги назарий-методологик асосда баён қилиш, холис хулосалар чиқариш - тарих фанининг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шунингдек, 1917-1991 йилгача Ўзбекистонда маданий-маънавий маданиятнинг умумий ахволи ва унинг совет ҳукумати сиёсати даврида амалга оширилган ишларни натижалари, муаммолари ва оқибатларни Сурхон воҳаси мисолида илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ушбу мавзуга оид манбалар Сурхон воҳаси мисолида илмий тадқиқот мавзуси сифатида ўрганлмаган ва тарих фани йўналишида ҳозиргача бўшлиқ сифатида мавжуд бўлиб, ягона илмий концепсияга тақдим қилинмаган.

Маълумки, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда маданий-маънавий тараққиётнинг барча жараёнларида коммунистик партия мафкураси ҳукмронлиги таъминланиб, "буюк давлатчилик" сиёсати жорий этилди. Ушбу сиёсат маданий - маънавий ҳаётнинг асосий тармоқлари бўлган халқ таълими тизими, адабий-бадий муҳит, миллий санъат масалалари ва маданий-оқартув муассасалар тизимида ҳам тўла ўз аксини топди.

Ўзбекистондаги маданий - маънавий соҳага, асосан, мафкуравий таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси деб қаралган маъмурий буйруқбозлик тузуми шароитига алоҳида эътибор бериш натижада сифат ва миллийликка эътибор берилмаслик туфайли халқ маорифи, миллий кадрлар тайёрлаш, адабий-бадий муҳит, маданий-оқартув муассасалари ва миллий кадриятлар масаласида совет ҳокимияти даврида жиддий таназзул юз берди. Чунки совет ҳукмронлиги даврида маданий жараёнлар Марказ манфаатларига мослаштирилиб, халқ таълими миллий анъаналардан узоқлаштирилиб, маҳаллий таълим-тарбия тажрибасидан фойдаланилмади. Маҳаллий миллий ёшларнинг маънавиятини шакллантириш вазифаси эътибордан четда қолдирилди. Таълим тизимида миллий ғояларнинг инкор этилганлиги, тарбия муассасаларида хур фикрлик ва эркинликнинг мавжуд бўлмаганлиги оқибатида таълим-тарбия самарадорлиги даражаси пасайиб борди.

Шунингдек, маданият соҳаси, жумладан, халқ таълими, маданий-оқартув муассасаларининг бир ёқлама ривожлантирилиши, режалаштиришдаги нуқсонлар, бошқарув ва хўжалик юритишдаги маъмурий-мафкуравий усуллар ҳамда маданий муассасалар ишини ўзбек халқи миллий хусусиятларига ёт бўлган ғоялар асосида ташкил этилиб, Ўзбекистонда, шу жумладан унинг Сурхон воҳасида маданий-маънавий соҳасининг ривожига тўсқинлик қилди. Маданий ва маърифий соҳа ҳодимларни ҳатто меҳнат қилиш ёшига етмаган ўқувчиларни оммавий мажбурий меҳнатга тортилишининг салбий томонлари ҳамда ўзга хос миллий маданий-маънавий тарбияни изчиллик билан издан чиқариш масалаларни илмий таҳлил қилиш мавзунинг энг асосий долзарб масалаларидан бири бўлди.

Энг муҳими маданий - маънавий ҳамда ҳукмрон коммунистик партия "шаклан миллий, мазмунан социалистик" деб аталмиш, "байналмилал" қобиғидаги маданият ва адабиётни тарғиб этиб, ёшларни шу руҳда тарбиялашга асосий эътиборни қаратилди.

Бироқ маъмурий буйруқбозликка қарамасдан Ўзбек миллий маданияти маълум даражада ривожланиб бориб, урф-одат ва анъаналар мафкуравий тўсиқ ва тазйиқларга қарамай яшашда давом этди. Ҳозирги Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган давлат дастурлари асосида маданий - маънавий соҳада маънавий

покланиш содир бўлаётган даврда совет ҳукмронлиги йилларида маданий - маънавий соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўрганиш, улардан келажак учун керакли хулосалар чиқариш ва қиёсий таҳлил қилиш шу куннинг талаби бўлиб, бу мавзунинг долзарблигини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Фуқоралар урушидан кейинги даврда мактаб-маориф соҳаси олдига мураккаб иқтисодий вазиятда юқори даражадаги вазифалар қўйилди. Жумладан, фуқоралар уруши йилларида ўқишга жалб этилмаган болаларни мактаб тизимига тортиш аҳамиятга молик масала бўлиб қолди. Мисол учун Шерободда 1933-1937 йилларда 2 та кутубхона, 4 та қизилчойхона, 3 та кечки ёшлар мактаби, 30 бошланғич мактаблар бўлиб ўқувчилар сони мактабларда 2110 тага етди. 1930 йилга келиб Шерободдаги 38333 аҳолидан 216 эркак ва 2 та аёл тўлиқ маълумотли эди. Ана шундай шароитда муҳим маданий-оқартув ишлари кучайтирилди[1]. 1937 йил Шерободда биринчи болалар боғчаси очилиб хотин-қизларнинг ишлаши учун имконият яратиб берилди. Халқ маорифини моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи мутахассисларни билим-методик тажрибасини ошириш ишлари яхшиланиб борилди.

Шеробод туманида 1939 йил 250 гектар ерга бугдой ва бошоқли донлар экилиб, деҳқончилик қилинди. Шунингдек, 400 гектар ерга каноп, 140 гектар ерга кунжут экилиб, давлатга белгиланган режа топширди. 1940-1941 ўқув йилига келиб Шерободдаги ўрта мактабларда 268 та синф хонаси бўлиб 8172 ўқувчи таълим олган. Мутахассисларга бўлган талабни ҳисобга олиб Термиз шаҳрига 35 киши механизаторлар тайёрлаш мактабига жўнатилди[2,5]. Агар 1945-1946 ўқув йилида Сурхондарё вилоятида эса 298 та мактабда 52,2 минг ўқувчи сабоқ олди[2,5]. Ўша вақтда Сурхондарё вилоятида жами 1760 нафар ўқитувчи мактабларда ишлаган. Сурхондарё мактабларида меҳнат қилган ўқитувчилардан 36 таси олий маълумотли эди, холос[4]. Сурхондарё мактабларида меҳнат қилган ўқитувчилардан 1538 таси ёки 57,3 фоизи ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга эмас эди. Бу шубҳасиз таълим тизимига салбий таъсир кўрсатди.

Бу ўринда маданий қурилишнинг совет вариантыдаги салбий ҳодисалар ўзанида намоён бўлган 1920-40-йилларнинг шубҳасиз ютуқлари орасида энг аввало аҳоли таълим даражасининг сезиларли даражада кўтарилишини, кенг тармоқ отган мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари тизимининг яратилиши, мутахассисларнинг катта авлоди шаклланишини ҳам қайд этиш лозим[58].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, урушгача Ўзбекистонда зиёлилар қатлами, ўқитувчи-кадрларни шакллантириш, илмий муассасаларни ривожлантириш, таълим инфратузилмасини кенгайтиришда муайян муваффақиятлар қўлга киритилган. Фуқоралар урушидан сўнг қайта тиклана бошланган маданий ҳаётга иттифоқ маркази мафкуравий тазйиқни кучайтирди. Таълим тизимига ажратилган сарф-харажатлар етарли даражага эга бўлмай қолди. Қишлоқ колхоз ишларида болалар меҳнатидан кенг фойдаланилиб, уларнинг таълим олиш масаласига эътибор сусайиб кетди. Шунингдек, мактабларнинг аҳоли яшаш жойларидан узоқда жойлашганлиги, болаларда кийим-кечакларнинг етишмаслиги, тўйиб овқат емаслик, дала ишларига жалб қилиш, қизларнинг эрта турмушга берилиши ва бошқалар ўқув иши самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Совет ҳукмронлиги даврида мафкуравий ғояларни кенг халқ оmmasига сингдиришда маданий-оқартув муассасалар ролига катта аҳамият берилган. Жумладан, совет ҳукумати ҳам бундай турдаги муассасалар фаолиятини, асосан,

"коммунизм" курувчисини тарбиялашдек гоъвий-мафкуравий вазифаларни бажаришга йўналтирди[6]. Коммунистик мафкура "шаклан миллий. мазмунан социалистик" деган тушунча асосида маданиятни сиёсийлашган йўлга мослаштирди.

Совет давлатининг "шаклан миллий мазмунан социалистик" деб аталмиш маданияти, марксизм-ленинизмдан иборат умумий дунёқараш асосига эга бўлиб, у ижтимоий ҳаёт ходисаларига синфий ёндашиш, партиявий-ленинча принциплари асосида ривожланди, унинг асосий методи эса социалистик реализм бўлди. Шерободни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш унинг маданий маиший қиёфасини янада кўтариш фақатгина саводхонликни юксак даражага ошириш маориф ишига сидқидилдан эътибор биришга боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам 1920 йиллардан дастлабки даврдан бу масалага алоҳида қаради. Ўз навбатида савод чиқариш ишлари бошқа жойларда бўлгани каби Шерободда ҳам оғир қийинчилик билан олиб борилди. Чунки бир томондан янги ҳукуматни савод чиқариш учун эски ўзбек алифбесидан воз кечиши ҳамда янги лотин алифбесидан ўтиш бўлса, иккинчи томондан маҳаллий халқ ичидан етишиб чиққан саводхон мутахассисларга ишонмаслик уларни диний ниқоб мулла тамғаси билан қаттиқ сиқув остига олиниши эди. Натижада маҳаллий халқ томонидан савод чиқариш учун қўланилган эски ўзбек алифбоси тарихий иқтисодий маданий ҳаётга оид жамики китоблар кутубхоналар оммавий йўқотила бошланди. Халқ назарига тушган ўқимишни муааллимлар босмачиликда айбланиб қамоққа олинди ва сургун қилинди. Қийинчиликлар ва оммавий қирғинларга қарамасдан 1924 йилда Шеробод шаҳрида дастлабки мактаб ташкил этилди, ушбу мактабга шаҳар марказидан ташқари Хўжги, Оққўрғон, Фамбур, Чўйинчи, Қўштегирмон, Тароқли ва Қуллуқшо қишлоқларидаги болалар ҳам ўқишга жалб этилди. 1926-1928 йилларда Шеробод туманидаги Хатак, Эгарчи, Лайлагон, Зарабоғ, Форабоғ, Ғўрин, Сеплон, Фамбур, Хўжанқо, Чўмичли, Танги, Пошхўрт, Қишлоқбозор қишлоқларида 13 ойлик савод чиқарувчи мактаблар ташкил этилди[7,382]. 1928 йилга келиб эса бир йиллик саводхонлик мактаблари ташкил этилди, Шеробод марказидаги Ленин мактаби, Хатак ва Пошхўртдаги мактаблар ҳам шулар жумласига киради. Шерободда дастлаб мактабларни ташкил этишда маҳаллий ўқимишли ўқитувчилардан Пошхўрт қишлоғида Ражаб Чаконов Хатак қишлоғида мактаб ташкилотчиси ўқитувчи Ахмедов Рахматларни алоҳида қайд этиш мумкин. 30 йилларда меҳнаткашларнинг фарзандларини мактабларга жалб этиш мақсатида 1934 йилда Сталин номли, ҳозирги ибн Сино номли мактаб очилиб 3-4 йиллик таълим бериш жорий қилинди. Худди шу даврда халқ маорифини ривожлантиришда, оммавий ёшларини мактабларга жалб этишда Оққўрғонлик ўқитувчи, туман халқ таълим мудирини Жумаев Мамат, Хатак қишлоғидан ўқитувчи Нуриддин Чориев, биринчи Шерободлик олий маълумотли Омонов Чори Пошхўртлик ўқитувчи Холмирза Сафоровларнинг хизматларни ҳурмат билан эсга олиш мумкин. Шерободда 1933-1937 йилларда 3 та кечки ёшлар мактаби, 30 та бошланғич савод чиқариш мактаблари бўлиб, ўқувчилар сони 2110 тага етди[8,58].

Халқ маорифини моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи мутахассисларни билим- методик тажрибасини ошириш ишлари яхшиланиб борилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Алимова Д. Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. (1917-1990 йй). -Т., 2000 (Alimova D. Golovanov A. Consequences of political and ideological pressure on Uzbekistan during the totalitarian Soviet system. (1917-1990). -Т., 2000).
2. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-хужжат, 5-варақ. (Surkhondarya Regional State Archives, Fund 33, list 32, document 17, page 5).
3. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-хужжат, 5-варақ. (Surkhondarya Regional State Archives, Fund 33, list 32, document 17, page 5).
4. Рашидова Т. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1959-1965). Автореф. дисс. ... канд.ист .наук. -Т, 1973; (Rashidova Cultural construction in Kashkadarya and Surkhondarya regions (1959-1965). Autooreph. diss. ... kand.ist .nauk. -Т, 1973).
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ (Surkhondarya regional state archive. Stock # 45, Box 1, Document 101, Box 58).
6. Шермухаммедов С. Рассвет и сближение национальных культур народов СССР. Автореф. Дисс. Докт филос. Наук. Т., 1973; (Shermuhammedov S. Russell and Dawn and the rapprochement of the national culture of the peoples of the USSR. Autooreph. Diss. Dock Philos. Nauk. Т., 1973;)
7. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т., Шарқ, 2001. -Б. 382. (Tursunov S.N. and others. Surkhondarya in the mirror of history. -Т., East, 2001. -В. 382.)
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ (Surkhondarya regional state archive. Stock # 45, Box 1, Document 101, Box 58)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хасанов Зухриддин Аваз ўғли,
Ўзбекистон Республикаси
Маънавият ва маърифат маркази ходими

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДИНИЙ МУРОСАСОЗЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

For citation: Zuxriddin A.Khasanov. The role of religious reconciliation in maintaining peace and tolerance in our country. 2019, vol. 17, issue 2, pp. 68-74

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-17-11>

АННОТАЦИЯ

Тинчлик - бугун ҳар қандай жамият ривожланиши асоси бўлиб ҳизмат қилмоқда. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан куплаб халқлар тинч-тотув истиқомат қилиб келганлар. Бу ҳудудда муқаддас ислом динидан ташқари христиан, буддизм, яҳудий ва бошқа дин вакиллари ҳам истиқомат қилиб келганлар. Мустабид совет тузуми даврида динга булган муносабат кескин тус олди. Советча "Атеистик" даҳриона тарғибот ишлари олиб борилиб, куплаб инсонларнинг эътиқоди пастга ўрилди. Мустақиллик шарофати билан динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди дейиш мумкин. Жумладан, мустақил Ўзбекистондаги эътиқод эркинлигининг асосини "Дунёвийлик даҳрийлик эмас" тамойили ташкил этади.

Бугунги Ўзбекистонда 16 та диний конфессия аъзолари тинч-тотув яшаб келмоқда. Бу ерда яшовчи 140 га яқин миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз ватанлари деб билишади. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон бағрикенг диёр эканлигидан далолат.

Калит сўзлар: толерантлик, диний бағрикэнглик, миллатлараро тотувлик, эътиқод эркинлиги, даҳрийлик.

Хасанов Зухриддин Аваз угли,
Республика Узбекистан Сотрудник
Центра духовности и просвещения

РОЛЬ РЕЛИГИОЗНОГО ПРИМИРЕНИЯ В ПОДДЕРЖАНИИ МИРА И ТЕРПИМОСТИ В НАШЕЙ СТРАНЕ

АННОТАЦИЯ

Мир - это основа развития любого общества сегодня. Многие народы жили на территории Узбекистана с древних времен. Помимо священной исламской религии, существуют также христианские, буддийские, иудейские и другие религии. Религиозные отношения стали более острыми во время тиранического советского режима. Советская атеистическая агитация была проведена, и убеждения многих людей истощались. Независимость религии резко изменилась с момента обретения независимости. В частности, принцип "секуляризм не атеизм" является основой свободы религии в независимом Узбекистане. Сегодня в Узбекистане проживают 16 религиозных конфессий. Представители более 140 наций, проживающих здесь, считают Узбекистан своей родиной. Все это доказывает, что Узбекистан - страна щедрости.

Ключевые слова: толерантность, религиозная толерантность, межнациональная гармония, свобода убеждений, атеизм.

Zuxriddin A.Khasanov,

Republic of Uzbekistan Employee
of the Center for Spirituality and Enlightenment

THE ROLE OF RELIGIOUS RECONCILIATION IN MAINTAINING PEACE AND TOLERANCE IN OUR COUNTRY**ANNOTATION**

Peace is the basis for the development of any society today. Many peoples have lived in the territory of Uzbekistan since ancient times. Apart from the holy Islam religion, there are also Christian, Buddhist, Jewish and other religions. Religious attitudes became more acute during the tyrannical Soviet regime. Soviet atheistic agitation was carried out and the beliefs of many people were dwindling. The independence of religion has changed dramatically since independence. In particular, the principle of "secularism is not atheism" is the basis of freedom of religion in independent Uzbekistan. Today, 16 religious denominations live in Uzbekistan. Representatives of the more than 140 nations living here consider Uzbekistan as their home country. All this proves that Uzbekistan is a land of generosity.

Key words: tolerance, religious tolerance, interethnic consent, freedom of religion, atheism.

Хар қандай жамиятнинг тараққиёти энг аввало тинчлик ва осойишталик билан таъминланади. Бутун дунё бўйлаб тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, кўп миллатли халқни фикрлар хилма-хиллиги қоидасини ҳурмат қилган ҳолда ягона ғоя остида бирлаштира олиш, виждон эркинлигини таъминлаган ҳолда диний бағрикэнглик ғояларини жамиятга тақдбиқ этиш бугунги кунда ғоят долзарб ва мушкул масалага айланиб бормоқда. Баъзан иқтисодий жиҳатдан анча тараққий этган давлатларда ҳам миллий ва диний аснодаги келишмовчиликларнинг келиб чиқаётганлиги, бундай давлатларни ўз маориф тизимига толерантлик ғояларини тарғиб этиш жараёнини бошлаб бермоқда. Айнан таълим тизимига диний бағрикэнглик ғояларини тақдбиқ этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқида "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюциясини[1] қабул қилиш таклифини илгари сурди. 2019 йил 15 мартда Янги Зеландиядаги иккита масжидга қилинган қуролли ҳужум оқибатида 40 дан ортиқ мусулмоннинг[2] ҳалок бўлиши.

2019 йил 21 апрелда Шри Ланкадаги Коломбо шаҳри марказидаги учта люкс отелида ҳамда бир қанча католик черковларида портлашлари оқибатида 185 нафар[3] инсонлар ҳалок бўлишди. Бундан ташқари Эфиопияда кўп йиллар давомида содир бўлиб келаётган диний айрмачилик бундай резалюцияни ҳаётга тадбиқ этиш ўта муҳим вазифа эканлигини кўрсатиб берди. Ўзбекистон кўп миллатли давлат ҳисобланади. Бугунги кунда республика ҳудудида 140 га яқин миллатлар 33 миллиондан ошиқ Ўзбекистон фуқароларини ташкил этади. Ўларнинг деярли ҳаммаси диний эътиқодга эга бўлган инсонлар бўлиб, республикадаги 16 диний конфессияга мансуб 2 минг 250 га[4] яқин диний ташкилотлар ўларнинг эътиқод эҳтиёжи учун хизмат қилмоқда. Бу соҳада Республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг асосий қоидаси "дунёвийлик дахрийлик эмас" тамойили асосида йўлга қўйилди. Давлатнинг динга муносабати "Инсон эътиқодсиз яшай олмайди" деган аниқ ишонч асосида белгиланди[5]. 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган, 5 ташаббусдан иборат "Ҳаракатлар стратегияси" давлат дастурининг бешинчи йўналиши ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган бўлиб, унгамуофиқ бугунги кунга қадар динсоҳасида 50 дан ортиқ қонун ҳужжатларива 25 амалий қарорлар қабул қилинди[6].

Масалан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги[7] фармони бу соҳа учун катта аҳамиятга эга бўлди. Шунинингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 2018-йил 13-августда қабул қилинди[8]. Унда мурожаат қилаётган вакилларни нафақат хорижий таълим бўйича, балки, иш билан таъминлаш бўйича талабларини ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Дин ишлари бўйича қўмитаси кўриб чиқиши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 31-майидаги "Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида"ги қарори асосида диний муассасаларни ташкил қилиш учун тўлов бадали камайтирилди ва уларни ташкил қилишда сўраладиган декларацияга киритиладиган ҳужжатлар камайтирилди. Адлия вазирлиги томонидан агар диний муассасалар қонунда белгиланган тартибни бузадиган бўлса энг кам иш ҳақини 100 баробаригача жарима солинадиган тартиб бекор қилинган ва адлия вазирлигидан соқит қилинди[9]. Жарима миқдори 15 баробарга қисқартирилди. Диний муассасаларни ташкил этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар сони камайтирилди ва бадал миқдори пасайтирилди. Буларнинг барчаси диний муассасалар фаолиятини қўллаб-қуватлаш учун қилинаётган ишлар албатта.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сунг диний муносабатларни тартибга солиш вазифаси 1992 йил 7 март кунидаги "Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитани ташкил этиш тўғрисида"ги[10] Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида тузилган Диний қўмитага юкланди. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 4 моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади"[11] деб белгилаб қўйилган. Бу тамоил Диний қўмитанинг асосий вазифаларидан бири-давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги нитаъминлашга тўла мос келади ва Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 61 моддаси "Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди"[12] деган тамоилга зид эмас.

Ўзбекистонда диний соҳани тартибга солувчи асосий қонун 1998 йил 1 майида қабул қилган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун ҳисобланади. Қонун 23 моддадан иборат бўлиб, у асосида диний муассасалар фаолиятини тўлиғича тартибга солинади.

Диний бағрикенглик - шахснинг барча динларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши, диний ва миллий можароларга мурасасиз бўлиши, турли диний эътиқодларга нисбатан мурасасозликда бўлишини талаб этади. Кўриниб турибдики бағрикенглик кенг ва ижоби тушунча бўлиб бугунги кунда бағрикенгликка оид 70 га яқин халқаро ҳужжатлар қабул қилинган ва уларнинг аксариятида диний бағрикенглик ҳам талқин этилган. Юртимизда ҳам диний бағрикенглик соҳасини ҳаётга тадбиқ этиш учун бир қанча ишлар қилинмоқда. Жумладан, Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013-йил 7-октябрдаги 274-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган "Фуқоролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида низом"да маҳалла институтининг миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик борасида олиб бориладиган фаолияти батафсил ёритиб берилган[13]. Шу ва бошқа ҳужжатларда ҳам юртимизда истиқомат қилаётган дин вакилларининг хоҳиш иродалари инobatга олинмоқда. Жумладан марказий телеведения орқали Ўзбекистон мусулмонлар идораси маънавий - маърифий кўрсатувларни бериб бориши, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий каби машхур алломаларнинг таваллудига бағишланган анжуманларнинг кенг кўламда нишонлаш каби тадбирларни айтиб ўтиш ўринлидир. Айниқса ҳаж ибодатини тўла-тўқис ва ҳамжиҳат ҳолда адо этиш учун барча шароитлар яратилгани таҳсинга сазовор. Ўз навбатида, православлар учун Исроил, Греция ва Россия, католиклар учун Исроил ва Италия, арманлар учун Исроил ва Арманистон, яҳудийлар ва баҳойлар учун Исроил, кришначилар учун Ҳиндистон ва буддавийлар учун Кореяда жойлашган муқаддас жойларга зиёратлар ташкил қилинмоқда.

1995-йилда Тошкентда "бир само остида" деб номланган динлараро форумнинг ташкиллаштирилиши[14]. Бундан ташқари биринчи Президентимиз И.А.Каримов фармони билан 1903-йилда қурилган "Святая Богородиция" ибодатхонасининг Арман апостол черковига топширилганлиги, ўз вақтида фаолияти тўхтатиб қўйилган Эвангел-лютеран черкови Кирхасининг республикада истиқомат қилувчи немисларнинг диний эҳтиёжларини мақсадида "Видергербурт" немис маданият марказига фойдаланиш учун қайтариб берилгани ва 1996-йилнинг декабрида ушбу конфессиянинг юртимизда фаолият бошлаганлигининг 100

йиллиги кенг нишонланиши[15] ҳам Ўзбекистондаги диний бағрикенглик сиёсати давлат томонидан ҳам амалга оширилаётганлигидан далолат.

Мустақиллик йилларида республикада юзлаб масжидлар, черковлар, сеногога ва ибодат уйлари қурилди ва қайта таъмирдан чиқарилди. Улар қаторига Тошкент шаҳридаги "Ҳазрати Имом" мажмуи, Минор амсжиди, вилоятлар марказидаги жоме масжидлари, Тошкентдаги Рус православ черковлари, шунингдек, буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман апостол черкови, Қорақалпоғистон Республикасидаги "Султон Вайс бобо" ва "Муҳаммад Норимжоний" зиёратгоҳлари, "Пантейлемон" черкови ва бошқаларни кўришимиз мумкин. Юртимизда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ислон Каримов, Бердақ, Ажинияз ҳайкаллари қаторида Ганжавий, Руставели, Пушкин, Шевченконинг ҳайкаллари ҳам кўча ва майдонларимизга файз бахш этиб турибди[16]. Буларнинг барчаси динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг ёрқин ифодасидир. Туркистондаги учта маҳаллий ибодатхона қурилишида мусулмонлар маблағ билан ёрдам кўрсатганлар. Чунончи, "Чирчиқ шаҳрида ҳозирги кунгача сақланиб, фаолият юритаётган Свята-Георгий ибодатхонасининг қурилиши учун маблағ маҳаллий имом тарафидан тўланган, Самарқанддаги Свято-Алексеев ибодатхонасининг қурилишидаги асосий маблағ берувчилар рўйхатида мусулмон савдогарлари Алимбековлар сулоласи қайд этилганлиги[17] бу миллатимизга азалдан бағрикенглик ҳос бўлганлигидан далолат.

1998-йилда Самарқандда Имом ал-Бухорий меъморий комплекси очилди. 2000-йил сентябр ойида Тошкентда ЮНЕСКОнинг "Жаҳон динлари маданий тинчлика йўли" мавзусида катта халқаро конференция ўтказилди[18]. Бундан ташқари имкониятлари чекланганлар учун диний таълим олишни қулайлаштириш мақсадида ҳам амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, қуръони карим бир неча марта брайил ёзувида нашр қилинди, ундан ташқари Ўзбекистон мусулмонлар идораси ташаббуси билан 2018-йил 30-январда Тошкент шаҳрида имконияти чекланганлар билан диний-маърифий суҳбатлар ташкил этилди. Бугунги кунда 400 дан ортиқ имконияти чекланганлар билан шу каби ҳайрлий ишлар амалга оширилди[19]. Бизнинг юртимиздан етишиб чиққан ислом динининг буюк уламолари нафақат бизнинг заминда балки бутун мусулмон дунёсида шухрат қозонган шу сабаб 1998-йил Алматида бўлиб ўтган туркийзабон давлатларнинг раҳбарлари ўчрашувида Ислон Каримов 1998-йил ЮНЕСКО қарори билан Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигини нишонланишини белгилаб қуйди. Бундан ташқари 1999-йилда президент ташаббуси билан яна бир буюк олим қуръоншунос ва ҳадисшунос Имом Абу Мансур Мотурудийнинг 1130 йиллик юбелейлари ўтказилди[20]. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро ислом тадқиқотлар маркази ташкил этилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимиздаги бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тинчлигимизнинг асосий гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <http://uza.uz/oz/society/marifat-va-diniy-ba-rikenglik-rezolyutsiyasi-zbekiston-tasha-19-12-2018> (<http://uza.uz/oz/society/enlightenment-and-religious-tolerance-resolution-Uzbekistan-19-12-2018>)

2. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/03/15/shooting/>
3. <https://www.trt.net.tr/uzbek/dunyo/2019/04/21/12345678910-1045-1187413>
4. <http://uza.uz/oz/society/konfessiyalararo-mulo-ot-va-diniy-ba-rikenglik-zhamiyat-bar--16-11-2017>(<http://uza.uz/oz/society/interreligious-dialogue-and-religious-tolerance-importance--16-11-2017>)
5. Ўзбекистон бағрикенг диёр, Ўз.Рес. В.М. ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита том. тай. қўлланма, Т.: 2017. 4-б. (Uzbekistan is the land of tolerance, Uz.Res. V.M. Smith on Religious Affairs at Volume. thai. Manual, Т.: 2017.4 p.)
6. <http://www.isrs.uz/ru/maqolalar/prosvesenie-i-tolerantnost-kak-faktor-religioznoj-svobody-i-bezopasnosti>
7. (<http://religions.uz/Religious-organizations-state-registration-approval-approval-order-approval>.)
8. <http://religions.uz/diniy-tashkilotlarni-davlat-ro`yxatidan-o`tkazish-uchun-rozilik-berish-tartibi-tasdiqlandi>. (<http://religions.uz/Religious-organizations-state-registration-approval-approval-order-approval>.)
9. <http://islim.uz/maqola/7917>
10. <http://religions.uz/diniy-tashkilotlarni-davlat-ro`yxatidan-o`tkazish-uchun-rozilik-berish-tartibi-tasdiqlandi>. (<http://religions.uz/Religious-organizations-state-registration-approval-approval-order-approval>.)
11. <http://uza.uz/uz/society/7-mart-o-zbekiston-respublikasi-vazirlar-mahkamasi-huzuridag-07-03-2019> ([http://uza.uz/uz/society/March 7-Uzbekistan-Republic of Uzbekistan-Cabinet of Ministers-07-07-2019](http://uza.uz/uz/society/March-7-Uzbekistan-Republic-of-Uzbekistan-Cabinet-of-Ministers-07-07-2019))
12. <http://lex.uz/acts/20596>
13. <http://lex.uz/acts/20596>
14. Бобожонова И.У Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда маҳалланинг роли (тошкент маҳаллалари мисолида)/ "Бағрикенглик - ўзаро ишончни ривожлантиришнинг воситаси сифатида" халқаро илмий амалий анжуман материалларидан, Т.: 2018. 76-б. (Bobojonova I. Role of mahalla in interethnic harmony and religious tolerance in Uzbekistan (for example, Tashkent mahallas) / Proceedings of the international scientific-practical conference "Tolerance as a means of developing mutual trust", Т.: 2018. p.)
15. Абидов Д.Т., Государственная политика независимого Ўзбекистана в сфере религии и культура её освещения в республиканской печати, Док.Пол.Нау Диссертация, Т.: 2007, 280 б (Abidov D.T., State policy of independent Uzbekistan in the field of religion and culture of its coverage in the republican press, Doc. Pol.Nau Dissertation, Т.: 2007,280p)
16. Бобомуродов О.Э. Ўзбекистонда тинчлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда ислим таълимотидаги ўзга дин вакиллари билан ўзаро муроСага келиш масалалари/"Бағрикенглик - ўзаро ишончни ривожлантиришнинг воситаси сифатида" халқаро илмий амалий анжуман материалларидан, Т.: 2018. 78-б. (Bobomurodov O.E. The issues of reconciliation with other religions in Islamic education in securing peace and religious tolerance in Uzbekistan / Proceedings of the International Scientific Conference "Tolerance as a Tool to Develop Confidence," Т.: 2018. p.)
